

677  
799

Р.Х. НУРБОЕВ, Ф.Ф. ҚАЗОҚОВ,  
Х.К. РАХИМОВ, М.Р. ХУДАЙБЕРДИЕВ

# ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ



ISBN-978-9943-7080-3-7

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-7080-3-7. Below the barcode, the numbers "9 789943 708037" are printed vertically.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Р.Х.НУРБОЕВ, Ф.Ф.ҚАЗОҚОВ, Х.К.РАХИМОВ,  
М.Р.ХУДАЙБЕРДИЕВ

# ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ

5320900 «Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва  
технологияси (йигирилган ип ишлаб чиқариш, тўқима)» таълим  
йўналишларидаги бакалаврлар учун ўқув қўлланма

Бухоро-2021  
«Дурдана» Нашриёти

34.7я73  
677:62(075.8)

Т 99

Нурбоев Р.Х.

Тұқымачилик корхоналари техник назорати [матн]: үқув құлланма/ Нурбоев Р.Х. [ва бошк.]. - Бухоро: ООО "Sadiddin Salim Buxorij" Дурдона нашриёти, 2021.-156 б.

ББК 34.7я73  
УДК 677:62(075.8)

### ТАҚРИЗЧИЛАР:

Х.О.Очилов – «Deluxe Fabric» МЧЖ директори

Ф.А.Курбонов – Бух МТИ «Технологик машина ва жиҳозлар» кафедраси мудири, доц. т.ф.н.

Ушбу үқув құлланма 5320900 «Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлеше тағайындау менен оның өзінде орналасқан технологиясын көрсету» тағызындағы бакалаврлар учун «Тұқымачилик корхоналари техник назорати» фанидан түзилген бұлиб, унда тұқымачилик саноати хом ашёси, хомаки ва тайёр маҳсулотлардың сифатини назорат қилиш ва бошқарылыштың қызметтерін көрсету мүмкін. Шу билан биргаликта техник назораттандырылған асасий вазифа мақсадлары, пакта тозалаш, ынтымалдар, тұқымачилик және технологияның өзінде орналасқан технологиясын көрсету мүмкін. Шу билан биргаликта техник назораттандырылған асасий вазифалар, сифат менежменти тизими, Үзбекистонда сифат менежменти тизимиңнан көрсетілген маңыздылықтар көрсетілген. Бу үқув құлланыладан нафақат тұқымачилик және технологияның өзінде орналасқан технологиясын көрсету мүмкін.

Ушбу үқув құлланма давлат тилида ёзилғанлығы талабаларнинг билим савиғасынин янада ҳам оширишга имкон туғыдради.

BUXORO MUNASABELEK  
TEKNOLOGIYA INSTITUTI

ISBN-978-9943-7080-3-7

REESTR: 84980

© Р.Х.НУРБОЕВ, Ф.Ф.ҚАЗОҚОВ,  
Х.К.РАХИМОВ, М.Р. ХУДАЙБЕРДИЕВ

## КИРИШ

Республикамизда пахта-түқимачилик ишлаб чиқарышини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий қилиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида 2019 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Түқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тұғрисида” ги ПҚ-4186-сонли Фармони қабул қилингани ушбу соҳани янги босқичга олиб чиқишига хизмат қилмоқда. Бу борада Ҳукуматнинг тегишли қарорлари, ҳусусан, 2018 йил 31 март куни “Пахта-түқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бүйіча құшимча чора-тадбирлар тұғрисида” ги 253-сонли қарори қабул қилингани эътиборга молик. Бунда, әнг муҳими, кластер корхоналари билан фермер хұжаликлари ўртасида бозор муносабатларига асосланған ҳолда интеграциялашуви натижасида пахтачилиқда илғор агротехнологиялар ва услублар жорий қилиниб, замонавий қишлоқ хұжалиги техникалари билан жиҳозлашга ершилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида мавжуд бўлган барча турдаги саноат корхоналарининг ривожланиши иқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланишига олиб келади. Яъни, бозорларимизни юқори сифатли, такомиллашган технология ва маҳсулотлар билан тўлдириш, иқтисодимизнинг гуллаб яшнашининг ягона шартидир. Республикамиз олдида турган асосий масалалардан бири-ички бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ва жаҳон бозорларида рақобат қила оладиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришdir.

Саноат корхоналарида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ҳамда жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш учун биринчи навбатда корхоналарни замонавий технология ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, ишлаб чиқаришда идишларга жойлаштириш, саклаш ва транс-

портда ташиш даврида, ҳамда улардан самарали фойдаланишда қўйилган талабларга риоя қилиш, маҳсулот сифатини барқарорлигини таъминлаш лозим. Шу билан биргаликда давлатлар орасида иқтисодий, техникавий, маданий алоқаларни ривожлантириш ва тиклаш, ҳалқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилаётган стандартларни уйғунаштириш, «Сифат» тизимини жорий қилиш муҳим вазифалар қаторига киради.

Иқтисодни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири, маҳсулот сифатини систематик равишда ошириб боришидир. Маҳсулот сифатини ошириш, ассортиментларини кенгайтириш ва истеъмолчилар талабини қондириш ҳозирги бозор иқтисодиётининг муҳим талаблариданadir. Маҳсулот сифат даражасини таъминлаш учун стандартлар ва техник шартларнинг меъёрий талабларига боғлиқ ҳолда систематик назорат ишларини олиб бориш лозимдир.

Маҳсулот сифат даражасини яхшилаш стандартларнинг илмий-техник даражасини ошириш, стандартлар ва техник шартларни мунтазам янгилаб бориш, маҳсулот сифати ва юқори техник даражасини кафолатлаш орқали амалга оширилади.

Юқори сифатли маҳсулотни яратишни режалаштириш, белгиланган сифатни таъминлаш ва режалаштириш замонавий баҳолаш услублари ва сифат кўрсаткичларининг стандартлари бўйича малакали билимни талаб этади. Ушбу дарсликда маҳсулот сифатини назорат қилиш ва бошқаришда керакли маълумотлар берилган бўлиб, услубларнинг амалиётда қўлланилиши мисоллар орқали кўрсатилган.

«Тўқимачилик корхоналари техник назорати» ўкув қўлланмаси 5320900 «Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (игирилган ип ишлаб чиқариш, тўқима)» таълим йўналиши талabalари учун мўлжалланган бўлиб, «Тўқимачилик корхоналари техник назорати» фани бўйича намунавий дастур асосида ёзилган, ҳамда шу соҳа бўйича барча мутахассислар учун мўлжалланган.

## І БОБ. АТРОФ-МУҲИТ ҲАРОРАТИ ВА НАМЛИГИ ҲАМДА НАМУНА ТАНЛАШ УСЛУБЛАРИ

### 1.1-§.Атроф-муҳит ҳарорати ва намлигининг синов натижаларига таъсири

Тўқимачилик саноатида турли толалардан хомаки ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва улардан юқори сифатли маҳсулот олишни таъминлаш учун доимо синов ишлари ўтказилади.

Синаши-тўқимачилик материалларининг сифатини баҳолашда, уларнинг тузилиши ва таркибини ўрганиш ҳамда уларнинг ҳар хил физик-механик хусусиятларини аниқлаш демакadir.

Сифат-мақсадли ишлатиш ва фойдаланиш учун ярайдиган материал хусусиятларининг йигиндиси. Ҳар бир турдаги материаллар тузилиши ва хусусиятлари бўйича навларга бўлинади. Материалларнинг баҳоси уларнинг сифатига ва навига қараб белгиланади. Навлар баҳосининг фарқланиши корхона иқтисодиёти учун ҳал қилувчи бўлиши мумкин.

Тўқимачилик материаллари ўлчам қийматлари, механик, физик, кимёвий, биологик хоссалари жихатидан фарқланиши мумкин. Ундан ташқари, материалларнинг сифати ва навини баҳолашда, уларнинг таркибидағи нуқсон ва ифлосликлар миқдори ҳам ҳисобга олинади.

Материалларнинг тузилиши асосан бир-бирига боғлиқ. Улар турли хусусиятлари билан ифодаланиши мумкин. Белгиланган бирлик ўлчамлари билан хусусиятларининг сонли қиймати унинг, яъни материал хоссаларининг кўрсаткичи дейилади.

Материаллар тузилишининг кўрсаткичлари синаш шароитига, яъни ҳарорат ва атроф-муҳит намлигига, синашдаги материал намунасининг ўлчамига, деформация тезлигига, қўшимча кучларга ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқдир. Бу синов шароити ва тартиби давлат стандартларида белгиланган. Синов ишларини олиб борища бу шароит қатъий бажарилиши талаб этилади. Тўқимачилик материаллари тузилиши ва турли хоссалари билан бир хил кўрсаткичларга эга эмас. Шу сабабли, синов ишларидан ҳар бир кўрсаткич бўйича кўп маротаба ўлчаш ишлари олиб борилади. Ўлчаш ишлари давлат стандартида белгиланган бўлиб, меъёрий-техник ҳужжатларга боғлиқдир. Тўда таркибидағи материалларнинг сифати бир хил эмаслиги натижасида тўдадан намуна олиш усуслари стандартлаштирилади. Ҳар қандай синов ишларини бошлишдан олдин асбоб-ускуналарнинг созлигига ишонч ҳосил қилиш зарур. Сўнгра эса синовнинг белгиланган кўрсаткичларига биноан созлаш ишлари олиб борилади (қисқичлар орасидаги масофа, тезлик ва ҳоказо). Ҳар бир ўтказилган синов, ишларидан кейин олинган натижаларни қайта кўриб, материал сифати ҳақида хулоса қилинади. Доимий сақланаётган, қайта ишланаётган ва синалаётган тўқимачилик материалларининг хоссаларига атроф-муҳит кўрсаткичлари таъсир этиши мумкин. Масалан, тош пахтадан ташқари ҳамма табиий ҳамда сунъий толалар сув буғларини ютади.

Атроф-муҳитдан буғларни ютиш ёки чиқариш натижасида кўпгина тўқимачилик материалларининг хусусияти ўзгаради. Намликнинг ошиши билан тола ва ипларнинг электрланиш қаршилиги камаяди. Вискоза толаси, или, газламаси ҳўлланганда пишиқлиги икки маротаба камаяди. Пахта, зигир ва бошқа турдаги ўсимлик толаларида аксинча бўлиб, уларнинг пишиқлиги 20-30%гacha ошади. Барча

түқимачилик толаларининг юқори намлиқда деформацияланиш хусусиятлари ошади. Ҳарорат ва атроф-муҳит намлигининг стандарт кўрсаткичлардан фарқли ўзгариши натижасида түқимачилик материалларининг пишиқлиги ва узайиши ўзгаради.

Атроф-муҳит кўрсаткичларининг белгиланган тартибда булиши түқимачилик саноатида технологик жараённинг бир маромда булиши учун муҳим омил ҳисобланади. Атроф-муҳит кўрсаткичларига доимо эътибор бериш натижасида ишончли синов натижаларини олиш ҳамда таъминловчи ва истеъмолчининг маҳсулотга бўлган талабларини қондириш мумкин.


Атроф-муҳит шароити ҳарорат, босим ва ҳаво намлиги билан белгиланади. Ҳавонинг мутлоқ намлиги ( $\gamma$ ) деб,  $1 \text{ m}^3$  ҳаво таркибидағи сув буғларининг (g) миқдорига айтилади. Баъзида мутлақ намлик  $1 \text{ kg}$  ҳавода граммларда ифодаланади. Ҳавонинг зичлиги меъёрий босимда  $1,290 \text{ kg/m}^3$ га teng бўлади.

Ҳавонинг мутлоқ намлиги ҳаводаги сув буғларининг парциал босими орқали аниқланади ва улар миллиметрли симоб устуни, паскал, гектопаскал ва миллибарда ўлчанади. Ҳавонинг намлик сифими ( $\gamma_n$ )-белгиланган ҳароратда ҳаводаги сув буғларининг миқдори билан тўйинганлиги ( $\text{g}/\text{m}^3$ ) ни ифодалайди. Ҳаво сув буғлари билан тўйинганда сув молекулаларининг миқдори бир-бири билан тўқнашиб, гурухланади ва ушланиб қолади, натижада туман ҳосил бўлади. Ҳарорат ва мутлақ намлиқда тўйинишнинг бошланиши шудринг нуқтаси дейилади. Ҳарорат қанчалик юқори бўлса, ҳавонинг намлик сифими  $\gamma_n$  ҳам шунчалик юқори бўлади (1-жадвал).

Ҳавонинг нисбий намлиги ф-ҳавонинг сув буғлари билан тўйинган даражаси бўлиб, %ларда қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\varphi = \frac{\gamma \cdot 100}{\gamma_H} \quad (1.1)$$

Ҳароратнинг ошиши билан ҳавонинг нисбий намлиги камаяди: ҳарорат юқори бўлса, шунчалик кўп ҳаво буғлари миқдорининг ютилиши ва тўйиниши кузатилади. 1.1-1.4-расмларда замонавий типдаги сочли гигрометр, электронли гигрометр, оддий психрометр ва аспиранцион психрометрларнинг кўринишлари келтирилган.



1.1-расм. Сочли гигрометр.



1.2-расм. Электронли гигрометр.



1.3-расм. Оддий психрометр.



1.4-расм. Аспирацион психрометр.

Масала: Агар ҳавонинг мутлоқ намлиги  $\gamma=15 \text{ г}/\text{м}^3$ , бир хил ҳароратда  $t_1=20^\circ$  ва  $t_2=25^\circ\text{C}$  бўлса, ҳавонинг нисбий намлиги  $\varphi$  ҳисобланасин.

1.1-жадвалга биноан берилган ҳароратдаги ҳавонинг намлик сигими танланади. Кейин  $\varphi$  формуласига қўйилиб ҳисобланади:

$$\varphi = \frac{15 \cdot 100}{17,1} = 87,7$$

Шу усулда  $t_2=25^\circ\text{C}$  ли ҳароратда  $\varphi=65,2\%$ лиги топилади.

## ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ

1.1-жадвал

| Ҳарорат $t, {}^{\circ}\text{C}$ | Намлик сиғими,<br>$\text{g}/\text{m}^3$ | Ҳарорат $t, {}^{\circ}\text{C}$ | Намлик сиғими,<br>$\text{g}/\text{m}^3$ |
|---------------------------------|---|---------------------------------|---|
| 10                              | 9,4                                     | 21                              | 18,3                                    |
| 15                              | 12,8                                    | 22                              | 19,4                                    |
| 16                              | 13,7                                    | 23                              | 20,6                                    |
| 17                              | 14,5                                    | 24                              | 21,8                                    |
| 18                              | 15,4                                    | 25                              | 23,0                                    |
| 19                              | 16,3                                    | 26                              | 30,4                                    |
| 20                              | 17,1                                    | 27                              | 39,4                                    |

Синаш ишларидағи материал намуналари 10681-75 стандартыда күрсатилганидек, климатик шароитда сақлаб турилади; нисбий намлик  $\phi=65\pm2\%$  ва ҳарорат  $t=20\pm2{}^{\circ}\text{C}$ . Ишлаб чиқариш шароитида нисбий намлик  $\phi=65\pm5\%$ , ҳарорат эса  $t=20\pm2{}^{\circ}\text{C}$  бұлади.

Ҳавонинг нисбий намлигини аниклаш учун оддий ва аспирациялы психрометрлар ишлатилади (грекча «psychria» -совуқ).

Оддий психрометр иккита бир хил термометрдан ташкил топған бўлиб, "куруқ" термометр хонадаги ҳавонинг ҳарорати  $t$  ни күрсатади. «Нам» термометрнинг шарикли қисми усти нам дока билан үралған бўлиб, унинг бир учи сув билан тўлдирилган идишга туширилган. Сувнинг буғланиси натижасида нам термометрнинг шариги совийди. Бу совиши натижасида,  $t_x$  нам ҳарорат күрсаткичи  $t_k$  куруқ ҳарорат күрсаткичидан паст бўлади. Агар ҳавонинг нисбий намлиги қанчалик кам бўлса, унда у қуруқ бўлиб, нам термометрнинг пахталик газламаси юзасидан сув шунчалик тез буғланади, натижада  $t_x$  нам ҳарорат шунчалик паст бўлиб психрометр ҳароратининг күрсатиш фарқи шунчалик кўп бўлади ( $t_k-t_x$ ) (1.3-расм).

Умуман лаборатория шароитида ҳаво тезлиги  $0,2 \text{ m/s}$  бўлиб, ишлаб чиқариш шароитида эса  $0,8 \text{ m/s}$  ни ташкил этади. Ҳаво тезлигининг таъсирини хисобга оладиган бўлсак,


намликини аниқлаш аспирацияли психрометр (1.4-расм) ёрдамида амалга оширилади, яъни термометр шарчалари жойлаштирилган оғзи воронкасизмон қувурда маълум ҳаво тезлигини ҳосил қилиш учун аспирацияли қурилма, электроригитгич ёки пружинали механизм билан таъминланган булади.

Ҳар бир үлчаш ишларидан олдин нам термометрнинг матоси 1 минут давомида дистилланган сув билан ҳулланади.

Аспирацияли психрометрдаги оғзи воронкали қувурда ҳавонинг тезлиги доимий  $2 \text{ m/s}$  бўлиб, диск белгисидан вақт бўйича бир марта тўлиқ айланишини текшириш ишлари тирқиши орқали кузатилади (1.4-расм).

Психрометр кўрсаткичларини аниқ олишимиз учун уни ички деворга ёки устунларга ердан 1,5 м баландликда осиб қўйилади, яъни унга қуёш нури тўғри тушмаслиги ва шамоллатгич, эшик, дераза ва ишлаб чиқариш ускуналаридан эсаётган кучли ҳаво қатлами таъсир этмаслиги керак.

Термометрларнинг кўрсаткичи шамоллатгич 4-5 дақика ишлагандан кейин ёзиб олинади. Үлчаш давомида асбобга қараб нафас чиқариш ман этилади. Үлчаш ишларини тезлиқда олиб бориш ва термометр шкаласининг бир булинмасигача ҳароратни аниқлаш керак.



1.5-расм. Оддий психрометр учун номограмма.

Номограмма бўйича намлик бўлиб, у ҳароратга боғлиқ (1.5-расм)  $t_k$  ва  $t_x$  нуқтаси орқали аниқланади. Қия чизикда

Термометрнинг "куруқ" ва "нам" кўрсаткичлари бўйича ҳавонинг нисбий намлиги психрометрли жадвал ёки номограммадан топилади (1.5-расм).


Психрометрни ишлатишдан олдин психрометр қайси турдан ва қандай ҳаво тезлигига мослашганлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

## ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ

ётган нүктадан ҳавонинг нисбий намлигини аниқлаш мумкин.

Психрометр ёрдамида ҳавонинг нисбий намлиги ва ҳароратини ўлчаш ишлари белгиланган вақт оралиғида кузатиб турилади.

Ҳаво ҳароратини узлуксиз ўлчаш ва қайд қилиш учун термограф асбоби құлланилади (1.6-расм). Құшметалли (8) пластина қабул қилувчи ва узатувчи қурилманинг сезгирилик қисми бўлиб, у чизикли кенгайтирилган, турли коэффициентли икки қўшметаллга бириктирилган бўлади. Пластина (7) тиқинга маҳкам жойлаштирилган. Ҳароратнинг ўзгариши билан қўшметалли пластина ўз шаклини ўзгартиради ва тортиш кучи (9) ва дастак (10) орқали кўрсаткич (3) перо (2) билан биргаликда охирига силжийди. Барабан соат йўналиши бўйича секин ҳаракатланади ва перо ҳароратнинг ўзгаришини диаграмма қофози (1)га ёзиб боради. Термографлар суткалик ёки ҳафталик кўринишида заводларда ишлаб чиқарилади. Таянч (4)га бириктирилган тиргак (6) даги мурват (5) термографнинг тўғри кўрсатишини узлуксиз равишда текшириб боради. Термографлар 35-45°C оралиқдаги ҳароратда қайд етилади ва ўлчаш хатолиги  $\pm 1^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этади. Асбоб диаграмма қофозига суткалик ёки ҳафталик ҳароратнинг ўзгаришини ёзиб боради.



1.6-расм. Термограф асбоби.

Диаграмма қофозига ҳаво нисбий намлигининг ўзгаришини узлуксиз кузатиб ёзиб бориш учун гигрограф асбоби ишлатилади (1.5-расм). Қабул қилувчи ва узатувчи қурилманинг сезгирилик элементи учун қискич (8)га ёғсизлантирилган қил тутами (7) маҳкамланган.

Гигрографнинг ишлаши қилининг хоссаларига bogлиқ. Ҳаво намлиги камайганда қил тутамлари қисқаради, қўпайганда эса аксинча узаяди.

Ўқув қўланма

Үқ (13)га қаттық маҳкамланган таёқча (9) илгаги (6) га қил тутами ташланади. Бу ўққа тиқин (10) ва оғирлик (4) га қарши катта металли (5) ёй билан маҳкамланган бўлади.


Намликнинг ошиши натижасида қил тутами узаяди ва ёй йўналиши бўйича 5 соат айланиб, кичик ёй (11) ни босади. У охиридаги перо (1) ли кўрсаткич (3) билан мустаҳкам маҳкамланган бўлади. Перо вақт давомида намликнинг ўзгариш эгри чизигини диаграмма қозоги (2)га чизиб боради. Ҳаво намлигининг камайишида қил тутами қисқаради ва ёй йўналиши бўйича 5 соат ҳаракатланади. Замонавий типдаги термографларнинг кўриниши 1.7 ва 1.8-расмларда келтирилган.



1.7-расм. Кўл термограф.



1.8-расм. Ҳавонинг нисбий намлигини аниқлаш термограф.



1.9-расм. MV-11 гигрограф асбоби.

Шунда кўрсаткич пастга тушиб, намликнинг камайишини қайд қиласи. Қурилма (12) асбобнинг ишлишини тартибга келтиради. Гигрограф MV-11 ҳароратнинг 30°C дан то 45°C гача ўзгаришида, ҳавонинг намлигини

30...100% оралиғида улчаб боради.

Замонавий типдаги термографларнинг кўриниши 1.10 ва 1.11-расмларда келтирилган.



1.10-расм. М-16А  
метрологик термограф.



1.11-расм. М-16АС метрологик  
термограф.

Ишлаб чиқариш биноси ва лабораториядаги ҳавонинг ҳарорати ва намлиги иситгич, шамоллатиш-намлагич ва маҳсус климатик шароит ҳосил қилиш қурилмалари ёрдамида сақланиб турилади.

Ҳарорат ва намлик иқлим шароити атмосфера босими билан характерланади. Босим миллиметрли симоб устуну ёки гектопаскал (gPa) да ифодаланади. Паскал бу босим кучи бўлиб, 1 Н кучнинг  $1\text{m}^2$  юзага тақсимланишидир.

$1\text{mm.sim.ust. } 133,332 \text{ Pa}$  ёки  $1,33322 \text{ gPa}$  га teng. Уртacha босимда  $760 \text{ mm.sim.ust. } 1013 \text{ gPa}$  га teng бўлади. СИ тизимида кенг тарқалган босим бирлигини миллибарда ( $\text{mb}=100 \text{ Pa} = 1 \text{ gPa}$ ) қўллаш таклиф этилган.

Ҳавонинг ўзгармас ҳарорати ва мутлақ намлигига атмосфера босимининг пасайиши натижасида нисбий намликнинг маълум миқдордаги ошини кузатилади. Шундай қилиб, босимнинг  $760$  дан  $720 \text{ mm.sim.ust.}$  гача ўзгаришида нисбий намлик  $61$  дан  $62\%$ гача ошади. Шу сабабли түқимачилик саноати лабораторияси ва цехларида атмосфера босими кўпинча ўлчанмайди ва ҳисобга олинмайди. Босимни ўлчаш учун барометр, уни қайд этиш учун эса барограф асбоблари ишлатилади.

Ҳар бир турдаги материал намунаси синов ишларидан олдин маълум вақт ичида (ГОСТ 10681-79),  $t=20\pm2^{\circ}\text{C}$ ,  $\varphi=65\pm2\%$ ли климатик шароитда сакланиши керак. Баъзида материал намуналари 6 соатдан 24 соатгача, баъзилари эса 48 соатгача сақланади. Замонавий типдаги климатик камераларнинг кўриниши 1.12-1.15-расмларда келтирилган.



1.12-расм. TXB климатик камера.



1.13-расм. M222RC кондиционер.



1.14-расм. Климатик камера.



1.15-расм. TH-TG климатик камера.

Агар лаборатория климатик шароити стандарт курсаткичларига тўғри келмаса, унда намуналар климатик шароит ҳосил қиливчи бўлма ва эксикаторларда сақланади.

## ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ

Лаборатория хонасида климатик шароит бўлмаса зич ёпиладиган кичик эшикли термогигростат ишлатилади. Асосан ишчи бўлманинг ичи маълум бир токча ёки қуттилардан иборат бўлиб, унда материал намуналари тахлав қўйилади. Техник бўлмада шамоллатувчи, иситувчи, совитувчи ва намловчи электр юритгич жойлашган. Ундан ташқари, ишчи бўлмасида ҳарорат ва намликни бир хилда ушлаб турадиган реле ўрнатилган. Бўлманинг юқори қисмида термометр ва қил гигрометри жойлашган бўлиб, бўлманинг ишчи қисмидаги климатик шароитнинг яратилишини назорат қилиб боради. Шу билан биргаликда ҳозирги вақтда кўпгина климатик шароитли бўлмалар мавжуддир. Унга ҳарорат ва намликни ўзгартириш мумкин бўлиб, у тўқимачилик материалларининг хоссаларига климатик шароитнинг таъсирини ўрганиш учун керакdir.

Эксикатор-оддий гигростат бўлиб, унда мутлақ ҳаво намлиги ушлаб турилади. У қалин деворли идишдан ва зич ёпиладиган қопқоқдан ташкил топган. Идишнинг пастки қисми чинни билан қопланган тенникчалардан иборат. Эксикаторнинг тубига қўшимча равишда керагидан ортиқ намликни сингдирувчи аралашмайдиган, тўйинган суюқлик моддаси солинади (1.16 ва 1.17-расмлар).



1.16-расм.Эксикатор.



1.17-расм.Эксикатор.

Эксикатордаги стандарт шароитни сақлаш учун азот-қисқич аммоний әритмаси ишлатилади, натижада  $t=20^{\circ}\text{C}$  ҳароратда ҳаво намлиги 66%ни ташкил этади. Ундағи ҳаво намлигининг даражасини сақлаб қолиш учун бошқа турдаги моддалар ҳам ишлатилади. Эксикатор кичик сиғимли бўлиб, унинг ички ҳажми бир канча куб дециметрдан иборатdir.

### Таянч иборалар:

Ҳавонинг мутлоқ намлиги, эксикатор, климатик камера, ҳавонинг намлик сиғими, психрометр, гигрометр, тигрограф, тигростат, аспирацион психрометр, сочли гигрометр, электронли гигрометр, шамоллатувчи, иситувчи, совитувчи ва намловчи электр юриттич

### Назорат саволлари:

1. Ҳавонинг мутлоқ намлиги деганда нимани тушунамиз.
2. Ҳавонинг нисбий намлиги қандай аниқланади.
3. Лаборатория хонасида климатик шароит қанча бўлиши керак.
4. Ҳар бир турдаги материал намунаси синов ишларидан олдин қандай ҳарорат ва нисбий намлиқдаги климатик шароитда сакланиши керак.

## 1.2-§. Назорат ва маҳсулот сифатини баҳолаш турлари

Түқимачилик материаллари ва бошқа турдаги маҳсулотларнинг сифатини баҳолашиб, унинг сифат кўрсаткичларини аниқлашиб ва ўлчаш ишлари бўйича олинган натижаларни ҳамда стандарт ва норматив-хужжатларга солиширилгандаги баҳосига асосланган бўлади. Чунки, маҳсулот хоссаларини аниқлашиб услублари асосан

## **ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ**

стандартлар ва бошқа норматив ҳужжатларда батафсил келтирилган бўлади.

Тўқимачилик материалларнинг сифатини баҳолашнинг бир қанча услублари мавжуд бўлиб, уларга экспериментал, органолептик, эксперт, социологик, ҳисоблаш, дифференциал, комплекс ва аралаш кабилар киради.

Экспериментал услуб-тўқимачилик материалларининг хоссаларини ўлчаш йўли билан (инструментал услуб) ёки нуқсонларнинг сонини ҳисоблаш ва санаш йўли билан олинади.

**Органолептик** услуб-инсон танасининг ҳислари ва сезирлигига қараб, ҳамда синалаётган тўқимачилик материалларини этalonга солиштириш йўли билан сифат кўrsatkiчлари аниқланади.

Бу услуб ёрдамида тўқимачилик материалларининг сифатига тўғри баҳо бериш кераклиги, ҳамда мутахассисларнинг малакасига ва билим савиясига қўпроқ боғлиқ бўлади. Чунки, мутахассисларнинг хулосасига қараб маҳсулотнинг сифат кўrsatkiчи белгиланади.

Экспертлар услуби-тўқимачилик материаллари ва буюмларининг сифат кўrsatkiчларини сони 7 тадан 12 тагача ташкил топган мутахассис-экспертларнинг баҳоларига асосан аниқланади ва улар кичик-кичик гурӯхчаларни ташкил этади, ҳамда маҳсулот сифатини баҳолашда экспериментал ва органолептик бўлган бир қатор услублардан ҳам фойдаланилади.

Экспертлар талаб субъектининг баҳосини камайтириш ишларини қуидаги тартибда амалга оширади. Бошланишида экспертлар бир-бирига боғлиқсиз равишда маҳсулот сифатини қайд этади, кейин эса биргаликда мухокама қиласи ва ҳар бир эксперт ўзининг хулосасини

билдиради, ҳамда олинган умумий эксперт-мутахассисларнинг хulosаларидан кейин маҳсулотнинг сифатига янги баҳо беради.

Олинган аниқ натижа қўрсаткичлари мутахассис-экспертларнинг камидаги учтасининг овоз бериш натижасига қараб баҳоланади. Ундан ташқари, овоз бериш натижалари учтадан кўпроқ бўлишилиги ҳам мумкин. У мутахассисларнинг билим даражаси ва малакасига боғлиқ бўлади. Сифат босқичи бўйича тўқимачилик материаллари аттестацияланади ва мутахассис-экспертларнинг ўзаро овоз бериш тартибига биноан хulosа чиқарилади. Агар маҳсулот сифатли деб топса, унда шу маҳсулотга сифат белгиси берилади.

Социологик услуб-истеъмолчиларнинг таклиф ва мулоҳазаларидан келиб чиқсан ҳолда маҳсулотнинг сифат қўрсаткичи баҳоланади. Бу ерда асосий эътиборни тўғри ва аниқ маълумотларни йиғишга қаратилади, ҳамда сифат қўрсаткичларини баҳолаш бўйича этарли даражадаги хulosа эга бўлиши шарт. Акс ҳолда маҳсулот сифатига салбий тушунчани келтириб чиқариш мумкин.

Ҳисоблаш услуби-тўқимачилик материалларининг сифат қўрсаткичлари ва тузилиши кўпгина омилларга, масалан, технологик жараёнларнинг таъсири ва шу билан биргалиқда бошлангич материал хоссаларига боғлиқлиги ҳисоблаб чиқилади. Бу услуга тўқимачилик материаллар сифатини ва технологик жараёнларни лойихалашда кенг қўлланилади.

Тўқимачилик материалларининг сифат қўрсаткичларини баҳолашда ишлатилган барча услублардан турили якуний хulosалар келиб чиқади, шу сабабли маҳсулотнинг сифат қўрсаткичларини баҳолашда дифференциал, комплекс ва аралаш услублар ишлатилади.

Сифатни дифференциал баҳолаш услуби-маҳсулотнинг алоҳида хоссалари, ҳамда буюмларнинг нуқсонли бўлган қисмларининг ўлчамсиз кўрсаткичлари бўйича сифатни баҳолаш ишлари амалга оширилади, шу билан биргалиқда комплекс ва аралаш сифатни баҳолаш услублари ҳам мустақил равишда ишлатишга туғри келади. Биринчи ҳолатда, маҳсулотнинг баъзи бир сифат кўрсаткичлари бўйича кўпгина алоҳида бўлган ўлчамли ёки ўлчамсиз баҳолашни беради. Иккинчи ҳолатда эса жами маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари бўйича нави, синфи, гурӯҳи ва бошқа сифат кўрсаткич натижаларининг оралиги аниқланади, ҳамда умумий йиғиндили индекси, коэффициентлар ёки кўрсаткичлари ҳисобланади.

Сифатни комплекс баҳолаш услуби-сифатнинг алоҳида кўрсаткичлари бўйича материални биргалиқда баҳолаш ишлари баъзида материалнинг битта кўрсаткичидан бир қанча комплекс асосий хоссаларини умумий баҳолаш кераклитетини келтириб чиқаради. Натижада, бу түқимачилик материалларининг сифатини умумий баҳолаш дейилади, масалан, зигир толали ҳом ашёнинг номери, бир жинсли жуннинг сифати ва бошқалар.

Маҳсулот сифат кўрсаткичлари комплекс баҳолашнинг моҳиятига боғлиқлиги ҳақиқий ва тақрибий комплекс баҳолашга бўлинади.

Ҳақиқий комплекс баҳолаш белгиланган физик мақсадга эга бўлиб, улар кўпинча толанинг йигирилувчанлик қобилияти, ҳамда буюмнинг ишлатилишидаги хизмат муддатини ифодалайди.

Ҳақиқий комплекс баҳолаш ҳар доимий тақрибий баҳолашга нисбатан яхшироқдир. Масалан, пахта толаси таркибидаги нуқсон ва чиқиндилар миқдори ҳақиқий комплексли хусусияти дейилади.

Комплекс баҳолашнинг афзалиги шундаки, унда бир сонли якуний баҳолаш бўйича хулоса қилинади. Бу баҳолаш афзаликлар билан бир қаторда, камчиликлардан ҳам холи эмас, яъни алоҳида хоссалари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмаймиз. Ҳом ашёни тўғри танлаш учун, технологик жараённи бошқариш ва ишлатилиш даврида материалдан рационал фойдаланишини билиш лозим. Шуни эътиборга олиш лозимки, қайсиdir бир материалнинг бошланғич хоссалари ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига ижобий ва технологик жараён ҳаракатига салбий таъсир этиши мумкин. Тола қанчалик ингичка бўлса, ундан тайёрланा�ётган ипнинг солиштирма мустаҳкамлиги шунчалик юқори ва нотекислиги кам бўлади, ҳамда ташқи кўриниши силлиқроқ бўлади. Сифатни комплекс баҳолашни алоҳида сифат кўрсаткичларини турли ҳисоблашдан олиш мумкин. Бир қанча сифат кўрсаткичларнинг даражаси бўйича ўртacha комплекс баҳолаш ўзгармаслиги мумкин, уларнинг бир қисми пастки даражага, бир қисми юқори даражага эга бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, материалнинг алоҳида сифат кўрсаткичларини ўзgartирмасдан комплекс баҳолашни тўлдириб бориш мумкин.

Сифатни аралаш баҳолаш услуби-сифатни аралаш баҳолаш услуби жами сифат кўрсаткичлари жуда юқори бўлгандагина ишлатилади, битта комплекс сифат кўрсаткич маҳсулотнинг бутун имкониятларини тўлиқ характерлашга имконияти етмайди.

Аралаш баҳолаш услубида бир қанча комплексли баҳолаш ёки алоҳида дифференциал билан комплекс баҳолаш биргаликда ишлатилади, ҳамда маҳсулотнинг сифат босқичини, навини ва бошқаларни олишга имконият туғдиради. Тўқимачилик материаллари учун баъзида комплекс сифат кўрсаткичларидан энг ёмони бўйича

баҳоланади, кейин эса бу баҳони бошқа кўрсаткичларнинг қийматлари бўйича аниқлаштирилади.

*Сифат* кўрсаткич-материалнинг кўрсаткичлари ва хоссалари бўлиб, сифатни баҳолашда норматив талабларга жавоб беради. Стандарт ва техник шартларда материал сифатини баҳолашда тузилиш кўрсаткичи, тола таркиби бўйича сифат кўрсаткичлари меъёrlанади. Тузилиш кўрсаткичи ва таркиби сифат кўрсаткич даражасига таъсир этади.

Барча келтирилган кўрсаткичларни бирга қўшган ҳолда «стандарт кўрсаткичи» деб аталади.

Тўқимачилик материалларининг сифатини тулиқ баҳолаш учун комплекс сифат кўрсаткичларини тұғри танлаш керак бўлади. Унинг учун қандайдир бир аҳамиятли кўрсаткичларни ташлаб кетмаслик керак, ҳамда бир вақтнинг ўзида кам аҳамиятли комплексли кўрсаткичларни юклаб, кучайтирмаслик керак.

Бир қатор стандартларда сифат кўрсаткичларининг тартиби келтирилган бўлиб, турли тўқимачилик материаллари учун техникавий шартларни яратишда меъёрлашни таклиф этади.

Сифат кўрсаткичларининг номенклатураси ва синфланиши стандартда батафсил берилган бўлиб, унда маҳсулотнинг қўлланилиши, мустаҳкамлиги, чидамлилиги, ишлатилиши, сақланиши, созлашга мойиллиги, экологияга зарарсизлиги, инсон соғлиги учун хавфсиз бўлиш кераклиги келтирилган.

Сифат кўрсаткичларининг номенклатураси ва синфланишида қўйидаги кўрсаткичлар келтирилади:

- барча турдаги маҳсулот учун мажбурий;
- маҳсуслаштирилган, бир неча туркум маҳсулот учун умумий;
- маҳсуслаштирилган лекин, айниқса маҳсулотни ишлатиш доирасида мажбурий эмас.



### 1.18-расм. Сифат күрсаткичларининг синфланиш схемаси

Стандартдаги номенклатурали жадвалида мавжудлиги ва катта гуруҳдаги маҳсулот сифатини аттестациялаш бўйича кўрсатилганида, сифат кўрсаткичи минимал миқдорини танлашни бир мунча қийинлаштиради. Шу сабабли, гуруҳлар сонини камайтириш учун сифат кўрсаткичларининг синфланиши келтирилган (1.18-расм).

Сифат кўрсаткичлар бешта асосий гуруҳларга бўлинади.

Эътиборли кўрсаткичи улар тўқимачилик материалларининг эътибори ва унинг қўлланилишини тўғри ва рационал аниқлайди. Бу жуда муҳим кўрсаткичлар гурухи бўлиб, биринчи марта комплекс норматив хоссаларини танлашда айниқса ҳар томонлама таҳдил этиб беради. Эътиборли кўрсаткич ўз навбатида тўртта гуруҳларга бўлинади: а) эстетик кўрсаткич (расми, гули, ранг берувчанлиги, оппоқлиги, ялтироқлиги, ўрилиш шакли ва бошқалар); б) гигиеник кўрсаткич (гигроскопикилиги, сув ўтказувчанлиги, ҳаво ўтказувчанлиги, буг ўтказувчанлиги,

иссиқликка қаршилиги, сувга чидамлиги ва бошқалар); в) ўлчами курсаткич (полотна эни, буюм чизигининг ўлчами, қалинлиги ва бошқалар); г) техник кўрсаткич (мустаҳкамлиги, чўзилувчанлиги, эластиклиги, товуш ютилувчанлиги, электр қаршилиги, электрланувчанлиги ва бошқалар).

Ишончлилик кўрсаткичи-белгиланган оралиқда материал вақт давомида ўз хоссаларини сақлаб қолиши бўлиб, уни нормал ишлатилишини таъминлайди. Бу гурӯҳ кўрсаткичлари биринчи гурӯҳ каби тўртта гурӯҳларга булинади: а) эстетик кўрсаткич (ранг ва оқликнинг чидамлиги, ғижимланмаслиги ва бошқалар); б) гигиеник кўрсаткич (утказувчанлиги, иссиқлик ўтказувчанлигининг ўзгариши ва бошқалар); в) ўлчами курсаткич (шаклан чидамлиги, турли таъсирларга киришиши ва бошқалар); г) техник кўрсаткич (нормал ишлатилиш муддати, кўпга чидамлилиги, кўп маротабалик деформациядаги чидамлилиги, емирувчи турли омилларга чидамлилиги, мустаҳкамлигининг ўзгариши, эластиклиги, чокининг мустаҳкамлиги ва бошқалар).

Нуқсонли кўрсаткичи-сифатнинг негатив кўрсаткичи бўлиб, ишлатилмаган материалларда янги нуқсонларнинг ҳосил бўлишини характерлайди. Негатив сифат кўрсаткичи тўқимачилик материалларининг навини баҳолашда ва ишлатилиш даврида ҳосил бўладиган нуқсонлари кенг қўлланилади.

Технологик кўрсаткичи тўқимачилик материалларининг қайта ишланиши учун яроқлилигини аниқлайди. Бу полотнанинг қалинлиги, эни, бикрлиги, бурмабоплиги, фрикцион хоссалари, чўзилувчанлиги, эластиклиги ва бошқалардир.

Техник-иктисодий кўрсаткич-бу гурӯҳда тўқимачилик материалларининг нархи билан белгиланади (материал сиғими, полотна эни ва бошқалар).

Баъзи бир синфланишда эргономик сифат күрсаткичлар гурухи махсус ажратилади. Бу гуруҳ буюннинг гигиеник, антропометрик, физиологик, психологик ва психофизиологик сифат күрсаткичларини бирлаштиради. Бунинг барчаси инсоннинг фаолиятида бошқа буюмлар билан үзаро таъсиридаги самарасидир, масалан, «инсон-буюм-атроф-мухит» тизимидағи ишлаб чиқариш самарадорлиги, ишончлилиги, комфортлигини белгилайди.

Баъзида ишончлилик күрсаткичи сифат күрсаткичларини құшмасдан алоҳида құриб чиқылади. Натижада, бу күрсаткичларнинг барчаси материални емирилиш кинетикаси әгри чизигини аниқ иллюстрациялар билан безаб күрсатади.

Күпгина материаллар учун бу әгри чизик эмпирик формула құринишида қуйидагича ёзилади.

$$y = y_0 - ax^b \quad (1.2)$$

бу ерда:  $y$ - $x$  соатда ишлатилғандан кейинги позитив сифат күрсаткичи;  $y_0$ -ишлатылмаган материалнинг бошланғич сифат күрсаткич даражаси;  $a$ -материалнинг бошланғич ишончсизлиги;  $b$ -ишончсизлик күрсаткич.

Ишончсизликнинг комплекс күрсаткичи материалнинг  $x_m$  нормал ишлатилиш муддати бўлиб, (1.2) формуладан келиб чиқади.

$$x_m = \left( \frac{y_0 - y_{\min}}{a} \right)^{1/b} \quad (1.3)$$

бу ерда:  $y_{\min}$ -материални нормал шароитда ишлатилишида позитив сифат күрсаткичининг минимал рухсат этилган күрсаткичи.

(1.3) формуладан қуриниб турибдики, ишончлиликнинг комплекс күрсаткичи  $x_m$  сифат күрсаткичи  $y_0$  га, ҳамда  $a, b$  ва  $y_{\min}$  материалнинг ишончсизлик хусусиятларига боғлиқ бўлади. Бу ўлчашларнинг барча күрсаткичлари Д.Ф.Симоненко ишида келтирилган.

## ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ

Комплекс сифат кўрсаткичлар биринчи навбатда номенклатурали жадвал асосида, шу билан биргалиқда бу кўрсаткичларнинг синфланишида белгиланади. Охирги холатда, комплекс кўрсаткичларни танлаб, аҳамиятли гурух кўрсаткичлари тартибга келтирилади ва бир хил аҳамиятли кўрсаткичлар қавс ичига олиб ёзилади. Масалан, кундалик киядиган эркакларнинг кастюмлари учун ишлатиладиган газламалар кўйидаги тартиб гурӯҳи ва гурӯҳчаларга бўлинади. Бу гурӯҳ ва гурӯҳчаларни қўйидаги кўрсаткичларга ажратиш мумкин: нормал ишлатилиш муддати, чокининг мустаҳкамлиги-ўрилиш шакли, бўёғнинг чидамлилиги, ғижимланмаслиги, шаклий чидамлилиги, киришиш-гигроскопиклик, ҳаво ўтказувчанилиги ва ишлатилиш давридаги ишончлилиги-материал сиғими ва эни.

Сифат кўрсаткичларини қўшимча танлашдан кейин, уларнинг аҳамиятлилиги баҳоланади, унинг учун эксперт услуби қўлланилади.

Юқорида маҳсулот сифат кўрсаткичларининг бир қатор жамланган сонли хусусиятлари кўриб чиқилган бўлиб, улар материалларни хоссалари ва нотекислиги бўйича баҳолайди. Йиғма кўрсаткичларга диаграмма ва тақсимланишининг эгри чизиқлари ҳам кириб, натижада материал хоссалари ҳақидаги маълумотларни тўлиқ ва қўринарли қилиб кўрсатади.

Тақсимланиш эгри чизигини қуриш учун ҳамма ўлчаш натижалари синфлар бўйича гурӯҳланади. Ҳар бир синфдаги частоталар сони аниқланади. Тақсимланиш эгри чизигининг графигини  $n_i'$  частота сонлари бўйича қуриш мумкин, яъни частота сонларини танлашда умумий ўлчаш сонларининг нисбати бўйича ҳисобланади ва фойзда ифодаланади:

$$n_i' = \frac{n_i \cdot 100}{n} \quad (1.4)$$


1.5-жадвалга мурожаат қиласиз. Ҳар бир синф оралиғи бўйича синфдаги ўлчанганд қийматларнинг ўртачаси ҳисобланади ва олинган натижалар олдинги мавзунинг 1.5-жадвалига, иккинчи қаторига эса ҳар бир синф бўйича

частота сонлари ҳисобланиб, олинган натижалар шу жадвалнинг З-қаторига ёзилади.

Биринчи ва учинчи қатор кўрсаткичлари бўйича масштабли қоғозга тақсимланиш диаграммаси-гистограмма чизилади, абсцисса ўқи бўйича ўлчанаётган катталик, ордината ўқи бўйича эса частота сонлари қўйилади. Ҳар бир устуннинг эни синфлар чегарасига боғлиқ. Агар нуқта орқали масштаб қоғозини бўлимларга ажратиб чиқсан, тақсимланиш эгри чизигини ҳосил қиласиз. У худди гистограмма каби, тақсимланиш характеристини яққол кўрсатади.

Синов натижалари ёрдамида олинган ўлчам қийматлари бўйича эгри чизикни курганимизда, чизик ҳар доим ҳам белгиланган нуқта орқали ўтмайди. Ўлчаш сонларини кўпайтирадиган бўлсак, унда нуқталар силлиқ чизикка мос келади.

Эгри чизикнинг ўрта миёна тақсимланиши-бу силлиқ эгри чизик бўлиб, марказий ордината ўқига нисбатан симметрик жойлашади. Меъёрли тақсимланиш эгри чизигида абсцисса ўқи бўйича координатанинг бошланишидан то энг юқори ординатагача бўлган масофада  $x_{\text{ср}}$  ўртача намунавий катталикка teng бўлади.



1.19-расм. Нотекисликнинг турли хусусиятлари бўйича тақсимланиш эгри чизиги.


Тақсимланиш эгри чизигини таҳлил этадиган бўлсак, унда ўртача квадратик оғишнинг геометрик маъносини тушуниш керак (1.19 -расм). У ордината марказидан то ўртача тақсимланишдаги эгри чизиқли эгилган нуқтасигача бўлган масофаси ўртача квадратик оғишга teng. 1.20-расмда бир хил ўртачали  $\bar{x}$  иккита тақсимланишнинг эгри чизиги берилган (1 ва 2). Иккинчи материалнинг нотекислиги биринчи материал нотекислигидан сезиларли даражада пастлиги ўртача квадратик оғиш ўлчами ва оғиш кўламининг фарқланишини кўрсатади;  $x_1 = x_2$ ;  $\sigma_1 > \sigma_2$ ;  $R_1 > R_2$ . Бир хил ўртачадаги  $x_{yp}$  квадратик нотекислиги биринчи намунада юқори экан:  $C_1 = \frac{\sigma_1 \cdot 100}{x_{yp}} > C_2 = \frac{\sigma_2 \cdot 100}{x_{yp}}$ .

1.19-расмда турли ўртача ўлчамли, бир хил ўртача квадратик оғиш ўлчами ( $\sigma_1 = \sigma_2$ ) ва оғиш кўламига ( $R_1 = R_2$ ) teng бўлган иккита тақсимланиш эгри чизигининг графиги берилган.

Бу ҳолда икки материал нотекислигини  $\sigma$  ва  $R$  кўрсаткичлари билан солишириб бўлмайди. Унинг учун квадратик нотекисликни ҳисоблаш керак бўлади.

$$c_1 = \frac{\sigma_1 \cdot 100}{x_{yp}}; \quad c_2 = \frac{\sigma_2 \cdot 100}{x_{yp}};$$

$$\sigma_1 = \sigma_2 \text{ ва } x_1 < x_2 \quad c_1 > c_2 \text{ да}$$




1.20-Расм. Ўртача квадратик оғишнинг бир хил кўрсаткичлари бўйича тақсимланиш эгри чизиқлари.

Материалнинг биринчи намунасидаги нотекислик иккинчи намунасидаги нотекислиқдан камроқ экан.

Кўпинча, амалда олинган тақсимланиш эгри чизиги нормал тақсимланишдаги эгри чизигидан фарқ қилади. 1.6-Расмда чап 1 ва ўнг 2 асимметрияли эгри чизиклар кўрсатилган. Энг катта ординатага эга синфдаги частота сонларининг ўртача ўлчамига модал ўлчами дейилади (модал-энг кўп учрайдиган ўлчам). Симметрик эгри чизик ўртача ва модал ўлчамларининг тақсимланишига мос келади:

$$x_{yp} = x_m$$

Асимметрик эгри чизик учун эса ўртача ва модал ўлчамларининг тақсимланиши мос келмайди (1.21-расм). Шу сабабли эгри чизикнинг чапки асимметрияси  $x_{yp} > x_m$ ; эгри чизикнинг ўнг асимметрияси  $x_{yp} < x_m$  бўлади. Шунга эътибор билан қараш керакки, ордината чизиги модал ўлчамига боғлиқ булиб, эгри чизикнинг тепаси билан мос келади. Ўртача ўлчамга боғлиқ бўлган ордината тақсимланиш диаграммасининг юзасини teng икки қисмга бўлади.



1.21-расм. Асимметриянинг тури кўрсаткичлари билан тақсимланиш эгри чизиги.

**Таянч иборалар:**

Экспериментал, ораганолептик, эксперт, социологик, ҳисобланган, дифференциал, сифатни комплекс баҳолаш, сифатни аралаш баҳолаш, сифат күрсаткич, эътиборли күрсаткич, ишончлилик күрсаткичи, нуқсонли күрсаткичи, технологик күрсаткичи, техник-иқтисодий күрсаткич, тақсимланиш диаграммаси, гистограмма, квадратик нотекислик, частота сони, йиғма күрсаткичлар, меъёрили тақсимланиш, асиметрик эгри чизиқ

**Назорат саволлари:**

1. Экспериментал услубни изоҳланг.
2. Органолептик услуг тушунчасининг таърифини келтиринг.
3. Эксперт услуги қандай услугуби.
4. Ҳисоблаш услугига тушунча беринг.
5. Сифатни дифференциал баҳолаш услуги ҳақида маълумот беринг.
6. Сифатни комплекс баҳолаш услуги қандай амалга оширилади.
7. Тақсимланиш диаграммаси қандай қурилади?
8. Гистограммани қуриш қандай амалга оширилади?
9. Нотекисликнинг турли хусусиятлари бўйича тақсимланиш эгри чизиги тушунчасига изоҳ беринг.
10. Квадратик нотекисликни аниқлаш формуласини келтиринг.
11. Сифат күрсаткичига таъриф беринг.
12. Эътиборли күрсаткичи изоҳлаб беринг.
13. Ишончлилик күрсаткичи тушунчасини таҳлил этинг.
14. Нуқсонли күрсаткич қандай амалга оширилади.
15. Технологик күрсаткич тушунчасини изоҳланг.
16. Техник-иқтисодий күрсаткич қандай белгиланади.

### 1.3-§. Синов ишлари учун намуна танлаш принциплари ва услублари

Сифат күрсаткичи бир хил бўлган ва битта ҳужжат билан қабул қилинган толага тўда деб аталади. Тўдадаги толаларнинг барчаси текширилмайди. Одатда ундан бир қисми олинади ва ўша олинган қисмдан намуналар олинади.

Тўдадан олинган намуналар 3 хил бўлади.

1. Нуқтадан олинган намуна ( $m=100\text{-}150\text{ g}$ ).
2. Бирлаштирилган намуна ( $m=1000\text{ g}$ ).
3. Синаш учун олинадиган намуна.

Нуқтадан олинган намуна-тойланмаган ёки тойланган толани маълум жойидан олинган пахта толаси.

Бирлаштирилган намуна-нуқтадан олинган намуналар ийғиндиси.

Синаш учун олинган намуна, ўртача намуна, кичик намуна.

Нуқтадан олинадиган намуна тойланмаган толадан яъни конденсор латоги ёки тойлаш жараёнида ҳар жойидан 100-150 g олинади.

Намуналар қопқоғи идишга (намлиги аниқланса) ёки оддий идишларга солинади.

Хом ашё тўдасидан намуна танлаш ишлари белгиланган стандартларга биноан амалга оширилади.

Синов ишлари учун танланган намунанинг таркибидаги ифлосликлардан тозаланилади, узунлигини аниқлаш учун эса алоҳида толалар текисланади ва параллелашибтирилади. Тайёрланган намуна тўлиқ синов ишига жалб этилмайди, балки қисман. Сифат кўрсаткичларини аниқлашда маълум миқдорда толалар намунаси олинади.

Намуна олиш услуби учта синфга бўлинади: бир босқичли, икки босқичли ва кўп босқичли. Бир босқичли услугуб ўз навбатида тасодифий ва механик, икки босқичли

Эса-механик, серияли ва аралаш усулларга бўлинади. Агар материал тудаси қисмларга бўлинган бўлса, ҳар бир қисмдан олинган намуналар қўшилса, бу бир босқичли намуна олиш усулига киради.

Бир босқичли намуна танлаш услубига кўра бош жамланмадан танлаб олиш учун уни аввалдан қисмларга бўлиш назарда тутилмайди. Ипларнинг бир неча қисмларини бир ўрамдан танланмасини олиш ва синов намуналарини бир методан кесиб олиш ҳам бир босқичли усула мисол бўла олади.

Икки босқичли намуна танлаш услуб бош жамланмани алоҳида тахминан тенг қисмларга бўлишда ва уни танланмада қайд қилиш учун ҳамда синов натижаларини таҳлил қилиб ёзишда қўлланилади.

Кўп материалларнинг тудаси алоҳида қисмлардан тузилади (мисол учун хом ашё тудаси-кўпинча алоҳида тойлардан, иплар-алоҳида ўрам, ғалтаклардан, мато тудаси-алоҳида рўлонлардан). Аммо, материал тудаси алоҳида қисмларга бўлинган, турли қисмлардан танланган обьектлар бир танланмага жамланган бўлса бундай танланма бир босқичли ҳисобланади. Агарда биз синов натижаларини жамлаганимизда бош жамланманинг қисмларига тегишли эканлигига эътибор бермасак бир босқичли ҳисобланади.

Намуна олишнинг турли босқичларида бир босқичли усульнинг бир хил ёки турли хил усуllibарини қўллаш мумкин.

Уч босқичли намуна танлаш услуби бош жамланма тахминан тенг қисмларга ва бу қисмлар бир неча серияларга бўлинган, улардаги маҳсулот сони тенг бўлганда қўлланилади.

Бош жамланма қисмларидан тенг сонли сериялар танланади. Ҳар бир сериядан бир хил миқдорда маҳсулот синов учун ажратилади. Мисол учун, тудадан иплар синовга олиш учун бир неча ўрам, ўрамдан тенг ғалтак, ҳар бир

ғалтақдан тенг сонли ип қисмлари ўраб ажратилади.

Хар босқичда одатда әнг катта объективлик усулидан фойдаланиш амал қилинади, лекин тизимли ва тасодифий танлов усулларидан фойдаланиш ҳам мумкин.

Тасодифий намуна танлаш услуги танлашда ҳар бир объектнинг жами хусусиятларининг бир хил эҳтимоллик шароитини таъминлаш ва тасодифий сонлар жадвали бўйича ажратишни назарда тутади.

Ҳамма объектларни тўғри тасодифий равища танлаш учун материал тұдаси рақамланади, ҳамда тасодифий сонлар жадвалининг ҳоҳлаган устуни ва қаторларидан кетма-кетлик билан объект рақамлари танлаб олинади. Агар тұдада күп ўрамлар мавжуд бўлса, унда улар қўшимча равища аралаштирилади, чунки амалда бир хилдаги эҳтимоллик билан танлашдаги исталган объектта тушишини таъминлаш зарур.

Тасодифий танлашдаги ип, газлама ва бошқа материалларнинг узунилиги бўйича хоссаларининг ўзгариш кетма-кетлиги ҳақида эсдан чиқармаслик лозим. Акс ҳолда, синов ишлари фақаттина илларнинг юза қатлами учунгина бўлиб, ип ўрамининг ички хоссаларининг ўзгариши хисобга олинмайди. Механик бир босқичли намуна танлаш услуги барча ўрамларнинг рақамланишита асосланган бўлиб, намуналар уларнинг қисмлари бўйича маълум бир оралиқда танланади. Бу услугуб жуда катта миқдордаги объектлар учун ишлатилмайди.

Механик икки босқичли намуна танлаш услуги объектнинг teng гуруҳларга бўлиниши бўлиб, ҳар бир гурухдан тасодифий услуг билан битта объект танланади ёки биттадан синов ишлари ўтказилади.

Серияли намуна танлаш услугида қўшимча равища бир хил гуруҳларга бўлинади, кейин тасодифий услуг ёрдамида бир қанча гуруҳлар танланади, яъни улар тўлиқ синов ишларига жалб этилади. Бундай танлаш амалиётда кам ишлатилади, материал тұдасининг қисмлари жуда күп бўлиб, уларни тўлиқ синовдан ўтказишда кўп вақт кетади.

## ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ

Аралаш намуна танлаш услуги ипларнинг сифатини аниқлаш учун бўлиб, танлашда тасодифий равишда ўрамлар танланади ва синов ишларига тўлиқ жалб этилмайди. Бу услугдаги танлаш хатолиги бир ўрамда бир маротаба синов ишларини ўтказишида ўртacha қиймат олинади.

Уч босқичли намуна танлаш услуги бир хил миқдордаги обьектлардан ташкил топган бўлиб, ўз навбатида гурухларга бўлинади.

Сифатни аниқлашда бир қанча ўрамлардан бир хил ўрамли ипларнинг хоссаларини ўлчаш ишлари ўтказилади. Амалиётда асосан аралаш намуна танлаш услуги қўлланилади. Ўрамдаги тажриба сони белгиланган танлаш хатолигига боғлиқ бўлади.

Тасодифий намуна танлашда бутун тудадаги барча обьектлар рақамланади, танлашга обьектлар қўшилади, тасодифий сонлар жадвалидаги исталган қатордан ёки устунлардан кетма-кетлиқда рақамлар танланади. ГОСТ 18321-73 стандарти бўйича тасодифий намуна танлаш услуги амалга оширилади.

### Таянч иборалар

Туда, нуқтадан олинган намуна, бирлаштирилган намуна, синаш учун олинадиган намуна, бир босқичли, икки босқичли ва кўп босқичли, тасодифий, механик, серияли ва аралаш усуллар, бош жамланма, серияли

### Назорат саволлари

1. Намуна олиш услублари ҳақида изоҳ беринг.

2. Бир босқичли намуна олиш услуги тўғрисида маълумот беринг.

3. Икки босқичли намуна олиш услуги тўғрисида изоҳ беринг.

4. Кўп босқичли намуна олиш услуги қандай амалга оширилади.

5. Тасодифий намуна танлаш услуги қандай амалга оширилади.

## 1.4-§. Бир босқичли тасодифий танланма

Маҳсулот сифатини назорат қилиш узлуксиз ва танланма тадқиқотлар асосида амалга оширилади. Узлуксиз тадқиқотда барча маҳсулотлар назорат қилинади. Танланма тадқиқот ишлари аниқ амалга оширилади, лекин у иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди. Шу билан бирга ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг барчасини сифатини назоат этиш унинг яхлитлигини бузиш орқали амалга ошириб бўлмайди. Тўқимачиликда узлуксиз тадқиқот айrim ҳоллардагина қўлланилади. Мисол учун йигирув корхоналаридаги холстлар оғирлигини аниқлаш.

Танланма тадқиқотда маҳсулотнинг бир қисми синалади. Танланмани математик нуқтаи назардан ихтиёрий равища тасодифийлик принциплари бўйича танлаб олинади ёки эҳтимоллар назарияси принципларини кўллайди.

Танланмадан кўзланган мақсад энг иқтисодий тежамкор йўл билан, маълум даражадаги ишончлилик даражаси билан бош мажмуя характеристикаларини аниқлашдир: ўртacha қиймати, ўртacha квадратик оғиши, вариация коэффициенти ва бошқалар.

Маҳсулотнинг алоҳида сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун материал тўдасидан намуна танлаб олинади. Натижада, алоҳида сифат кўрсаткичлари стандартларга асосан, қўпол хатоликлардан узоқлашган ҳолда, асбоб-ускуналар ёрдамида аниқланади ва бошланғич кўрсаткичлари олинади. Кейин, бу кўрсаткичларнинг ўртacha ёки модал ўлчамлари, дисперсияси, ўртacha квадратик оғиши, квадратик нотекислиги, оралиқли ўзгариши ва бошқа кўрсаткичлари аниқланади. Бошланғич кўрсаткичлар ва жами хусусиятларини аниқлаш пайтида асбоб-ускуналарнинг


хатолиги ҳисобга олинади. Меъёрий билан жами танлаш хусусиятларини солиштириш расмий дейилади, бутун материал тұдасидаги хоссаларининг жами хусусияти ишончлилик оралиғидаги танлашдан фарқланиши мүмкін, ҳамда әхтимоллиқда сифат күрсаткичи әътиборга олиниши лозим.

Ишончлилик оралиғида жами хусусиятини танлашдаги ишончлилик әхтимоллигини аниклашда бошланғич күрсаткычларнинг тақсимланиш қонунини билиш лозим. Натижада берилған  $\alpha$  үлчами, сифат күрсаткичининг әхтимоллигини көлтириб чиқаради. Шуны әътиборга олиш керакки, қандайдир бир босқични нотұғри баҳолайдиган бұлсақ, унда олинган натижалар нотұғри бўлиб чиқиши мүмкін.

Намуна танлаш услублари бир босқичли, икки босқичли ва күп босқичли синфларга бўлинади. Күп босқичли услубда күпинча уч босқичли синф күпроқ құлланилади. Бир босқичли услугуб ўз навбатида тасодифий ва механик, икки босқичли услугуб эса механик, гуруҳди ва аралашга бўлинади.

“Танлов асосида назорат ўтказишида ва баҳолашда намунанинг тасодифийлігини таминлашдан иборат” дейилган. Бунда олинган ҳар бир элемент (нуқтадан олинган намуна)дан бош мажмua-маҳсулот тұдаси ёки партиясидан тенг равища иштирок этиши даркор.

Бир босқичли тасодифий намуна танлаш жами маҳсулотдан намуналар бир маротаба ҳар хил нүқталардан олинади. У такрорланмайдиган ва такрорланадиганларга бўлинади. Масалан: жами маҳсулот тұдасидан умумий сони 100 дан 10 тадан қора рангли намуналар танланади. Қолганлари оқ (бўялмаган). Яъни,  $N=100:10=10$  нүқтадан олинган намуналар сони (1.22-расм).



N=100; n=10

### 1.22-Расм. Бир босқичли тасодифий намуна танлаш.

Расмдаги қора шарчалар бош мажмуанинг танланмасига тушган элементлари, оқ шарчалар бош мажмуанинг танланмасига тушмаган элементлари.

Такрорланмас танланма элементлари синовдан кейин бош мажмуага қайтарилимайды ва аксинча такрорланувчан танланма элементлари қайтарилади. Такрорланмас танланма шакллантирилганда бош мажмуа элементлари сони танланма элементлари сонига камаяди. Такрорланувчан танланмада бош мажмуа элементлари сони ўзгармайды.

Маҳсулот сифатини текширишда доим такрорланмас танланма билан ишланилади.

Синов сони катта бўлган ҳолларда бош мажмуа характеристикаларини баҳолашда такрорланувчи ва такрорланмас танланмалар орасидаги фарқ жуда ҳам кичик бўлганлиги учун одатда унга эътибор қилинмайди ва такрорланувчан танланмага тегишли бўлган соддароқ формулалардан фойдаланилади.

Тасодифий танланма учун тасодифий сонлар жадвалидан ва тасодифий сонлар генераторидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тасодифий танланмага нисбатан қулайроқ вариант механикавий танланма ҳисобланади. Унинг моҳияти шуки, маълум бир элементлар сонидан кейинги элемент танланма олинади. Мисол учун машинадаги калава иплар teng сонли ғалтаклардан кейин танланади.

## Тасодифий ва тизимли хатоликлар

Тасодифий хатолик бу ҳақиқатдан ҳам хатолик әмас балки тасодифий катталиктин оғишидир. Мисол учун кузатишларнинг ҳар бир танланма обьекти ОҲ ўқида бир қийматга эгадир. Танланманинг ўртача қиймати бош мажмуа ўртача қийматидан у ёки бу сонга фарқланиши мумкин ва ана шу фарқ бош мажмуа ўртачасидан огиши дейилади ва танланма ўртачасининг тасодифий хатоси деб аталади.

Турли синовлар ўтказишда нафақат тасодифий балки тизимли хатоликлар вужудга келиши мумкин. Ўлчов асбобининг хато кўрсатиши тизимли хатоликни келтириб чиқаради, чунки асбоб созланмагунча бу хато давом этаверади.

Агарда танланма ўртачаси ҳнинг математик кутилиши бош мажмуа ўртачасига teng бўлмаса, яъни

$$M(\bar{x}) \neq a$$

унда  $M(\bar{x}) - a$  айирмаси тизимли хатолик деб қабул қилинади ва унинг қиймати мусбат ва манфий бўлиши мумкин. Биз бундан бўён фақат тасодифий хатоликларни муҳокама қиласиз.

Танланма характеристикаларини улар бўйича бош мажмуанинг характеристикаларини аниқлаш учун ҳисобланади.

Бош мажмуа характеристикаларини уларнинг силжимаган характеристикалари билан баҳолаш қабул қилинган.

Агар танланмани характеристикаларининг математик кутилиши исталган ҳажмда ҳам баҳоланаётган параметрга teng бўлса бундай танланма характеристикалари силжимаган баҳолар деб аталади.

Танланма ўртачаси  $\bar{x}$  математик кутилиши бош мажмуда ўртачасига тенг

$$M(\bar{x}) = a$$

Синовлар сони ортиши билан танланма ўртачаси үз математик кутилишига, бош мажмуда ўртачасига интилади. Демак, бош мажмуда силжимаган ўртачаси танланма ўртачасидир.

Танланма учун бош мажмуда силжимаган дисперцияни қуйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$\tilde{S}^2 = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2}{n-1} \quad (1.5)$$

Бош мажмуда силжимаган дисперциянинг математик кутилиши бош мажмудага тенг

$$M(\tilde{S}^2) = \sigma^2 \quad (1.6)$$

Танланма дисперцияси ( $S_0^2$ ) бош мажмуда

$$S_0^2 = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2}{n} \quad (1.7)$$

Силжимаган дисперциядан кичиқдир. (1.5) ва (1.7) формулалардан кўриниб турибдики, исталган сонлар қатори учун уларнинг ўртачасидан фарқлари даражаларининг йиғиндиси минимал сон бўлиб, у бошқа ҳар қандай сондан сонлар қатори фарқлари даражалари йиғиндисидан кичиклиги аниқланади.

Ҳар қандай тақсимланиш учун танланма дисперциясининг математик кутилиши қуйидаги формула билан аниқланади.

Бош мажмуани  $\sigma^2$  баҳолашда силжимаган дисперция  $\tilde{S}^2$  танланма дисперциясига  $S_0^2$  нисбатан аниқроқ баҳолайди.

Нормал тақсимланиш учун

$$M(S) = C_n \sigma$$

$$\text{бунда } C_n = 1 - \frac{3}{4n} - \frac{37}{32n^2} \dots$$

2.1-жадвалда  $C_n$  коэффициентнинг қийматлари  $n=2$  дан 100 гача келтирилган.

2.1-жадвал

| $n$ | $C_n$ | $n$ | $C_n$ | $n$ | $C_n$ |
|-----|-------|-----|-------|-----|-------|
| 1   |       |     |       |     |       |
| 2   |       |     |       |     |       |
| 3   |       |     |       |     |       |

танланма сони ортганды  $M(S)$  билан  $\sigma$  орасидаги фарқ камайиб боради.  $n > 100$  да айрим ҳолларда  $n > 30$  дан бошлаб  $M(S) \approx \sigma$  деб, яъни  $\sigma$  ни  $S$  билан баҳоланади.

### Ўртача сифат қўрсаткичларни меъёрий билан солиштириш

Ўртача сифат қўрсаткичларни меъёrlари билан таққослаш учун маҳсулот тўдасидан олинган намуналарни синаш орқали намунавий хатолик ҳамда ишончли эҳтимоллиги (оралиқлари) хисобланиб баҳоланади. Бунинг учун кўп босқичли ва бир босқичли наъмуналар олиш услубларидан фойдаланилади. Кўп босқичли наъмуналар ( $m$ ) тўдадан олинади, ҳар бир синов намуналар ( $n$ ) синов ўtkазилади, уларнинг бош (йигма) қўрсаткичлари аниқланади: - ўртача қийматлари -  $\overline{M_{B1}}, \overline{M_{B2}} \dots \overline{M_{Bm}}$

уртача квадратик оғишилар  $\overline{\sigma_{B1}}, \overline{\sigma_{B2}} \dots \overline{\sigma_{Bm}}$  ,

квадратик нотекисликлар (вариация коэффицентлари)  $\overline{C_{B1}}, \overline{C_{B2}} \dots \overline{C_{Bm}}$ ,

ўзгариш чегаралари  $\overline{R_{B1}}, \overline{R_{B2}} \dots \overline{R_{Bm}}$ ,

намунавий характеристикаларнинг ўртача қийматлари хисобланади:

$$\overline{\overline{M_B}} = \frac{\overline{M_{B1}} + \overline{M_{B2}} + \dots + \overline{M_{Bm}}}{m}$$

$$\overline{\overline{\sigma_B}} = \frac{\overline{\sigma_{B1}} + \overline{\sigma_{B2}} + \dots + \overline{\sigma_{Bm}}}{m}; \quad \overline{\overline{C_B}} = (\overline{C_{B1}} + \overline{C_{B2}} + \dots + \overline{C_{Bm}}) : m;$$

$$\overline{\overline{R_B}} = (\overline{R_{B1}} + \overline{R_{B2}} + \dots + \overline{R_{Bm}}) : m$$

Агар  $n < 30$ , бұлса силемдік маган  $\bar{X}_{\sigma_B}$  ва  $\bar{X}_{C_B}$  қуидеги топилади:

$$n\bar{\sigma}_n = \frac{\bar{\sigma}_n}{a_n} \sqrt{n-1}; \quad n\bar{C}_n = \frac{\bar{C}_n}{a_n} \sqrt{n-1},$$

бу ерда аң-силемдік маган учун тузатын коэффициенти, у синовлар сони ( $n$ ) га бағылана:

| $n$   | 2     | 3     | 4     | 5     | 10    | 20    | 25    | 30 | ва<br>ката |
|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|----|------------|
| $a_n$ | 0.798 | 0.886 | 0.920 | 0.940 | 0.973 | 0.987 | 0.990 | 1  |            |

Синовлар сони етарили даражада күп (яғни әхтимоллык номағым) бұлса,  $\bar{M}_r \approx \bar{M}_B$ ;  $\sigma_r \approx H\bar{\sigma}_n = \frac{\bar{\sigma}_n}{a_n} \sqrt{n-1}$ ;

$$C_r = \frac{\sigma_r}{\bar{M}_r} * 100 \approx \frac{H\bar{\delta}_n}{\bar{M}_n} * 100; \quad R_r = \frac{\bar{R}_n}{d_n} \quad (\text{агар } n \leq 10 \text{ ва } m \geq 10)$$

бұлса)

бу ерда  $n$  қуидеги жадвалдан олинади.

| $n$        | 2     | 3     | 4     | 5     | 6     | 7     | 8     | 9     | 10    |
|------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| $d_n$      | 1.128 | 1.693 | 2.059 | 2.326 | 2.534 | 2.704 | 2.847 | 2.970 | 3.078 |
| $\gamma_n$ | 0.756 | 0.525 | 0.427 | 0.371 | 0.325 | 0.308 | 0.288 | 0.272 | 0.250 |

Ишончли оралиғи одатда  $\alpha = 0.95$ , у әхтимоллык даражаси  $t$ , ҳамда жадвалдаги  $d_n$ , ахамиятлык даражаси  $\gamma_n$  ларға бағылана.

Такрорий бұлған намуна танлашда олинган элемент яна тудага қайтарылади ва намуна танлашда иштирок этиш мүмкін.

## Материал сифат күрсаткичларининг намунавий хатолиги

Бир босқичли намуна танлашда маңсулот тұдастидан бир дона намуна олинади, намунавий үйгім характеристикалар буйиға намунавий хатолик ҳисобланади ва ишонч әхтимоллиги  $\alpha$  танланади.

Тұданинг ўртача арифметик қыймати қуидеги оралиқда:

$$P(\bar{M}_B - m_M \leq \bar{M}_B + m_M) = \alpha; \quad (1.8)$$

бу ерда  $m_M$  - намуна хатолиги (намунавий хатолик);

$$m_M = \frac{t \cdot \sigma_s}{\sqrt{n-1}} \sqrt{\frac{1 - \frac{n}{N}}{1 - \frac{1}{N}}}; \quad (1.9)$$

бу ерда  $t$ -ишенчлилик даражаси,  $n$  синовлар сони бўйича  $\alpha = 0.955$  бўлганда қўйматларга эга:

| n | 3   | 4   | 5   | 10  | 20  | 30 ва кўп |
|---|-----|-----|-----|-----|-----|-----------|
| t | 4.5 | 3.3 | 2.9 | 2.3 | 2.1 | 2.0       |

$\sigma_s$ - ўртача квадратик оғиш;

$n$ -жами маҳсулотда объектлар сони,

$$\text{агар } N \geq 20n \text{ бўлса } \sqrt{\frac{1 - \frac{n}{N}}{1 - \frac{1}{N}}} \approx 1 \text{га тенг, у ҳолда } m_{tr} = \frac{t \sigma_s}{\sqrt{n-1}}$$

куринишида ҳисобланади. Жами (туда) маҳсулот ўртачаси кўпинча  $M_{tr} = M_B + m_M$  кўринишида қўлланади.

Ўртача квадратик оғиш  $\sigma_s$ , агар  $n \leq 30$  бўлса,

$$P\left(\frac{\sigma_s \sqrt{n}}{x_2} \leq \sigma_T \leq \frac{\sigma_s \sqrt{n}}{x_1}\right) = \alpha = \alpha_1 - \alpha_2;$$

бу ерда  $\alpha_1 = 0.975$  ва  $\alpha_2 = 0.025$  ҳолат учун

| n       | 3    | 4    | 5    | 10   | 20   | 30   |
|---------|------|------|------|------|------|------|
| $X_1^2$ | 0.05 | 0.22 | 0.48 | 2.70 | 8.91 | 16.0 |
| $X_2^2$ | 7.38 | 9.35 | 11.1 | 19.0 | 32.9 | 45.7 |

$n \geq 30$  бўлганда бошқача формула қўлланилади.

$\alpha_1 = 0.955$  учун  $m_\delta = \frac{2\delta_s}{\sqrt{2n}}$ . Вариация коэффициенти Ст  $n \geq 30$  ва

$n \leq 20n$  ҳолат учун  $C_0 = 20\%$  ва  $\alpha = 0.955$  бўлса  $m_c = \frac{2C_a}{\sqrt{2n}}$ ;

Агар  $C_0 = 20\%$  ва  $\alpha = 0.955$  да  $m_c = \frac{2C_a}{\sqrt{2n}} \sqrt{1 + (0.01C_s)^2}$

(мисоллар амалий машғулотда қўрилади).

Мисол 1: такрорий бўлмаган тасодифий равишда 200 та калава ипдан 40 таси танлаб олиниб синовлар ўтказилган: а) калавадаги ип узунлиги  $\bar{X} = 200.5m$ ; ўртача квадратик оғиши билан  $\sigma_s = 10.5m$ . Иплар узунликлари нормал тақсимланишда. Ишонч эҳтимоллиги  $P_b = 0.95$  бўлганда ўртачанинг намунавий хатолиги топилсин.

**Ечими:**

ұртачанинг намунавий хатолиги ( $m_{\bar{x}}$ )

$$m_{\bar{x}} \cong \pm t \cdot \sigma \sqrt{\frac{N-n}{n-(N-1)}} \quad (1.10)$$

бу ерда:  $t$  – Стюдент тақсимланишидаги қиймат  
 $t_{r\{P_D=0,95; f=20\}} = 1,96$   $n=40$ ;  $N=200$

$$m_{\bar{x}} = \pm 1,96 \cdot 10,5 \cdot \sqrt{\frac{200-40}{40 \cdot 199}} = \pm 2,9m$$

Демак, бобинадаги ипнинг үртата узунлиги  
 $200,5 - 2,9 < \bar{X}_T < 200,5 + 2,9$  ёки  $197,6m < \bar{X}_T < 203,4m$  деб баҳоланади.

**Таянч иборалар:**

Икки ва күп босқичли, тасодифий намуна танлаш, гурухли ва аралаш намуна танлаш, үртата квадратик оғиш, ұртачанинг намунавий хатолиги, ишончлилик даражаси.

**Назорат саволлари:**

1. Икки ва күп босқичли намуна танлаш услуги ҳақида маълумот беринг.
2. Тасодифий намуна танлаш услуги деганда нимани тушунасиз?
- 3.Механик бир босқичли ва икки босқичли намуна танлашга мисоллар келтириңг.
- 4.Уч босқичли намуна танлаш қандай амалга оширилади?

### 1.5-§. Икки босқичли тасодифий танланма

Икки босқичли танланмани икки босқичда бош мажмуадан уни гурухларга бұлған ҳолда амалга оширилади. Аввал гурухлар танлаб олинади, кейин танлаб олинган гурухлардан бош мажмуанинг алоҳида элементлари танланади.


Икки босқичли танланмани эркин ва эҳтимоллар назарияси асосида танлаш мумкин. Биринчи усулда эҳтимоллар назарияси принципларига амал қилинмайди ва танланма характеристикаларини аниқ топиб бўлмайди ва бош мажмуя характеристикаларини баҳолаш имкони йўқ. Бундай танланма характеристикаларини аниқлаш учун формуалалар йўқ ва уларни келтириб чиқариб бўлмайди.

Икки босқичли тасодифий танланмани кўриб чиқамиз. Уни танлаш учун бош мажмуанинг элементлари тенг ва тенг бўлмаган гурухларга бўлинади. Тасодифий равишда бош мажмуанинг ҳар бир гурухидан бир элементдан танлаб олинган танланма механикавий танланма деб аталади.

Бош мажмуанинг бир неча гурухи тасодифий аниқланиб, уларнинг ҳар элементи қузатилган танланма гурухли ёки серияли деб аталади. Механикавий ва гурухли танланмалар икки босқичли тасодифий танланмаларнинг хусусий ҳодисаси дейилади.

Икки босқичли ва кўп босқичли намуна танлаш услублари кўпинча жами асосийга боғлиқ бўлишилиги кўриб чиқилади, ҳамда улар алоҳида тенг қисмларга ажратилади ва танлашда, синов натижаларини ёзиб олишда қайд этилади. Тўқимачилик материалларини синашда бундай танлаш услублари кўп қўлланилади, кўп материаллар тўдаси алоҳида қисмлардан ташкил топган бўлади (хом ашё тўдаси тойлардан, иплар тўдаси алоҳида ўрамлардан, газлама тўдаси бир қанча бўлаклардан иборат бўлади).

Иккинчи даражали намуна танловида маҳсулот тўдасидан гурухларга бўлинниб икки босқичда нуқталардан олинади (1.23-расм).



1.23-Расм. Иккинчи даражали тасодифий танлов.

Тұда танлов күрсаткичлари дисперцияси күп ҳолларда

$$\sigma_r^2 = \sigma_1^2 + \sigma_2^2 \quad (1.11)$$

номағым бұлади. Шунинг учун унинг күрсаткичларини силжимаган усулда бақоланади.

Жами маҳсулот тасодифий қийматлари математик кутилиши бош мажмua ўртачасига тенг.

$$M_r = \frac{1}{N_1 N_2} \sum_y^{N_1 N_2} a_y - a \quad (1.12)$$

бу ерда  $N_1 N_2 - 1$ -ва 2-босқичда олинган тұдалар сони;  $a_y$  ва  $a$ -ўртачаларни танлов босқичларидағи фарқланишлари.

Юқоридаги эслятмага асосан бош мажмua ўртачаси намунавий ўртачага тенг.

$$\bar{M}(\bar{x}) = a \quad (1.13)$$

Бош мажмua дисперциясини силжимаган бақолашда  $\sigma_1^2$  ва  $\sigma_2^2$  мос равища  $S_1^2$  ва  $S_2^2$  лар билан белгиланади.

Шулар асосида силжимаган бақолашда бош характеристикаларнинг математик кутилиши.  $M(S_i^2) = \sigma_i^2$ ;

## ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ

$M(\bar{S}_2^2) = \sigma_2^2$ ;    ва     $M(\bar{S}_T^2) = \sigma_T^2 \cdot \bar{S}_1^2 \bar{S}_2^2 \bar{S}_T^2$     лар    силжимаган баҳолашда қуидаги формулалар орқали аниқланади.

$$\bar{S}_1^2 = \frac{n_1(N_1-1)}{(n_1-1)N_1} S_1^2 - \frac{(N_1-1)(N_2-n_2)}{(n_2-1)N_1 N_2} S_2^2 \quad (1.14)$$

$$S_2^2 = \frac{n_2(N_2-1)}{(n_2-1)N_2} S_2^2$$

$$\bar{S}_T^2 = \frac{n_1(N_1-1)}{(n_1-1)N_1} S_1^2 + \left[ \frac{(N_2-n_2)}{(n_2-1)N_1 N_2} \right] S_2^2 \quad (1.15)$$

Ўртачанинг намунавий дисперцияси

$$\sigma_{\bar{x}}^2 = \frac{(N_1-n_1)}{n_1(N_1-1)} \sigma_1^2 + \frac{(N_2-n_2)}{n_1 n_2 (N_1-1)} \sigma_2^2 \quad (1.16)$$

Бош мажмуа ўртачаси дисперцияси одатда ноъмалум, шунинг учун уни тақрибан силжимаган баҳолашдаги қийматларга тенг деб олинади.

Намунавий ўртачанинг мутлоқ хатолиги икки босқичли танловда -  $t_p \cdot \sigma_{\bar{x}} + t_p \cdot \sigma_{\bar{x}}$  оралиғида бўлади. Намунавий ўртачанинг мутлоқ хатолиги  $|m_{\bar{x}}| \leq t_p \cdot \sigma_{\bar{x}}$  га тенг. Туда ўртачаси дисперцияси номаълум деб  $|m_{\bar{x}}| \leq t_p \cdot \sigma_{\bar{x}}$  бу ерда коэффициент  $t_p$  ишонч эҳтимоллиги  $P_D = 0,09545$  да тўқимачилик соҳаси тадқиқотларида  $t_p \approx 2$ , яъни  $t_p \{P_D = 0,095\} = 2$  га тенг деб олинади. Факат  $n_1 > 1$  ва  $n_2 > 1$  шарти бажарилган ҳол учун.

Шундай қилиб бош мажмуа ўртачаси  $\bar{x} - |m_{\bar{x}}| < a < \bar{x} + |m_{\bar{x}}|$  тенгсизлиқда баҳоланади.

### Махсулот сифатини бошқаришда бир ва икки босқичли танлов бўйича тадқиқотлар

Махсулот сифатини назорат қилиш, илмий тадқиқот ишларида, сифатни таъминлаш ва бошқаришда икки хил намуна танлаш турлари мавжуд: 1) маҳсулот сифатини ёппасига назорат қилиш (тайёр кийим, буюмлар, йигиришда

айрим ярим маҳсулотлар-толавий қатlam нотекислиги); 2) маҳсулот тұдасидан намуналар танлаш орқали сифатини баҳолаш.

Биринчисида аниқроқ натижалар олинади, аммо иқтисодий жиҳатдан үзини оқламайды, шунинг учун тұқымачилик саноатида кам құлланади. Иккінчи тури маҳсулотнинг бир қисми синовлар орқали баҳоланади, хатоликларни әзтиборга олиб әхтимоллар назарияси асосида жами маҳсулотга баҳо берилади.

Намуна танлаш усуllари баҳолашнинг объективлигига тұғридан-тұғри таъсир этувчи омил ҳисобланади, чунки тасодиғий күрсаткичлар намунавий характеристикалари намуна танлаш усулига мувоғиқ бир неча маротаба үзгариш мүмкін. Шунинг учун намунавий хатолик формулалари маълум намуна танлаш тури ва усулига қараб ҳисобланади.

Намуна танлашнинг мақсади әнг иқтисодий воситалар ва услублар ёрдамида, маҳсулот тұдасининг йиғма характеристикалари-ұртача қиймат, ұртача квадратик оғиш, вариация коэффициенти ва б.-( $\bar{X}_t, \sigma_t, C_t \dots$ ) ларини белгиланған аниқлик даражасида баҳолашдан иборат.

Әхтимоллик назариясида намунавий танловнинг асосий принципи тасодиғийлық принципларидир. Бу намуналарнинг турли ҳолат ва жойлашишлари бүйича маҳсулот элементларининг иштирокини таъминлаши лозим.

Тасодиғий намуна танлаш учун тасодиғий сонлар жадвалларидан фойдаланишни тақоза қиласы. Танлов эса, бир босқичли, икки босқичли ва ундан күп, ҳамда күп босқичли усуllарга ажратилади.

Бир босқичлида намуналар жами маҳсулот тұдасидан бир вактда бир маротаба синовлар (синовлар серияларини) үтказиш учун олинади.

Икки босқичлида-жами маҳсулот тұдасидан намуналар икки сиклде олинади. Масалан, ипларни синашда (қабул

## ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ

назоратида) биринчи мартасида қутилардан тасодифий усулда калава ёки найча иплар олинади, иккинчи мартасида эса олинган калава ёки найчалардан тасодифий усулда синаш учун намуналар танланади.

Мисол: якка ипнинг узилиш кучини аниқлаш учун тасодифий усулда 300 урчуқли машинадан  $n_1 = 20$  найча ип танлаб олинган. Ҳар бир танланмадан тасодифий 5 тадан ( $n_2 = 5$ ) синовлар ўтказилган. Найчадаги ип узунлиги 5000 м га тенг. Шу тарзда икки босқичли тасодифий танлов натижалари қўйидагича:  $\bar{x} = 250 \text{ cN}$ ,  $S_1^2 = 150 \text{ cN}^2$ ,  $S_2^2 = 800 \text{ cN}^2$ .

Тўда ўртачасини  $P_h = 0,90$  ишонч эҳтимоллигига баҳолаш сўралади.

Мазкур танланма учун  $N_1 = 300$ ,

$N_2 = 5000 / 0,5 = 1000$ ,  $n_1 = 20$ ,  $n_2 = 5$ ,  $t_p \{P_D = 0,090\} = 1,65$  (жадвалий киймат). Намунавий (ва тўда ўртачаси) дисперцияларини топиш формуласидан

$$\widetilde{S}_{\bar{x}}^2 = \frac{300 - 20}{19 \cdot 300} 150 + \frac{1000 - 5}{4 \cdot 10000 \cdot 300} 8000 = 8 \text{ cN}^2$$

Намунавий танловда мутлоқ ҳатолик  $|m_{\bar{x}}| \leq t_p \sqrt{\widetilde{S}_{\bar{x}}^2} = 1,65 \sqrt{8} = 4,7$

Бош мажмуа ўртачаси  $245,3 \leq a \leq 254,7 \text{ cN}$  тенгсизлик билан баҳоланади.

Демак, 100 тадан 90 та ҳолатда шундай синовлардан курсатилган тенгсизликка жавоб беради деб хулоса қилинади.

### Таянч иборалар:

Икки босқичли танловда намунавий ва бош мажмка ўртачаси, силжимаган баҳолаш, намунавий дисперция, танлов мутлоқ ҳатолиги.

### Назорат саволлари:

1. Иккинчи даражали танлов схемасини тушунтиринг.
2. Бош дисперция силжимаган усулда қандай баҳоланади?

3. Намаунавий ўртачанинг мутлоқ хатолигини аниқлаш усулини изоҳланг.

4. Икки босқичли танлов натижалари бўйича бош мажмуя сифат кўрсаткичларини ҳисоблашга мисол келтиринг.

### 1.6-§. Икки босқичли тасодифий танлов қиймати

Танланманинг умумий қиймати танланган гуруҳлар ва гуруҳдаги элементлар қийматидан иборатdir. Агар гуруҳлар қиймати катта бўлса, гуруҳ сонини камайтириш ва гуруҳдаги элементлар сонини бироз кўпайтириш керак бўлади. Қўшилган масалани аниқ ҳал қилиш учун умумий таннархни энг кам қилувчи  $n_1$  ва  $n_2$  лар сонини аниқлаб олиш керак.

Бир гуруҳ таннархини  $C_1$  ва гуруҳ элементлари таннархини  $C_2$  деб белгилаб оламиз.

Иккинчи даражали танланма умумий таннархи  $C$  ни қуйидаги йўл билан ҳисоблаймиз.

$$C = C_1 n_1 + C_2 n_2 n_1 = n_1 (C_1 + C_2 n_2)$$

Коуден танланма таннархи минимал бўлиши шарти учун  $n_1$  ва  $n_2$  лар сони қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$n_2 = \frac{\sigma_2}{\sigma_1} \sqrt{\frac{C_1}{C_2} \left(1 - \frac{\sigma_2^2}{N_2 \sigma_1^2}\right)^{-1/2}}$$

$$n_1 = \frac{C}{C_1 + C_2 n_2}$$

Танланма сони  $n_2$   $\sigma_2^2 / \sigma_1^2$  нисбатидан ва камроқ даражада  $C_1 / C_2$  нисбатига боғлиқ.

Ички нотекислик ташқи нотекислика нисбатан катта бўлса ва танланма гуруҳларининг қиймати гуруҳ элементлари қийматига нисбатан қанча катта бўлса, танланма гуруҳлар шунчалик катта бўлади.

Коуден формулаларининг муҳим бир ноқулайлиги  $n_1$  ни аниқлаш учун танланманинг умумий қиймати  $C$  ни аввалдан билиш заруриятидир. Танланма  $n_1$  нинг сони берилган  $C$  қиймати билан аниқланади, бундан танланма ўртачасининг аниқлик даражаси бу  $C$  учун номаълум. Юқоридаги формулалар билан ҳисоблаганда, танланма ўртачаси аниқлигини берилган қиймати учун танланма сонини белгилаш мумкин эмас.

Берилган танланма қийматлари  $C_1$  ва  $C_2$ , шунингдек танланма ўртачаси хатоси учун умумий танланма қиймати илмий томондан текширилган.

$$\sigma_x^2 = \frac{(N_1 - n_1)}{n_1(N_1 - 1)} \sigma_1^2 + \frac{(N_0 - n_0)}{n_1 n_2 (N_1 - 1)} \sigma_2^2 \text{ формуланинг кўринишини}$$

ўзгартирамиз.

$$\sigma_x^2 = \left( \frac{N_1 \sigma_1^2}{N_1 - 1} - \frac{\sigma_2^2}{N_2 - 1} \right) \frac{1}{n_1} + \frac{N_2 \sigma_2^2}{(N_2 - 1) n_1} - \frac{\sigma_1^2}{N_1 - 1}$$

Ўзгармас ҳадларни алмаштирамиз

$$A = \frac{N_1 \sigma_1^2}{N_1 - 1} - \frac{\sigma_2^2}{N_2 - 1}, \quad B = \frac{N_2 \sigma_2^2}{N_2 - 1}, \quad D = \frac{\sigma_1^2}{N_1 - 1}$$

Шунда

$$\sigma_x^2 = \frac{A}{n_1} + \frac{B}{n_1 n_2} - D \quad (1.17)$$

Янги функция  $\varphi(n_1, n_2, \lambda)$  киритамиз ва  $\varphi(n)$  деб белгилаймиз.

$$\varphi(n) = C_1 n_1 + C_2 n_2 n_1 + \lambda \left( \sigma_x^2 - \frac{A}{n_1} - \frac{B}{n_1 n_2} + D \right)$$

Берилган танланма дисперсияси  $\sigma_x^2$  учун ва ўзгарувчан танланма сифатлари  $n_1$  ва  $n_2$  лар учун танланма умумий минимал қийматини топиш учун Лагранж усулини қўллаймиз.

Хусусий ҳосилаларни  $\frac{\partial \varphi(n)}{\partial n_1}$  ва  $\frac{\partial \varphi(n)}{\partial n_2}$  топамиз ва уларни

нолга tengлаштирамиз.

$$\text{Шунда } \frac{\partial \varphi(n)}{\partial n_1} = C_1 + C_2 n_2 + \frac{\lambda}{n_1^2} (A + \frac{B}{n_2}) = 0 \quad (1.18)$$

$$\frac{\partial \varphi(n)}{\partial n_2} = C_2 n_2 + \frac{\lambda B}{n_1 n_2^2} = 0 \quad (1.19)$$

(1.18) ва (1.19) лардан мос равища қуйидагилар келиб чиқади.

$$\lambda = \frac{(C_1 + C_2 n_2)n_1^2}{A + \frac{B}{n_2}} \quad \lambda = \frac{C_2 n_1^2 n_2^2}{B}$$

Тенгламаларнинг ўнг томонларини тенглаштириб чиқарамиз:

$$n_2 = \sqrt{\frac{C_1 B}{C_2 A}} \quad (1.20)$$

(1.20) дан  $n_1$  ни топамиз.

$$n_1 = \frac{An_2 + B}{(\sigma_{\bar{x}}^2 + D)n_2} \quad (1.21)$$

$N_1$  ва  $N_2$  ларнинг етарлича катта миқдорлари учун (1.20) ва (1.21) формуалалари қуйидаги күринишига келади.

$$n_2 \approx \frac{\sigma_1}{\sigma_2} \sqrt{\frac{C_1}{C_2}} \quad (1.22)$$

$$n_1 \approx \frac{\sigma_1^2 + \sigma_1 \sigma_2 \sqrt{\frac{C_2}{C_1}}}{\sigma_{\bar{x}}^2} \quad (1.23)$$

Берилган ўртача хатосининг қиймати ва ишончлилик әхтимоллари учун танланма ўртачаси дисперциясининг қиймати аниқланади.

$$\sigma_{\bar{x}}^2 = \left( \frac{m_{\bar{x}}}{t_p} \right)^2$$

Мисол. Бош мажмуа калава ипининг узиш кучидан иборат бўлиб, уни ушбу кўрсаткичлар билан характерланади:  $a = 50$  г,  $\sigma_1 = 4,0$  г,  $\sigma_2 = 3,0$  г,  $N_1 = 100$ ;  $N_2 = 10000$ . Танланма гурух қиймати  $C_1 = 8000$  сўм, алоҳида синов учун маҳсулот танланмаси қиймати 2000 сўм. Танланма умумий қиймати

минимал бўлиш шарти билан  $n_1$  ва  $n_2$  ларнинг сонини аниқлаш талаб қилинади.

Талаб қилинадиган аниқлик ишончлилик эҳтимоллиги 0,95 билан 5% дан кўп эмас.

Ўзгармас ҳадларни аниқлаймиз

$$A = \frac{N_1 \sigma_1^2}{N_1 - 1} - \frac{\sigma_2^2}{N_1 - 1} = \frac{100 \cdot 4^2}{99} - \frac{3^2}{9999} = 16,2$$

$$B = \frac{N_2 \sigma_2^2}{N_2 - 1} = \frac{10000 \cdot 3^2}{9999} = 9,0$$

$$D = \frac{\sigma_1^2}{N_1 - 1} = \frac{4^2}{99} = 0,16$$

Танланма гурух элементлари сонини топамиз

$$n_2 = \sqrt{\frac{C_1 B}{C_2 A}} = \sqrt{\frac{8 \cdot 16,2}{2 \cdot 9,0}} = 3$$

Ўртача қийматнинг мутлоқ хатолиги

$$|m_{\bar{x}}| = \frac{5 \cdot 50}{100} = 2,5$$

$t_p$  коэффициент жадвалдан олинади. Унинг қиймати 1,96 га тенг.

Ўртача қиймат дисперсияси

$$\sigma_{\bar{x}}^2 = \left( \frac{m_{\bar{x}}}{t_p} \right)^2 = \left( \frac{2,5}{1,96} \right)^2 = 1,62$$

$$n_1 = \frac{A + B/n_2}{(\sigma_{\bar{x}}^2 + D)} = \frac{16,2 + 9/3}{1,62 + 0,16} = 11$$

Иккинчи даражали тасодифий танланманинг умумий қиймати

$$C = C_1 n_1 + C_2 n_2 n_1 = 8 \cdot 10^3 + 2 \cdot 10^3 \cdot 11 = 154000 \text{ сўм}$$

Ушбу иккинчи даражали танланма ўртача узиш кучи аниқлиги 5% бўлиши учун ва танланма қиймати минимал, яъни 154000 сўм бўлиши учун танланма ҳажми  $n = n_1 n_2 = 3 \cdot 11 = 33$  бўлиши керак.

Маҳсулотнинг техникавий назоратини ишлаб чиқаришда ташкил қилиш учун юқоридаги мисолда кўрсатилганидек статистик характеристикаларни билиш ўкув қўланма

талааб қилинади. Уларнинг баъзи бирларига мисол учун ўртача қиймат ва ўртача даражали оғиш учун ёки вариация коэффициенти учун меъёрлар ўрнатилиши мақсадга мувофиқ. Ана шулардан фойдаланиб, маҳсулот учун энг тежамкор иккинчи даражали танланмани исталган аниқлиқда тузиш мумкин.

### 1.7-§. Уч, тұрт ва күп босқичли тасодифий намуна танлаш

Маҳсулотнинг алоҳида күрсаткичлари бўйича сифатини дифференциал баҳолаш тuri кенг тарқалган усуллардан бири ҳисобланади.

Маҳсулотнинг алоҳида сифат күрсаткичларини аниқлаш учун материал тұдасидан намуна танлаб олинади. Натижада, алоҳида сифат күрсаткичлари стандартларга асосан, қўпол хатоликлардан узоқлашган ҳолда, асбоб-ускуналар ёрдамида аниқланади ва бошланғич күрсаткичлари олинади. Кейин, бу күрсаткичларнинг ўртача ёки модал ўлчамлари, дисперцияси, ўртача квадратик огиши, квадратик нотекислиги, оралиқли үзгариши ва бошқа күрсаткичлари аниқланади. Бошланғич күрсаткичлар ва жами хусусиятларини аниқлаш пайтида асбоб-ускуналарнинг хатолиги ҳисобга олинади. Норматив билан жами танлаш хусусиятларини солишириш расмий дейилади, бутун материал тұдасидаги хоссаларининг жами хусусияти ишончлилик оралиғидаги танлашдан фарқланиши мумкин, ҳамда эҳтимоллиқда сифат күрсаткичи эътиборга олиниши лозим.

Ишончлилик оралиғида жами хусусиятини танлашдаги ишончлилик эҳтимоллигини аниқлашда бошланғич күрсаткичларнинг тақсимланиш қонунини билиш лозим. Натижада берилган  $\alpha$  ўлчами, сифат күрсаткичининг

Эҳтимоллигини келтириб чиқаради. Шуни эътиборга олиш керакки, қандайдир бир босқични нотүғри баҳолайдиган бўлсак, унда олинган натижалар нотүғри бўлиб чиқиши мумкин.

Намуна танлаш услублари бир босқичли, икки босқичли ва қўп босқичли синфларга бўлинади. Қўп босқичли услубда кўпинча уч босқичли синф кўпроқ қўлланилади. Бир босқичли услугуб ўз навбатида тасодифий ва механик, икки босқичли услугуб эса механик, гуруҳли ва аралашга бўлинади.

**Икки босқичли ва қўп босқичли намуна танлаш услублари** кўпинча жами асосийга боғлиқ бўлишлиги кўриб чиқилади, ҳамда улар алоҳида тенг қисмларга ажратилади ва танлашда, синов натижаларини ёзиб олишда қайд этилади. Тўқимачилик материалларини синашда бундай танлаш услублари кўп қўлланилади, қўп материаллар тўдаси алоҳида қисмлардан ташкил топган бўлади (хом ашё тўдаси тойлардан, иплар тўдаси алоҳида ўрамлардан, газлама тўдаси бир қанча бўлаклардан иборат бўлади).

Агар материал тўдасининг қисмлари обьектнинг турли қисмларидан танланган бўлса, бир босқичли танлашга қўшилади ва бундай танлаш бир даражали дейилади.

**Тасодифий намуна танлаш услуби тасодифий сонлар жадвали бўйича ёки чамалаб танлашни кўриб чиқади.** Масалан, ёпиқ қутидан чамалаб бир қанча ўрамларни танлашда тасодифий танлашнинг биринчи шартига риоя қилинади, аммо иккинчи танлаш шарти бажарилмайди, натижада очиқ қути юзасидаги танлашда юқори эҳтимолликка эга бўлади.

Материал тўдасидан барча обьектларни тасодифий тўғри танлаш ишларини амалга ошириш учун рақамланади, танлаш учун обьектлар олинади, рақамлар исталган қатордан ёки тасодифий сонлар жадвали устунларидан тартибли танланади.

Тұдадаги катта миқдордаги объектлар аралаштирилади, яғни намуна танлашда амалий жиҳатдан бир хил өхтимоллиқда исталған объектнинг тушишини таъминлайды.

Механик бир босқичли танлаш услугида жами асosий танлашдаги объектларнинг барчаси рақамланади ва қисмлардан намуна белгиланған оралиқда танланади (Масалан, 5,10,15,20 тадан ортиқ объектлар танланади).

Механик икки босқичли танлаш услугида жами асosий танлашдаги объектлар тенг гурухларга бўлинади. Ҳар бир гурухдан тасодифий услуг ёрдамида бир объект бўйича намуна танлаб олинади ёки битта синов иши ўтказилади.

Гуруҳли намуна танлаш услугида жами асosий танлашдаги объектлар қўшимча равишда алоҳида гурухларга бўлинади, кейин тасодифий намуна танлаш услуги бўйича бир қанча гурухлар танлаб олинади ва тўлиқ синалади. Бундай танлаш амалиётда жуда кам ишлатилади, материал тўдасининг қисмлари кўп миқдорда қўлланилиб, ҳатто битта гурухни тўлиқ синаш учун жуда кўп вақтни талаб этади.

Аралаш намуна танлаш услугида кўпинча ипларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлашда ишлатилади, ҳар бир ўрам катта миқдордаги синов ишларига жалб этилади. Танлашда бир қанча гурухлар танлаб олинади ва сифат кўрсаткичлари қисман аниқланади.

Уч босқичли намуна танлаш услуги жами асosий танлашдаги объектлар тенг қисмларга, ўз навбатида бир хил объектлардан иборат бўлган гурухларга ажратилади. Мисол тарикасида бир қанча қутилардан иборат бўлган тўда ипларини келтириш мумкин. Улар бир хил гурухлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир ўрамда ип хоссаларини бир хил ўлчаш сонида ўтказиш мумкин. Амалиётда кўпинча аралаш намуна танлаш услуги қўлланилади, яғни қутиларнинг бир қисми беркитилиб, ҳар биридан тенг ўрамлар сони бўйича намуна танлаб олинади. Танланган


намуналар синаш ишларидаги белгиланган танлаш хатолигига боғлиқ бўлади.

Уч босқичли намуна танлашда маҳсулот тұдасидан уч босқичда намуна олинади, масалан, 1-босқичда тасодифий равишда машиналар танланади (олинади), 2-босқичда машиналарда тасодифийлик принципида бобина ёки найча иплар танланади ва 3-босқичда синовлар учун танланади. Худди шу тартибда кўп босқичли намуна танлаш усувлари қўлланилади.

Гурух ва сериялар бир хил сондан иборат уч босқичли ва кўп босқичли намуна танлашда маҳсулот тұдасидан учинчи даражали намуна танлаш кетма-кетлиқда уч маротаба амалга оширилади (1.24-расм).

1.24-расмда тасодифий  $n_1$  сериялар сони  $N_1(n_1 \leq N_1)$  сунгра  $n_2$  гурӯхлар умумийга нисбатан- $N_2(n_2 \leq N_2)$  ундан кейин ҳар бир гурӯхдан учинчи тасодифий намуна  $N_3(n_3 \leq N_3)$  текширилади. Натижада, танланма умумий сони  $n = n_1 n_2 n_3$  га teng бўлади.

Бош мажмуадаги ўртачанинг дисперцияси  $M(\bar{S}_x^2) = \sigma_x^2$ . Мутлоқ хатолик 2-босқичли танловга ўхшаш  $|m_{\bar{x}}| = t_p \cdot \sigma_x^2$ , лекин, аниқлиги юқорироқ чиқиши исботланган.



1.24-Расм. Учинчи даражали тасодифий намуна танлаш.

Тўртинги ва ундан юқорироқ даражали намуна танлаш ҳам 3 даражалига ўхшаш, аммо сериядан олдин районларга ўқув қўланма

ажратилган намуналар ҳам этиборга олинади.  $N = N_1 N_2 N_3 N_4$ , танланмаларнинг умумий сони:  $n = n_1 n_2 n_3 n_4$  бўлади (1.25-Расм).

Статистик қайта ишлашда 4-босқичли намуна танлашда намунавий характеристикалар хисобида яна 1 ҳадга ортирилади.

Масалан:

$$\sigma_r^2 = \frac{1}{N_1 N_2 N_3 N_4} \sum_{ijkl}^{N_1 N_2 N_3 N_4} (a_{ijkl} - a)^2; \quad (1.24)$$

Дисперциялар муносаботлари  $\sigma_r^2 = \sigma_1^2 + \sigma_2^2 + \sigma_3^2 + \sigma_4^2$  бўлади

Ўртачанинг мутлоқ хатолиги 3-босқичли намуна танлашга ухшаб баҳоланади.  $M(\bar{x}) = a$

4-босқичли намуна танлашнинг умумий қиймати

$$C = C_1 n_1 + C_2 n_1 n_2 + C_3 n_1 n_2 n_3 + C_4 n_1 n_2 n_3 n_4$$

бу ерда:  $C_i$ -район бўйича намуна танлаш баҳоси қиймати;

$C_2$ -серия бўйича намуна танлаш қиймати;

$C_3$ -гуруҳ бўйича намуна танлаш қиймати;

$C_4$ -бир объект кузатуви бўйича намуна танлаш қиймати.

$n_1 n_2 n_3 n_4$  сонини аниқлаш учун белгиланган хатолик даражасида намунанинг ўртача қиймати минимал бўлган сонларни аниқлашда Лагранж усули қўлланилади. Босқичлар бўйича намуналар сонлари функциялари тенгламалар системасини умумий қиймати белгиланган намунавий ўртача аниқликда  $n_1 n_2 n_3 n_4$  сонлар тақрибий қийматларини катта ҳажмлардаги ҳолатларда қуидаги формуалалар бўйича аниқланади:

$$\begin{aligned} n_4 &\approx \frac{\sigma_4}{\sigma_3} \sqrt{\frac{C_3}{C_4}}; \quad n_3 \approx \frac{\sigma_3}{\sigma_2} \sqrt{\frac{C_2}{C_3}}; \quad n_2 \approx \frac{\sigma_2}{\sigma_1} \sqrt{\frac{C_1}{C_2}}; \\ n_1 &= \frac{\sigma_1 + \sigma_1 \sigma_2 \sqrt{\frac{C_1}{C_2}} + \sigma_1 \sigma_3 \sqrt{\frac{C_1}{C_3}} + \sigma_1 \sigma_4 \sqrt{\frac{C_1}{C_4}}}{\sigma_1^2} \end{aligned} \quad (1.25)$$

Шу формулалардан фойдаланиб ҳар қандай даражали намуна танлаш сонларини ҳисоблаш мумкин. Намуналар танлови тасодифийлиги, намуна сонларининг яхлитланиш қоидаларига амал қилиниши лозим.

Намуналар танлови хатолигида ўртача кўрсаткичлар бўйича баҳоланади, лекин йигириш маҳсулотлари нотекслик кўрсаткичлари таъсир кўрсатади.



1.25-Расм. 4-даражали тасодифий танланма.

### Түқимачилик материаллар сифатини хоссаларнинг нотекислиқ сифат кўрсаткичлар бўйича баҳолаш

Түқимачилик саноатида айниқса йигириш жараёнида ўтимлар кўп ва уларда узлуксизлик устиворлик қиласди. Ички ва ташқи назорат қилиб бўлмайдиган лекин, жараёнга, ип ва ярим маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар ҳам кўп. Уларни таъсир даражаси ваqt ўтиши мобайнида ёки жараёни параметрларидан оғиш фарқларининг ярим маҳсулот ва ип сифат курсаткичларини ўзгартиради, яъни

йигириш маҳсулотлари нотекислиги ҳосил бўлади. Бунга омиллар комплекс таъсир кўрсатади; хом ашё сифати, машина ва механизмлар ҳолати, меҳнатни ташкил этиш, ишчи ходимлар малакаси, цеҳдаги ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлиги, режимлари ва ҳоказолар.

Йигириш-эҳтимоллик характеристига эга, шунинг учун нотекисликни аниқлашда статистик эҳтимоллик характеристикалардан фойдаланилади:

-математик қутилиш  $[M_x(t)]$ ;

-квадратик оғиш, дисперция ва уларнинг ҳосилалари, чизиқли нотекислик, квадратик нотекислик;

Математик қутилиш.

$$m_{x(t)} = \frac{1}{T} \int_0^T X(t) dt; \quad (1.26)$$

бу ерда Т-вақт оралиғида ўтадиган маҳсулот узунлиги,  $X(t)$ - тасодифий функция,

Узлуксиз аниқланадиган ўртача квадратик оғиш;

$$\delta_{x(t)} = \sqrt{x(t) - \frac{1}{T} \int_0^T x(t) dt} \quad (1.27)$$

Дискрет ҳолатда квадратик оғиш;

$$\delta_{(n)} = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (X_i - \bar{X})^2}{n}}; \quad \text{агар } n \geq 30$$

бу ерда  $X_i$ -тасодифий қийматлар,  $\bar{X}$ -тадқиқ қилинаётган кўрсаткич ўртачаси;  $n$ -синовлар сони.

$$\delta_x = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (X_i - \bar{X})^2}{n-1}}, \quad \text{агар } n \leq 30$$

Дисперция  $D = \delta_x^2 = (\sum_{i=1}^n (X_i - \bar{X})^2 / n)$  агар  $n \geq 30$  ва  $n \leq 30 / n - 1$ .

$$\text{Квадратик нотекислик } C^2 = \frac{\delta}{\bar{X}} * 100\%; \quad (1.28)$$

$$Ип сифат күрсаткичи; CK = \frac{P_0}{C\{P\}} \quad (1.29)$$

бу ерда:  $P_0$ -ипнинг нисбий узилиш кучи, cN/текс;

$C_P$ -узилиш кучи бўйича квадратик нотекислиги маҳсулот нотекислиги бу салбий кўрсаткич бўлиб, техник иқтисодий курсаткичларга, физик-механик хоссаларига, кейинги жараёнларга салбий таъсири кўрсатади.

Ип нотекислиги пайдо булиш сабаблари:

- техник жараёнларни барқарор эмаслиги;
- ипни ташкил этувчи толалар хоссаларининг нотекислиги;

- аралашмани нотўғри танланиши;

- жараёнларнинг (титиш-саваш-аралаштириш, кардали тараш)нинг нозослиги;

- технологик машиналар шайлаш параметрларинг нотўғри танланиши ва ҳакозо.

Йигиришда нотекислик мураккаб жараён ҳисобланади ва ўтимларда турлича даражада ўзгаради. Маҳсулот тузилишда узунлик бўйича, кўндаланг кесими бўйича структуравий нотекисликни ҳосил қиласди.

Хоссалар бўйича структурални нотекислик қуидаги турлари билан характерланади: даврий, нодаврий, функционал, айрим жойлари бўйича.

Маҳсулот нотекисликни даражасини баҳолашда:

- ички (битта сифим бўйича, идиш ёки ўрама);

- ташқи (маҳсулот турли характеристикалари ўртачалари бўйича нотекислик);

- умумий (барча сифимлар, урчуқлар бўйича).

Чизиқий зичлиги бўйича  $C_{(T)}$  энг муҳим турлари ҳисобланади.

Гипотетик нотекислик қирқимлари бўйича толалар сонининг Пуассон тақсимланишга мос қийматлари ( $C_t$ ):

$$C_t = 100 \sqrt{1 + \left(\frac{C_d}{100}\right)^2} / \sqrt{m} = 100\sqrt{1 + 4\left(\frac{C_d}{100}\right)^2} / \sqrt{m} \quad (1.30)$$

бу ерда  $C_{\phi} = 2C_d$ -күндаланг кесимида толалар сони бүйича квадратик нотекислиқ;

$$\bar{m} = \frac{T}{T_B} - \text{толалар сони};$$

$C_d$ -диаметри бүйича квадратик нотекислиқ.

1-формула Мартиндейл формуласи дейилади, ундаги четаравий шартлар:  $T_r \neq f(L_T)$

Амалдаги тола геометрик күрсаткичлари математик ифодаси билан коррелятив боғланишда, яъни  $C_r = 100K/\sqrt{m}$  бу эрда K-тола турига мос коэффициент (пахта толаси учун 1.06, (агар  $C_{\phi} = 35\%$ ; жун учун  $K=1.12$ , агар  $C_r=50\%$ , вискоза учун  $K=1.02$ , зигифр толаси учун 1.3)).

Үтимлар бүйича нотекислиқ даражасининг ўзгариши:

$$I = \frac{C_{\phi}}{C_r} = C_{\phi}^2 \sqrt{m} - 100K.$$

Тұқимачилик маҳсулотлари сифатини баҳолашда Пуассон тақсимланишдан ташқари нормал (Гаусс) тақсимланиши,  $K = \sqrt{1 + (C_d/100)^2}$  логарифмик НТҚ, экспоненциал, Гумбел, Вейбулла тақсимланишлари мезонлари асосида баҳоланади.

Демек, йигириш ишлаб чиқаришда одатда намуналар танловида уч босқичли усулни құллаш орқали баҳолаш кийматининг камайиши ва аниқлигини оширишга әришилади.

Бу ҳолатда машиналар серияларга ажратилади ва сиғим (паковкалар) танланади ҳамда улардан синовлар орқали сифат күрсаткичлари бүйича баҳоланади, шунинг учун механикавий танлов услубини құллаш мақсадда мувофиқ.

### Таянч иборалар:

Икки ва күп босқичли, тасодифий намуна танлаш, гурухли ва аралаш намуна танлаш, уч бұсқичли ва күп босқичли тасодифий намуна танлаш, намунавий ва тұда маҳсулотлари йиғма күрсаткичлари, намуна танлашнинг мутлоқ ва нисбий хатоликлари, намуна танлаш босқичлары

## **ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ**

сон қийматлари, намуна танлаш бўйича баҳолаш қийматлари

### **Назорат саволлари:**

1. Икки ва кўп босқичли намуна танлаш услуби ҳақида маълумот беринг.

2. Тасодифий намуна танлаш услуби деганда нимани тушунасиз.

3. Механик бир босқичли ва икки босқичли намуна танлашга мисоллар келтиринг.

4. Уч босқичли намуна танлаш қандай амалга оширилади.

1. Уч босқичли тасодифий намуна танлашга мисол келтиринг.

2. Уч босқичли тасодифий намуна танлаш схемасини тушунтиринг.

3. Тўрт босқичли тасодифий намуна танлашга мисол келтиринг.

4. Тўрт босқичли тасодифий намуна танлаш схемасини тушунтиринг.

5. Кўп бўсқичли бўйича баҳолаш қиймати қандай баҳоланади?

6. Йигириш ишлаб чиқаришида намунавий ва туда бўйича баҳолаш тартибига изоҳ беринг.

## **II БОБ. ЙИГИРИШ КОРХОНАСИДА ТЕХНИК НАЗОРАТ БЎЛИМИ**

### **2.1-§. Техник назорат бўлими**

**Техник назоратнинг шакллари.** Амалиётда техник назоратнинг турли-туман шакллари қўлланилади. Буларнинг барчасини қуйидаги аломатлари бўйича синфлаш мумкин (2.1-Расм): технологик жараёнга таъсир этувчи характеристи; назорат воситаларининг турлари; назорат қилинаётган кўрсаткичларнинг характеристи; даврийлиги; таъминловчи ва истеъмолчига нисбат; назорат объектига таъсири.

Худди таъминловчи ва истеъмолчи каби қўлланилувчи назорат шаклларига тұхталиб ўтамиз.

Тайёр маҳсулотнинг алоҳида тұдаси, хом ашё ва қўшимча материалларнинг сифатини текшириш қабул қилишдаги назорат дейилади. Донали маҳсулотлар кўринишида тайёр маҳсулот ва тўқимачилик полотноси учун узлуксиз қабул қилишдаги назорат ишлатилади.

Назоратнинг бошланиш вақтида ёки белгиланган жараённинг тугашидан кейин маҳсулотни назорат қилиш жараёнили дейилади.

Узлуксиз жараёнили назорат ишчилар томонидан бажарилади ва ўз-ўзини назорат қилишини олади. Кўпгина ишлаб чиқариш корхоналарида танланма қабул қилиши ва жараёнили назорат ишлатилади, белгиланган эҳтимоллик билан унчалик катта бўлмаган танлаш бўйича материал тұдаси ёки хомаки маҳсулотларга баҳо беради.

Назорат диаграммаси бўйича берилган эҳтимоллик билан белгилашни амалга оширади, бундай материаллар сифат қўрсаткичлари ва технологик жараён ўлчамларининг оғишини тартибга келтириб бориш лозим бўлади. Назорат диаграммаси бўйича тайёр маҳсулотлар учун назорат бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи алоҳида машиналар ёки алоҳида гуруҳли машиналарда ўтказилади.

Техник назорат бўлими (ТНБ). Техник назорат бўлими (ТНБ)-корхонанинг мустақил структурали қисми бўлиб, корхонанинг маҳсулот сифатини бошқариш директорига ва техник назорат бўлими бошлигига бўйсинади.

Техник назорат бўлими бошлигини тайинлаш ва ишдан бўшатиш юқорида турувчи ташкилот орқали амалга оширилади. Техник назорат бўлимининг хизматчилари техник назорат бўлими бошлигига бўйсинади ва ўз ишида бошқа қисмларга бўйсинганди. Техник назорат бўлимининг тузилиши ва штати корхонанинг характеристерига ва ишлаб

## ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ

чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлади. Техник назорат бўлими бошлиғи директори, бош муҳандис ва маҳсулот сифатини бошқариш бошлиғи биргалиқда (техник шарт ёки стандартга мос келмайдиган) нуқсонли ва жамланган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишига жавобгардир.

Техник назорат бўлими бошлиғи стандартга мос келмайдиган маҳсулотларни қабул қилиш ва топшириш ишларини директорни хабардор қилган ҳолда тұхтатиш ҳуқуқига эга. Корхона директори ва техник назорат бўлими бошлиғи ўртасида келишмовчилик чиқадиган бўлса, корхонага тегишли бўлган юқорида турувчи корхона раҳбариятининг рухсати билан маҳсулот сифатига рухсат этилади.

Техник назорат бўлимининг бошлиғи маҳсулот сифатини нотўғри баҳолаганда ва ҳужжатларни нотўғри расмийлаштирганда, ўз вақтида ёки нотўғри рекламалаштириш ишларида ва истеъмолчиларнинг эътиrozларига жавоб беради.

Бажарилган барча турдаги ишлар учун техник назорат бўлимининг бошлиғи цех бошлиқларидан керакли жойларда назоратчилар ва нуқсонли маҳсулот сақланадиган ташкилотлар тұғрисида, маҳсулот сифатини бошқариш ёки ташкилот директоридан барча зарур бўлган назорат жараёнлари режасига киритилган бўлиши ёки ҳамма шахслар учун корхона стандартлари мажбурий булишини талаб қилиш мумкин.

Техник назорат бўлимининг бошлиғи тузатилмаган, бузук ва давлат текширишидан ўтмаган ўлчаш асбобларини қўллашни таъқиқлайди ва бу ҳақида маҳсулот сифатини бошқариш бўлими бошлиғига ёки бош муҳандисга хабар беради.



2.1-Расм. Техник назоратнинг шакллари

У бош мухандисга бўйсинаидиган лабораторияда хом ашё, хомаки маҳсулотлар, қўшимча материаллар ва тайёр маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун талаб қилиш хуқуқига эга. Маҳсулот сифатига боғлиқ бўлган

## ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ

техник назорат бўлимининг шартлари корхонанинг барча бўлим раҳбарлари учун тегишли бўлиб, фақаттина директорнинг ёзма буйруғига биноан эътироф қилиниши мумкин. Техник назорат бўлими бошлиғи ушбу буйруқни кечиктирмасдан бош муҳандистга хабардор қилиши лозим бўлади.

Техник назорат бўлимининг барча штатлари-бошлиқ ўринбосари, бўлимлар бошликлари, назоратчи мастерлар, катта назоратчи ва техник назорат бўлимига бўйсинадиган назоратчилар.

### Таянч иборалар:

Техник назоратнинг шакллари, технологик жараёнга таъсир этувчи характеристи, назорат воситаларининг турлари, назорат қилинаётган қўрсаткичларнинг характеристи, даврийлиги, таъминловчи ва истеъмолчига нисбат, назорат обьектига таъсири, қабул қилишдаги назорат, узлуксиз қабул қилишдаги назорат, жараёнли, узлуксиз жараёнли назорат, ўз-ўзини назорат қилиш, танланма қабул қилиш ва жараёнли назорат, назорат диаграммаси

### Назорат саволлари:

1. Техник назорат бўлимининг шаклларига нималар киради.
2. Техник назорат қилиш турлари ҳақида изоҳ беринг.
3. Техник назорат бўлимининг асосий вазифаларига нималар киради.
4. Техник назорат бўлими бошлигининг талаблари нималардан иборат.

## 2.2-§. Ип йигириш корхоналарида техникавий назорат, ишлаб чиқариш лабораторияларининг вазифалари

Пахта толасидан юқори сифатли газламалар ишлаб чиқариш учун юқори сифатли ип ишлаб чиқариш лозим. Юқори сифатли ип ишлаб чиқариш учун эса йигириш корхоналарида ҳар томонлама яхши ташкил этилган ва доимо фаолият кўрсатувчи техникавий назорат булиши керакдир.

Корхонада фаолият кўрсатадиган муҳандис-техник ходимлар билан бир қаторда техникавий назоратни назорат бўлими, корхона лабораторияси амалга оширади. Бу бўлимлар хомаки маҳсулотлар ва ип сифатини доимо назорат қилиб турадилар.

Техник назорат бўлими ва корхонадаги лабораториялар доимий ва даврий назоратларни ўтказиб турадилар.

*Доимий назорат* – корхонага келтирилган ёки таъминловчилардан қабул қилинган хом ашё, ҳамда бошқа материалларни ва четга чиқариладиган маҳсулотлар сифатини назорат қиласди.

*Даврий назорат*- қуйидаги кўринишда ўтказилади:

1. Барча ўтимдаги хомаки маҳсулотлар (холст, пилта, холстча, пилик) сифатини;

2.Барча жараёнларда технологик тартибни ва машиналарни ишлатиш бўйича қоидаларни бажарилишини;

3. Цех ходимлари томонидан ўрнатилган йўриқнома ва услугда хомаки маҳсулотларни техник назоратини амалга оширилишини.

Техник назорат бўлими йигириш ишлаб чиқаришида ипнинг сифати, маҳсулотнинг чизиқий зичлиги, чизиқий зичлик бўйича нотекислиги, маҳсулотнинг тозалиги, хом ашё сифати ва узилувчанигини назорат қилиб боради.

Йигириш корхонасида назоратнинг бир қанча услублари қўлланилади. Йигириш корхонасида техник назорат режасига қўйидагилар киради:

1. Корхонадаги хом ашёнинг сақланиш ҳолатини текшириш.

2. Хом ашёнинг сифатини аниқлаш.

3. Пахта толасининг сарфланиш графитига ва уни аралаштириш усулига риоя қилган ҳолда саралаш таркибини аниқлаш.

4. Пахта толасининг юмшоқлигини текшириш.

5. Йигириш ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган чиқиндилар миқдори ва сифатини текшириши.

6. Тўплаш, саралаш, қабул қилиш ва чиқиндиларга ишлов бериш.

7. Титиш-саваш агрегатларида пахта толасининг тозаланиш самарасини аниқлаш.

8. Тараш машиналарида тарамнинг сифатини текшириш.

9. Хом ипнинг чўзилишини аниқлаш.

10. Йигириш ва пишитиш машиналарида олинган ипнинг массаси, ўрам зичлиги ва ўрам узунлигини текшириш.

11. Ўраш машинасида хом ипнинг ўралиш зичлигини аниқлаш.

12. Жараён бўйича маҳсулотнинг узилувчанилигини текшириш.

13. Машина ишчи қисмларининг тезлигини текшириш.

14. Машина ишчи қисмларини таъмирлашни текшириш.

Ҳар бир ип тўдаси истеъмолчиларга жўнатилишидан олдин стандарт ва техник шартлар асосида текширилиб борилади. Ундан ташқари, машиналарда бир хил дара-жадаги маҳсулот ишлаб чиқарилишини ва ипнинг сифат курсаткичларининг меъёри назорат қилиниб борилади.

Маҳсулотни чизиқий зичлиги бўйича назорат қилиш йигириш ишлаб чиқаришининг турли ўтимларида ўтказилади. Бошлинишида доимий узунликдаги кесимларнинг массаси аниқланади ва маҳсулотнинг чизиқий зичлиги аниқланади.

Хоссалари бўйича маҳсулотнинг нотекислиги ва турли кўринишдаги маҳсулотнинг тузилиши нотекислиги турли характерда булиши мумкин. Маҳсулотнинг хоссалари ва тузилишининг ўзгариш характеристига боғлиқ бўлган нотекислиги қуйидагича аниқланади:

- даврий-маҳсулот хоссаларидағи тўлқин тебраниш амплитудаси ва узунлиги тасодифий бўлганда;

- даврий эмас-маҳсулот хоссаларидағи тўлқиннинг тебраниш узунлиги ва амплитуда ўлчами тасодифий ўлчамда бўлганда;

- функционал, яъни бир ёқлама ўсишдаги оғиш (масалан, маҳсулотнинг бўйлама чизиқий зичлигининг доимо ошиши);

- маҳаллий (маҳсулот чизиқий зичлигининг бирданига ошиши ёки камайиши);

- курама-бир қанча турдаги нотекисликнинг жами.

Нотекислик ипларнинг техник-иктисодий кўрсаткичларига, йигириш ва тўқувчилик маҳсулотларининг физик-механик хоссаларига таъсир қиласи. Кўпгина омиллар; хом ашё хоссаларининг нотекислиги, кўпинча технологик жараён ва машинанинг конструкциясига, режимнинг бузилганинг машиналардан узоқлашиш ва уни созлаш натижасида нотекислик ҳосил бўлади.

Корхонага олиб келинаётган тойларнинг ўлчамлари 735x980x620 мм, массаси 200-220 кг бўлади. Ҳозирги замонавий корхоналарда ёпиқ омборларда З ойлик пахта толаси сақланади. Омборларда толалар тўдалари бўйича штабелларга жойлаштирилади ва ҳар бир штабеллар оралиғида маълум миқдорда жой қолдирилади. Бу оралиқ

тола ҳолатини текшириб туриш ва керакли тұдадаги толани олиш керак. Акс ҳолда тола тез ёниши, ҳамда чириши мүмкін. Вагонлардан тойларни тушириш, уларни жойлаштириш ва корхоналарга ташиш ишларининг барчаси механизациялашған.



Тұда-бир вагонга жойлаштирилған, бир хил ва бир вақтда терилған селекция навли пахта толаларига айтилади.

Битта тұдада 72 тадан 200 тағача той бұлади. Ҳар бир тұда сертификат билан жұнатылади.

Унда пахта тозалаш корхонаининг номи ёки номери, тұда номери, селекция нави, тола узунлиги, чизиқий зичлигі, пишиқлигі, толанинг пишганлық күрсаткичи, чиқиндилар миқдори ва тұдадаги тойлар сони. Тұда сонлар билан белгиланади. Масалан, 24-190-29. Олдинги 2 таси, яғни 24-пахта тозалаш корхонанинг номери, кейинги 190-мавсум бошидан бери терилған пахта тұдаларининг тартиб рақами, 29-пахта толаси тойи номери.

Йигириш корхоналарда технологик жараён нормал кечиши учун учта шарт бажарилиши керак:

1. Сараланма таркибидаги пахта толасининг қуйидаги үртача физик-механик күрсаткышлари доимий үзгармас бўлиши керак; тола узунлиги, тола таркибидаги чиқиндилар миқдори ва сараланмага қўшилаётган қайтимлар миқдори ва сифати.



2.Аралашмага диагонал бүйича янги тұдаларни құшиш.

3.Агрегатдаги таъминловчи аралаштирувчи машина олдига қойилған, ҳамда ишлатилаёттан ставкада тола ҳар бир тұдадаги тойлардан булиши керак.



Ставка-бу титиши-саваш агрегатидаги таъминловчи аралаштирувчи машиналари олдига қойилған пахта тойларидир.

Ставкадаги тойлар сони 24 тадан кам бұлмаслиги керак, тойлар сони қанчалик күп бұлса шунчалик яхши бұлади.

Ставкани 6 та тұдадан кам бұлмаган пахта толаларидан тузиш керак. Юқоридагиларнинг барчасини цех бошлиқлари ва смена устаси текшириб боради. Лаборатория мудири бир ҳафтада бир маротаба смена устаси билан юқоридагиларни бажарилишини назорат қилиб боради.

*Титиши-саваш цехида технологик жараённи назорат қилиши.* Титиши-саваш агрегатининг қандай ишлаётгандығын бақолаш учун қуйидаги күрсаткичлардан фойдаланилади:

- чиқындилаңдарни ажралиши;
- чиқындилаңдарни ажралиш сифат күрсаткичи;
- тозалаш самарадорлиги;

-титилганик даражаси.

Титилганик даражасини қуидаги З усулдан бири ёрдамида аниқлаш мүмкін:

1. Пахтани ҳажмий оғирлигини аниқлаш бүйича.
2. Пахта бұлагининг ўртача оғирлиги бүйича.
3. Аэродинамик усул (маълум баландлиқдан пахта бұлагининг эркін тушиш вақти бүйича).

*Чиқиндиларни йигиши ва саралашни назорат қилиши.*

Чиқиндилар ва қайтимларни (обраты) йигиши ва уларни саралаш ишлари ишчилар томонидан амалга оширилади. Бу иш ГОСТ 515-60 стандарты талабларига жавоб беріши керак. Агарда чиқинди ва қайтимлар стандартлари аралаштирилиб юборилған бўлса, яна қайтадан ажратиласди. Чиқиндиларни стандартларга тўғри ажратиш учун қуидагиларга аҳамият бериш керак:



-титиш-саваш  
цехида пахта бұлаклари  
ва холст қийқимлари  
ифлосланмаслигига,  
шунингдек тугунаклар  
билин момиқлар  
аралашиб кетмаслигига;

тараш цехида қабул қилинган барабандан ажралган момиқли тугунакларни бош ва ажратиш барабанидан ажралган момиққа аралашиши, шунингдек барабан ва шляпкалар тарапнадиларини аралашиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Чиқинди бўлимининг ходимлари чиқиндини эталонга солишириб қабул қилишлари керак. Бу вазифа тўғри

бажарилаётганини текшириш смена чиқинди қабул қилувчисига юклатилади. Чиқиндининг сифати техник назорат бўлими мастери ва цех бошлиғи томонидан назорат қилиб борилади. Чиқиндилар жойланган вақтда ишчилар ҳар бир жойдан намуна олиб қолиши ва этalon билан солиштиришлари керак бўлади. Ҳар бир той чиқиндида техник назорат бўлими белгиси бўлиши керак.

Йигириш корхонасидаги ишлаб чиқариш лабораторияси корхонанинг бир бўлими бўлиб, бош муҳандис рахбарлиги остида иш олиб боради.

Лабораториянинг иши – стандартлар талабига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳсулот сифатини ошириш, янги ассортиментларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, хом ашё сарфини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва машина унумдорлигини оширишдан иборат.

Лаборатория алоҳида хонада жойлашган бўлиб, хона ҳавосининг намлиги ва температурасини ўзгармас қилиб ушлаб туриш учун маҳсус мосламалар ўрнатилган бўлиши лозим. Лаборатория майдонига ҳамма асбобларни ва лаборатория мосламалари эркин жойлаштирилади. Лаборатория техниковий назорат ўтказувчи ишлаб чиқаришнинг асосий бўлимларидан биридир.

Йигириш корхонасига турили пахта тозалаш заводларидан тойлар келтирилади ва пахта толасининг ифлослиги нави бўйича қабул қилинади.

Хом ашё лабораториясида толанинг, пилта ва пиликнинг сифат кўрсаткичлари аниқланади. Тайёр маҳсулот сифатини аниқлаш лаборатория-сида тайёр ипларнинг сифат кўрсаткичлари аниқланади.

Йигириш корхоналарида маҳсулот сифатини таъминлаш учун қўйидаги вазифалар бажарилади.

1. Қабул назорати

2. Технологик жараёнларнинг назорати.

## ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ

3. Ярим маҳсулот ва тайёр маҳсулот сифатини назорати.
4. Цехлардаги технологик жараёнларнинг назорати.
5. Илмий текшириш ишларида қатнашиши, яъни технологик жорий этишда фаол қатнашиш.

Умуман назоратларда умумлаштирилган ҳолда 3 та турга бўлинади.

1. Кириш (қабул назорати)
2. Тезкор (оператив назорат)
3. Якуний (сифатни баҳолаш назорати)

Қабул назорати хом ашёнинг сифати миқдори бўйича текширилади.

Тезкор синовлар маҳсулотни сифатида уни тайёrlаш босқичларидағи хом ашё ва тайёр бўлган ипнинг сифатини текшириш ва баҳолаш бўйича ташкил этади. Бу назорат тайёrlанаётган маҳсулотнинг сифатини бошқаришда асосий бўлиб ҳисобланади. Чиқаётган маҳсулот ва қабул қилинаётган маҳсулотларнинг сифати нисбий курс-нави билан баҳоланади. Тўқимачилик корхоналаридағи қатор йигириш корхоналарида намуналар танлаш тегишли стендлар билан бажарилади. Масалан, пахта ипидан намуна танлаш ГОСТ 6611.0-73\*. Шунга кўра намунанинг тўда миқдори, схемаларнинг сони қуидагича бўлади:

1000 кг гача бўлган тўдадан 10 та паковка ажратиб олинади;

- 2000 кг гача бўлса 40 та паковка;  
10000 кг гача хам 40 та паковка.

Демак, тўда массасига боғлиқ бўлмагана ҳолда намуналар қабул қилинади.

Ускуналарни танлаш тегишли стандартлар бўйича бажарилади.

Масалан: лабораториянинг бўлимлари қуидагилардан иборат бўлиши керак.

-физик-механик хоссаларни синаш бўлими;

-геометрик синовлар бўлиши;  
-ифлосланганлик даражасини аниқлаш;  
-нотекисликни аниқлаш;  
-тарозилар хонаси;  
-илмий текшириш бўлими;  
-лаборатория мудири;  
-техник назорат бўлими;  
-намуналарни корхоналарда башоратлашни аниқлаш;  
-технологик жараёнларда автоматик бошқариш тизими.

Демак, йигириш фабрикаларининг лабораториялари олдида синовларни тезкорлик билан жаҳон андозалари талаблари бўйича бажариш технологик жараён ҳамда маҳсулот сифатини бошқариш функцияларни бажаради. Қабул назорати ярим маҳсулотлари сифат кўрсаткичлари аниқлашни замонавий корхоналар мисолида «Мерган текст» иль корхонасининг синов лабораторясидаги асбоб-ускуналари мисолида кўрамиз.

1. Тайёр маҳсулот ва ярим маҳсулотларни синов ишларини бажариш ва таҳлил қилиши.

2. Техникавий назорат ўтказиш ва технологик жараён параметрларини текшириш.

3. Корхонада такомиллаштирилган назорат ва материалларини синаш ва усуllibарини қўллаш.

4. Синов натижаларини маҳсус журнallарида қайд этиш, цех бошлигига кўрсатиш, янги технологияда қўлланилишида иштирок этиш.

Лабораторияда қўйидаги асбоб-ускуналар ўрнатилган:

F256A асбоби тўқимачилик материалларининг намлигини аниқлайди. Бу асбоб тўқимачилик материаллар таркибидағи намлик миқдори ва фоизини аниқлашга асосланган. Куритиш ишлари ҳароратни назорат қилиувчи

электрон мослама ёрдамида бажарилади. Электрон тарозига осилган материал металл контейнер устида қуритилади. Асбобнинг массаси 90 кг, эни 650 мм, узунлиги 500 мм, баландлиги 750 мм. Ипларнинг намлиги ISO 6741, BS 4784 ва ASTM D2654 стандартлари буйича аниқланади (2.2-расм).



**2.2-Расм.F256A қуритиш асбоби.**



**2.3-расм.Y221 Yarn examining machine**



**2.4-Расм.Y263 Single end yarn strength tester**



**2.5-Расм.M004 Shirley crimp tester**

F267 Nep tester асбоби тугунчалар сонини аниқлайды. Асбобда ифлосликларнинг синфланиши учун электрон тұртпанджали ҳисоблагичлар қўйилган. Массаси 39 кг, эни 490 мм ва баландлиги 460 мм.

F009A/B Shirley Comb Sorters тароқли тараш асбоби 50 мм гача бўлган узунликдаги пахта ва кимёвий толалардан штапел тайёрлаб беради.

F009B Shirley Comb Sorters тароқли тараш асбоби 150 мм гача бўлган узунликдаги пахта ва кимёвий толалардан штапел тайёрлаб беради. Массаси 4.5 кг, эни 250 мм ва баландлиги 140 мм. Бу IWTO-1-66, BS 4044, ASTM D 1440 ва ASTM D 1575 стандартти бўйича амалга оширилади.


Y016A Mechanical yarn package density tester ипларнинг ва матоларнинг зичлигини аниқлаш асбоби. Массаси 1 кг, эни 160 мм ва баландлиги 75 мм.

Y096/098 Shirley electronic friction and hairiness tester бу асбоб ипларнинг емирилиш коэффициенти ва түқдорлигини аниқлайды. Асбоб автоматик равишда исталган узунликдаги ипларнинг хусусиятини аниқлайды. Асбобнинг массаси 20 кг, эни 530 мм, баландлиги 330 мм. Ипларнинг бу хусусияти ASTM D3108 стандартти бўйича аниқланади.

Y219B Wrap reel electronic электронли мотовило бўлиб, белгиланган узунликдаги калаванинг мустаҳкамлигини аниқлашга асосланган. Асбобнинг массаси 40 кг, эни 570 мм, баландлиги 420 мм. Ипларнинг бу хусусияти ISO 2060, ASTM D1907, DIN 53830, ASTM 2260 ва BS2010 стандартлари бўйича олиб борилади (2.6-Расм).



**2.6-Расм.Y219B Wrap reel electronic**



**2.7-Расм.Y220B Twist tester electronic**

Y220B Twist tester electronic ипларнинг буралишини аниқлайдиган электрон асбоб. Қисқичлар орасидаги масофа 50 мм, ипларнинг S ва Z йўналишлари бўйича аниқлайди. Асбобнинг массаси 15 кг, эни 1070 мм, баландлиги 290 мм. Ипларнинг бу хусусияти ISO 2061, BS 2085, DIN 53832, ASTM D1422, ASTM 1423 ва IWTO 25-70 стандартлари бўйича олиб борилади. Y221 Yarn examining machine бу асбоб ипларнинг текислиги, тукдорлиги, тугунлар сони ва бошқа кўрсаткичларини аниқлашга асосланган. Асбобнинг массаси 24 кг, эни 910 мм, баландлиги 260 мм бўлиб, ASTM D2255 стандарти бўйича олиб боради (2.7-расм).

Y226D Warp tension meter асбоби тўқимачилик материаллардаги ипларнинг тортилишини аниқлайди. Асбобнинг массаси 0,5 кг, эни 150 мм, баландлиги 100 мм. Y263 Single end yarn strength tester асбоби ипларнинг мустаҳкамлигини аниқлайди. Асбобнинг массаси 30 кг, эни 700 мм, баландлиги 1350 мм. Ипларнинг хусусияти ISO 2062, BS 1932, DIN 53834 ва ASTM D2256 стандарти бўйича аниқлайди.

M004 Shirley crimp tester ипларнинг бурамдорлигини аниқлайдиган асбоб. Массаси 4 кг, эни 1500 мм ва баландлиги

40 мм. Ипларнинг түқдорлиги ISO 7211, BS 2863, BS 2865, BS 2866 ва IWSTM 169 стандарти бўйича аниқланади.



#### 2.8-Расм.Uster Tester-5 қурилмасининг кўриниши.

USTER TESTER типидаги асбоб ипларнинг чизиқий зичлиги бўйича квадратик нотекислигини аниқлайди. Ўлчаш оралиғи 4 текс-80 текс, ўлчаш тезлиги 4, 8, 25, 50, 100, 200, 400 м/мин, ўлчаш вақтининг оралиғи 0,5-50 мин, CV и U оралиғи 0 – 99.99%, DR оралиғи: 0-99.99%, кесим узунлиги ва даражаси 1 м +5%, 1м, -5%, спектрограмма оралиғи 1см-3011 м (86 канал); аниқ спектрограмма оралиғи 1см - 3011м (172 канал) (2.8-Расм).

МТ-155 пилта ва ипларнинг чизиқий зичлиги бўйича нотекислиги аниқлайдиган асбоб. Бу асбоб йигириш корхонасида хомаки маҳсулотлар ва ипларнинг нотекислик даражасини назорат қиласи ва квадратик нотекислиги, нотекислик оралиғи, ҳамда зичликнинг максимал ва минимал қийматларини аниқлаб беради. Асбобда 5 тексдан 300 тексгача ипларнинг нотекислигини 1 дан 20 минутгача вақт оралиғида аниқлаш имкониятига эга. Асбобнинг массаси 0,35 кг (2.9-расм).

Ипларнинг чизиқий зичлиги бўйича нотекислигини аниқлайдиган яна бир асбоб бу МТ-151 асбобидир. Бу асбоб турли йигириш ишлаб чиқаришдаги пилта, пилик, иплар ва комплекс ипларнинг нотекислик даражасини автоматик равишда назорат қилиш имкониятига эга.



Олинган синов натижаларини қайта ишлаш учун асбобда ЭХМ дастури құйилған булиб, автоматик равища қайта ишлайды. Асбоб 5-300 тексгача ипларнинг нотекислигини 1-20 минут давомида аниқлад беради.

2.9-Расм.МТ-151

### Ипнинг чизиқли зичлигини аниқлаш

Йигирилаёттан ип күндаланг кесимида толалар сони ипнинг барча узунлигига таҳминан бир хил булиши керак. Агар бир хил навли пахта толасидан икки хил олиб ип ишлаб чиқарилаёттан бұлса, ҳамда биринчи ипни ташкил қилувчи толалар сони иккінчисига нисбатан йүғон ва узувчи кучларга анча чидамли бұлади. Шунинг учун, иплар ишлатилишидан кейин номинал (берилған) чизиқли зичлиги бүйіча бир-биридан фарқ қиласы.

*Ипнинг чизиқли зичлигини аниқлаш:* Ипнинг чизиқли зичлиги масса қийматининг, узунлик бирлигига нисбати билан ифодаланади. Пилта ва пилик қирқимларини олиш учун Uster Zweifle Roving Reel автомотовиласи, ип пасмасини үраш учун Uster Zweifle Yarn Reel автомотовиласидан фойдаланилади. Ип мотовиласи периметри 1 ярд (0,914м), ип үтиш тезлиги 100-200 м/мин. Құллаш диапазони: 5,9-59 Ne (100-10текс). Мотовило ёрдамида бир вақт үзида узунлиги 100 ярд (21,44 м) бұлған 6 пасма үраш мүмкін. 100 күрсаткичда мотовило автоматик тұхтайди, пасмалар навбат билан чиқарилиб тортилади. Пилта, пилик қирқимлари ва ип пасмаларини тортиш учун Uster Auto Sorter 5 асбоби ишлатилади.



**Uster Auto Sorter 5**

Асбоб иккита қисмдан иборат: дастурланган ва экранли электрон тарози, натижаларни чоп этиш учун принтер. Ўлчаш диапазони: текст, дтекс, мтекс, денье, гран/ярд, Нгран/ярд. Uster Auto Sorter 5 асбоби ўртача номерни, ярим маҳсулот ва ип номерини ўзгаришини аниқлаб, ишончлик чегараларини хисоблаб беради. Синаш дастурларни мослашувчанлиги ва ҳисоблаш тизимининг ўзгарувчанлиги ҳисобига шу асбобдан кенг фойдаланиш мумкин. Тайёрланган пилта, пилик қирқимлари ёки ип пасмаси навбат билан тортилади. Натижалар бир вақда принтерда чоп этилади. Чоп этилган натижаларда максимал ва минимал қийматлар, ҳамда вариациякоэффициенти кўрсатилади. Ипларнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш борасида илмий-тадқиқот ишлари чиқиндилаар микдори турлича бўлган аралашмалардан олинган ипларнинг физик-механик хоссалари замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида аниқланди.


*Сифат назорати:* Маҳсулот сифатини назорат қилиш ишлаб чиқаришнинг энг муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқарилган ипни қаттиқ назорат қилиш бутун цикл давомида амалга оширилади. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида хом-ашёдан то тайёр иргача бўлган маҳсулотлар компания лабораториясида USTER қурилмаларида синовдан ўтказилади. Ривожланиш ва илмий-тадқиқот бўлимининг юқори малакага эга бўлган мутахассислари тайёр маҳсулотларни мижозлар талабларига ва меъёрий кўрсаткичларга мувофиқ синовдан ўтказадилар.



Махсулотнинг сифатини назорат филиш Лаборатория - бўлимининг зиммасига юклатилган. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ярим тайёр маҳсулот холида барча норматив курсаткичларини доимий назорат қилиш, ишлаб чиқариш учун факт олий сифатли хом-ашё танланиб, хом-ашёнинг реал сифатига мос равишда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турини танланиш.

*Ривожлантириши ва тадқиқот бўлими:* ривожланиш ва тадқиқот бўлими - корхонада маҳсус ташкил қилинган бўлим бўлиб, тайёр маҳсулот сифатини таҳлил қилиш, маҳсулот сифати ва маҳсулдорликни оширишга каратилган чоратадбирлар, фабрикалар аро текширувлар рейтингини олиб

бориши, маҳсулотнинг янги турларини яратиш ушбу бўлим зиммасига юклатилган.



### Таянч иборалар:

Доимий назорат, даврий назорат, функционал, маҳаллий, қурама, ставка-бу титиш-саваш агрегатидаги таъминловчи аралаштирувчи машиналари олдига қўйилган пахта тойлариидир, чиқиндиларни ажралиши, чиқиндиларни ажралиш сифат кўрсаткичи, тозалаш самараадорлиги, титилганлик даражаси.

### Назорат саволлари:

1. Йигириш корхонасида назоратнинг услублари.
2. Маҳсулотнинг хоссалари ва тузилишининг ўзгариш характеристига боғлиқ бўлган нотекислиги.
3. Титиш-саваш цехида технологик жараённи назорат қилиш.
4. Чиқиндиларни йифиш ва саралашни назорат қилиш.
5. Холстнинг чизиқий зичлиги ва нотекислигини аниқлаш.

### 2.3-§. Техник назорат бўлимининг умумий масалалари

Техник назорат бўлими ходимлари ва корхона ишчиларининг асосий вазифаси, технологик жараёнларнинг бир меъёрда ишлишини, юқори ишлаб чиқариш самарадорлиги, юқори иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлишини ташкил этади, ҳамда сифатли стандарт маҳсулотлари ишлаб чиқишини таъминлайди. Турли ишлаб чиқариш бўлиmlарида бу вазифаларни бажаришдаги объектив маълумотларни техник назорат бериши керак.

ГОСТ 16504-74 стандартига мувофиқ техник назорат-бу маҳсулотнинг сифатига боғлиқ ҳолда техник шартда белгиланган бўлиб, маҳсулот ёки жараённи текшириш демакдир. Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида техник назорат кўпинча бирлашган ҳолда фаолият юритади:

**қабул қилишдаги назорат** - нуқсонли маҳсулотларни бирга қўшган ҳолда тайёр маҳсулот сифати;

**технологик жараён назорати** - технологик жараёнларни белгиланган режим, кўрсаткичларга риоя қилиши ва уларнинг бир маромда ишлиши;

**жараёнли назорат** - алоҳида ўтимлар бўйича хомаки маҳсулотларнинг хоссалари;

**кириши назорати** - таъминловчилардан қабул қилинаётган хом ашё ва қўшимча материалларни қабул қилиш.

Юқорида келтирилган асосий назорат турлари қўйидаги ишлатиладиган умумий услубларга бирлашади: донали буюмларни **узлуксиз назорати**, алоҳида тўда материаллари ва буюмларини **танлашдаги статистик назорат**, ҳамда назорат диаграммалари (карталари) ёрдамида **жараёнли (жорий) статистик назорат**.

Умумий назорат услубларидан ташқари, турли саноат корхоналарида фарқланувчи (специфик) услублар

(масалан, йигириш ишлаб чиқаришидаги маҳсулотларнинг нотекислигини назорат қилиш, йигириш ва тұқувчиликда иплярнинг узилишини назорат қилиш) құлланилади.

Барча турдаги саноат корхоналарида түрли назорат ишларини фақатгина техник назорат бўлими (ТНБ) ёки корхона лабораторияси амалга оширади. Ундан ташқари, бош муҳандис, цех бошлиғи, уста, уста ёрдамчиси корхона, цехларни кўздан кечириш пайтида ускуналарни, хомаки маҳсулотлар сифатини, ишчиларнинг машиналарда хизматларини назорат қилиб боришади. Баъзи бир назорат ишларини ишчиларнинг ўzlари амалга оширишадилар. Техник назорат бўлими ва корхона лаборатория ходимлари мабода машиналарда техник кузатишларни белгилаш имкониятлари бўлмаганда, маҳсус кузатиш ёки ўлчаш асбобларини қўллайди.

Ҳужжатларда белгиланган қонун-қоидалар бўйича назорат обьекти билан ўзаро таъсирда бўлган назоратнинг жами воситалари ва бажарувчиларига назорат тизими дейилади. У корхона стандарти ёки назорат режаларида қайд этилади, ундан ташқари назорат қилинадиган обьектлар ва аломатлар тартиби, даврийлиги ва синов услублари кўрсатиласди.

*Техник назорат бўлимининг асосий вазифалари.* Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида техник назорат бўлимининг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нави ва сифатини аниқлаш, ҳамда белгиланган ҳужжатларда қайд этиш;
- топширилаётган маҳсулот ҳажми қайд этилади ва нуқсонли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл қўйилмайди;
- хомаки маҳсулотларнинг асосий сифат кўрсаткичлари назорат қилинади;
- технологик жараён кўрсаткичларини ва ускуналар ҳолатини даврий текшириш;
- таъминловчидан олинадиган хом ашё ва материалларни назорат қилиши;

## ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ

-маҳсулот белгиси ва Давлат сифат белгиси мавжуд бўлганда, ГОСТ 7000-66 стандартига боғлиқ ҳолда маҳсулот қадоқлаш ва тамғалаш;

- маҳсулот, хом ашё ва қўшимча материалларни сақлаш шароитини назорат қилиш;

- нуқсонли ёки стандарт талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларни ҳисобга олиш, ҳосил бўлиш сабабларини ўрганиш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

-бошқа меъёрий-техник хужжатлар ва техникавий шартларни ўз вақтида янги стандартлар билан алмаштириб турилишини назорат қилиш;

-ўлчаш асбоб-ускуналарининг ишлашини назорат қилиш;

- намуна танлаш, синов услуби ва ҳисоб ишлари, ҳамда лаборатория синовларининг тўғри бажарилганлигини узлуксиз равишда назорат қилиб туриш.

Белгиланган тадбирларни бажаришга қаратилган назорат ишларини ўтказиш тартиби қуйидаги назорат режасига киритилади: 1) назорат қилинаётган цех; 2) назорат қилинаётган материаллар (объектлар); 3) материалларнинг назорат қилинаётган сифат кўрсаткичлари; 4) назорат қилиш учун меъёрий-техник хужжатлар; 5) назорат учун масъул шахс; 6) назоратнинг даврийлиги; 7) назорат натижаларини сифатни бошқариш бўлими ёки корхона директорига кўрсатиши.

Ҳар бир ўтимлар бўйича, кўпинча технологик жараённинг бориши, яъни хом ашёдан тайёр маҳсулотга айлантириш режаси тузилади. Техник назорат тизимини яратишида тескари йўналишда бориш керак бўлади: тайёр маҳсулот-хомаки маҳсулотлар-хом ашё. Шунинг учун назоратнинг иккита режасини (қисқартирилган ва кенгайтирилган) кўриб чиқиши керак. Бунда ва бошқасида тайёр маҳсулотни бир хил қабул қилишдаги назорати бўлиб, истеъмолчилар талабини қондирсин. Аммо ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати меъёрий кўрсаткичларга

мос келса, унда хомаки маҳсулотларни жараёнли назорати қисқартирилган режа бўйича (кatta оралиқ вақти орқали ва барча технологик жараёнлар ўтими бўйича эмас) ўтказилади, натижада олинаётган барча маълумотлар технологик жараёнларнинг бир маромда ишлашининг бузилишини ва назорат қилинаётган ўтимларда хомаки маҳсулотлар сифатининг ёмонлашишини етарли даражада акс эттирасин. Бу ҳолда хом ашёнинг сифат кўрсаткичи ва тайёр маҳсулот тузилиши стандартга мос келмаса ёки паст навли бўлса, кенгайтирилган назорат режасига ўтилади ва маҳсулот сифатининг бузилиш сабаблари аниқланади, ҳамда яхшиланиш томонга ўтилади.

### Таянч иборалар

Қабул қилишдаги назорат, технологик жараён назорати, жараёнли назорат, кириш назорати, узлуксиз назорат, танлашдаги статистик назорат, жараёнли (жорий) статистик назорат, специфик, техник назорат бўлими, назорат тизими, меъёрий-техник ҳужжатлар, назоратнинг даврийлиги

### Назорат саволлари

1.Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида техник назорат турларига нималар киради.

2.Техник назорат бўлим мининг асосий вазифалари нималардан иборат.

3.Технологик жараён бўйича назорат режаси қандай амалга оширилади.

4.Назорат ишларини амалга ошириш тартиби қандай олиб борилади.

## 2.4-§. Ҳом ашёни сақланиши ва толани сифатини назорат қилиш

Пахта толаси тұдалар бүйіча қабул қилинади. Сифат тұғрисидегі хужжат билан расмийлаштирилған селекция ва саноат нави, типи, синфи бир хил бұлған пахта тойлари туркумига тұда деб аталади.

Пахта толасининг сифатини текшириш учун тұдадаги ҳар 10 тойдан битта той олинади. тұда 5 тадан 40 тойгача бұлса, синаш учун 5 той олинади.

Агар тұда миқдори кам бұлса, ҳар бир тойдан намуна олинади. Ҳар бир тойдан олинған намуна нұқтадан олинған намуна деб аталади, массаси 100-150 г бұлади. Нұқтадан олинған намуналар бир жойга йиғилса, бирлаштирилған намуна деб аталади, унинг массаси 1,0 кг дан кам бұлмаслиги керак. Тола сифатини аниқлаш учун бирлаштирилған намунадан олинған намуна синаш намунаси деб аталади, унинг массаси 5,0 г дан 50 г гача бұлади. Республикализ сифат марказы тамонидан 2001-йилдан бошлаб Үзбекистонда тайёрланаёттан пахта толалари сифат күрсаткичларини тұлиқ назоратдан үтказиш мақсадида пахта тойларини штрих кодлаш тартиби жорий қилинган. Бунда: вилоят коди, завод коди, пахта тойининг тартиб номери күрсатилған бұлади. Пахта тойининг тартиб номери 3- йилда янгидан тақрорланади. Пахта заводларидан пахта тойлари тола терминалларига көлтириләди ва үша ердан истеъмол-чиларга жұнатылади.

Фабрикага көлтирилған тойларнинг үлчамлари 735x980x620 мм, массаси 200-220 кг бұлади. Ҳозирги замонавий фабрикаларда ёпік омборларда пахта захиралари сақланади. Омборларда пахталар маркалари бүйіча жойлаштириләди ва ҳар бир штабель оралиғида маълум жой қолдириләди. Бу оралик тола ҳолатини текшириб

туриш ва керакли марқадаги толани олиш учун керак булади. Пахта омборлари қуруқ яхши шамоллатилган бұлиши керак. Акс ҳолда тола тез ёниб ёки чириб кетиши мүмкін. Пахта омборларида ёнғинга қарши техника ҳавфсизлигига жуда катта әзтибор берилади.

Вагонлардан пахталарни тушириш, уларни жойлаштириш ва фабрикаларга ташиш механизациялашган бұлиши керак.

Тұда-бир вақтда терилган, бир пахта заводида тозаланған, бир хил селекция навига айтилади.

Марка-бир вагонга жойлаштирилған, бир хил ва бир вақтда бир далада әкілған ғұзадан терилған селекциядаги пахта толаларига айтилади.

Корхонага келиб тушаёттан хом ашё тозалигини дастлаб органолептик равища әталон намуналарини құллаш орқали назорат этилади. Органолептик бағолаш натижалари паспорт маълумотларига тұғри келмаса, хом ашё тұдасидаги нұқсонлар миқдори стандарт синов усуллари орқали аниқланади. Танланма учун аниқланған натижаларни бутутнан тұдага құллаш учун кириш назоратининг умумий тартиб-қоидаларидан фойдаланилади.

Йигириш корхонасида толанинг сифатини аниқлашда жуда күплаб замонавий асбоб-ускуналар ишлатилади.

Пахта толасининг пишиб етилғанлиги O'zDst 618-2014 стандарты бүйича, пахта толасининг солишиштірма узилиш кучи O'zDst 619-2014 стандарты бүйича, пахта толасининг мустақкамлиги ДШ-ЗМ типидаги динамометр асбобида, пахта толасининг чизиқий зичлигі ва микронейр құрсаткичи O'zDst 620-2014 стандарты бүйича, пахта толасининг таркибидаги нұқсон ва чиқындилар миқдори O'zDst 632-2015 стандарты бүйича, пахта толасининг узунлиги O'zDst 633-2014 стандарты бүйича аниқланади.

Пахта толасининг ингичкалиги F019A асбобида аниқланади. Бу асбобда электронли вакуумли насос ва намунани жойлаштириш учун камера ўрнатилган. Массаси 14,4 кг, эни 200 мм, баландлиги 590 мм. ISO 2403, BS 3181 ва ASTM D1448 стандартлари бўйича синов ишлари олиб борилади.



2.10-Расм.МТ-580



2.11-Расм.HVI 1000

Толанинг мустаҳкамлиги F215 асбоби ёрдамида аниқланади. Бу асбоб табиий толаларнинг чўзилувчанилиги ҳисобига мустаҳкамлигини аниқлади. Асбоб ўзига бир жуфт қисқич, айланувчи мослама, гайкали ключ, кескич, тароқ ва қисқични олади. Массаси 3,2 кг, эни 330 мм, баландлиги 125 мм. ISO 3060, BS 5116, ASTM D1445 ва ASTM 2524 стандартлари бўйича синов ишлари олиб борилади.

Толанинг йўғонлиги МТ-580 автоматлаштирилган тизим ёрдамида аниқланади. Микропроцессорли МТ-580 асбоби микроскоп остида объектнинг геометрик ўлчамларини аниқлаш учун қўлланилади. Бу асбоб икки вариантда, яъни микроскоп билан ёки микроскопсиз ишлаши мумкин.

Бу асбобнинг афзаллиги шундаки, бажариладиган барча жараёнлар автоматлаштирилганлигиdir. Ундан ташқари, олинган натижаларнинг ўртачаси, дисперсияси, квадратик нотекислиги, ишончли оралигини автоматик равишда ҳисблайди ва ҳар бир кўрсаткичнинг гистограммасини

қуради. Бу асбоб 1350 мартагача катталаштириб күрсатади.  $220\pm22$  В күчланишда ишлайди, массаси 4,7 кг (2.10-Расм).

Пахта толаси узунлиги фотоэлектрик UF-730 асбобида аниқланади. Топиш керак. Бу асбоб пахта толаси узунлиги ва фотоэлектрикли услугуб ёрдамида бирхиллик коэффициентини аниқлади. Асбоб пахта толаси узунлигининг тасодифий ўлчамларининг тақсимланиши ва тутам кўндалангидаги толалар сонидан ўтадиган ёргулик интенсивлиги принципига асосланган.

Пахта толаси узунлиги ISO 4913 стандарти бўйича аниқланади.

Асбобда тола узунлигини аниқлаш чегараси 18-42 мм, аниқлиги  $\pm 0,5$  мм, бир хилликни аниқлаш аниқлиги  $\pm 1,5$  %, намуна массаси 10-50 мг, ўлчамлари 500x240x180 мм, массаси 5 кг.

UF-175 асбоби пахта толасининг ингичкалиги ва микронейр кўрсаткичини аниқлади (2.12-расм).

Пахта толасининг ингичкалиги ва микронейр кўрсаткичи ISO2403, BS3181, ASTM D1448 стандартлари бўйича аниқланади. Бу асбобда овозсиз ҳаво насоси, қийматларни кўрсатишида ва масштабни тўғрилашда индикатор, олинган синов натижаларини осонгина қайта ишлайди, юқори аниқликка эга.

Асбобда микронейр кўрсаткичи 2,5-6,5 гача, микронейрни аниқлашдаги хатолиги 0,1, ўлчамлари 360x300x300 мм.



2.12-Расм.UF-175



2.13-Расм.UM-250E



**2.14-Расм.UM-281С асбоби.**



**2.15-Расм.Nati асбоби.**



**2.16-расм.UM-Lab3 асбоби толаларнинг чўзилишдаги мустаҳкамлигини аниқлаш.**

UM-Lab3 асбоби толаларнинг чўзилишдаги мустаҳкамлигини аниқлаш асбоби. Бу асбоб нофақат толаларнинг балки, газламаларнинг мустаҳкамлиги ва сиқилишини аниқлайди. Ундан ташқари, бу асбоб 100 кг (1000Н) гача турли толаларнинг мустаҳкамлигини аниқлайди. Олинган синов натижаларини компьютер ёрдамида автоматик равишда қайта ишлашга асосланган (2.16-расм). UM-250E асбоби толаларни видеотаҳлил қилиш тизимига эга.

Бу асбоб толаларнинг тузилиши, нуқсонлари ва диаметрини тез ва аниқ тадқиқ этишга асосланган. Бу асбобда Microlab "Advanced", юқори катталиқдаги 4 объективли видеотизим, видеокамера, тасвирни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш учун Mesdan Video Analyser жойлаштирилган (2.13-Расм).

UM-331А асбоби танҳо толанинг мустаҳкамлигини аниқлашга асосланган. ISO 5079, BS 3411 стандартига биноан аниқланади. Асбобнинг афзаллиги шундаки, намунани ўзи ушлайди, дастур билан таъминланган.

URT асбоби пахта толаси сифатини комплекс баҳолайди. Бу асбоб ката ҳажмдаги пахта толасининг муҳим

күрсаткичларини аниқлашга мүлжалланган. Ундан ташқари, янги услугб ёрдамида оператор күмагисиз намуналарни үзи тайёрлайди. Шу билан бир қаторда, бу асбоб бир вақтнинг үзида 2 намунанинг узунлиги ва мустаҳкамлигини аниқладиди.

### Ўлчаш натижалари:

Микронейр күрсаткичи-пахта толаси намунасининг ҳаво ўтказувчанлигига қараб толанинг ингичкалиги ва пишиб етилганлигини таърифлаш.

Ранг характеристикаларига нур қайтариш коэффициенти, рангли шкала, ифлос аралашмалар күрсаткичи, ифлос аралашмалар юзаси, юқори ўртача узунлик, ўртача узунлик, узунлик бўйича текислик индекси, калта толалар индекси, солиштирма узилиш кучи, узилишдаги узайиш, сарғишилик даражаси, ифлос аралашмалар миқдори киради.

Намлик характеристикаларига бирхилдаги намлик, намликтинг массали нисбати киради.

Пишганлик коэффициенти характеристикасига пишганлик коэффициенти киради. UM-199B асбоби намунасининг микронейр күрсаткичини аниқладиди. Бу асбобда толанинг микронейр күрсаткичи ва пишиб етилганлигини аниқлаш учун 8 грамм намуна олинади. Ҳисоб шкаласида микронейр күрсаткичи 2,5 дан 7 гача. Ҳавони қайта ишлаш учун мини-насос қўйилган. Калибротка қилиш учун механик мослама жойлаштирилган.



2.17-расм.UM-1722 асбоби.


UM-1722 (Италияда ишлаб чиқарилган) асбоб ҳарорат ва намликтин назорат қиласидаган асбобидир. Асбобда иккита камера қўйилган бўлиб, сув автоматик равишда резурварга узатилади (2.17-расм).

## Техник тавсифи

1.8-жадвал

|                       |  |
|-----------------------|--|
| Харорат оралиғи       | 37° С да +5°С дан +80°С гача, аниқлиги ± 0,5°C |
| Нисбий намлиқ оралиғи | 15% Rh дан 90% Rh гача, аниқлиги ±3%           |
| Электрмослама         | 220 В, 50 Гц, бирфазали-2100 Ватт              |
| Ички үлчамлари        | 600 x 520 x 800 мм                             |
| Ташқы үлчамлари       | 930 x 720 x 1460 мм                            |
| Массаси               | 130 кг   |

Nati асбоби тугунлар ва нұқсонларни аниқлашга асосланған. 1 мм даги тугунлар 0,50мм; 0,70мм; ифлосликлар учун эса 0,25 мм; 0,50 мм. Бу асбоб тез ва юқори ишончлилиқда ишлайди. Бу асбоб 6 м гача бўлган тугунлар ва ифлосликларни автоматик равища аниқлашга асосланған.



2.18-расм.UM-330А асбоби турли ассортиментдаги толаларнинг узунлигини автоматик равища аниқлади

UM-330A асбоби турли ассортиментдаги толаларнинг узунлигини автоматик равища аниқлади (2.18-расм).

Синов ишларини олиб боришдан олдин намуналарни құшимча равища тайёрлаш шарт әмас. Шу билан бир қаторда асбоб юқори аниқлиқда ишлашга кафолат беради. Бу асбобга пахтани тараидиган B174N мослама, полиэстерни тараш учун S43 мослама, DP 42E принтер ива чигитли пахта учун селектор жойлаштирилган.

UM-281C ифлос чиқындилар микдорини аниқлаш анализаторидир. Олинадиган намунанинг массаси 100 г. Үндан ташқари, асбоб толали бўлмаган материаллар таркибини аниқлади.

F218A асбоби намунадаги толанинг узунлигини аниқлайди. F218A асбоби жун ва синтетик толаларнинг узунлигини аниқлашга асосланган. Асбобнинг массаси 18 кг, баландлиги 100 мм бўлиб, ISO 2646, BS5182 ва IWTO 16-67 стандартлари бўйича амалга оширилади.

F012 Single fibre strength tester танҳо толанинг мустаҳкамлигини аниқлайди. Tinius Olsen H1KT маҳсус версияси танҳо толанинг мустаҳкамлигини аниқлайди.

Асбобда пневматик қисқичлар мавжуд бўлиб, уларнинг тезлиги 0,1 дан 100 мм/мин гача. Массаси 25 кг, эни 360 мм, баландлиги 820 мм. Синов ишлари ISO 5079, BS 3411 ва BISFA стандартлари бўйича амалга оширилади.

#### Таянч иборалар:

Холстдаги нуқсонлар миқдори, тароқли пилтадаги нуқсонлар миқдори, тутунаклар, тарам сифатини назорат қилиш, аппарат иплари, тароқли ва тараалаган пилта.

#### Назорат саволлари:

- 1.Ипдаги нуқсонлар миқдорини аниқлаш.
- 2.Тароқли пилтанинг нуқсонлар миқдорини назорат қилиш.
- 3.Кардотараш ва тароқли тараш машиналаридаги тарам сифатини назорат қилиш.

### 2.5-§.Титиш саваш бўлимида технологик жараённи назорат қилиш

Титиш-саваш агрегатининг қандай ишлаётганинги баҳолаш учун қуийдаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- чиқиндиilarни ажralishi;
- чиқиндиilarни ажralish сифат кўрсаткичи;
- тозалаш самарадорлиги;
- титилганлик даражаси.

Титилганлик даражасини қуийдаги З усулдан бири ёрдамида аниқлаш мумкин:

1. Пахтани ҳажмий оғирлигини аниқлаш бўйича.

2. Пахта бўлагининг ўртача оғирлиги бўйича.
3. Аэродинамик усул (маълум баландликдан пахта бўлагининг эркин тушиш вақти бўйича).

Йигириш режасининг биринчи босқичида тойланган толалардан титиш, тозалаш ва аралаштириш жараёнлари натижасида тараш машиналари учун бир текис қатлам шаклидаги маҳсулот тайёрланади. Бу вазифа бир технологик тизимга туташтирилган машиналар туркуми-титиш-тозалаш агрегати (TTA) да амалга оширилади.

Толали маҳсулотларни майда бўлакчаларга ажратища қуйидаги титиш усуллари ишлатилади: чимдиб титиш, тақорий зарбий кучлар таъсирида титиш, кучли ҳаво оқими таъсирида титиш, комбинацияланган воситалар таъсирида титиш.

TTАларининг таркиби ишлатилаётган толанинг ифлослик даражасига, тола узунлигига, йигирилаётган ип ассортиментига қараб танланади.

Дунё мамлакатларининг түқимачилик корхоналарида ишлатилаётган TTA классификацияси хилма-хил бўлиб, уларни умумлаштирган ҳолда универсал титиб тозалаш агрегати (УТТА) деб аташ мумкин.

Толали аралашмаларни тозалашда механик, аэродинамик ва электростатикопневмомеханик усуллар самарали ишлатилмоқда.

**Механик тозалаш усулида** эркин ва қисилган ҳолатда ҳаракатланаётган титилган толалар ишчи органларнинг зарбий таъсирида янада майдароқ бўлакчаларга ажратилиб тозаланади.

**Аэродинамик тозалаш усулида** толаларнинг ҳаво оқими йўналишидаги ҳаракат траекториясини кескин ўзгартириш орқали улар таркибидаги нуқсонларнинг инерция кучлари таъсирида ажралиши амалга оширилади.

**Электростатикпневмомеханик тозалаш усулида** ҳаракатдаги тола бұлакчалари күндаланг кесимларида электр зарядларининг таъсири натижасида нұқсонларнинг ажралиши содир бўлади.

### Аralashтириш усуллари

Йигиришда толаларни тасодифий ва уюшган аралаштириш усуллари ишлатилади.

**Тасодифий усулда** аралаштирилаётган компоненилар бұлакчалари аралашманинг турил участкаларида тартибсиз ва тасодифий ҳолатда тақсимланган бўлади.

**Уюшган усулда** аралаштириш натижасида ҳосил бўлган қатлам күндаланг кесимидағи толалар сони алоҳида компонентлар күндаланг кесимидағи толалар сонининг йигиндисига teng бўлади.

УТТАда қуидаги жараёнлар кетма-кет амалга оширилади: дағал тозалаш, аралаштириш, асосий тозалаш ва охиста тозалаш. Ушбу агрегаттада тозалаш жараёни уч босқичда амалга оширилиши натижасида толали маҳсулотнинг шикастланиши ва узун толаларнинг нұқсонларга ажралиб кетиши сезиларли даражада камайтирилган.

Агрегатнинг таркиби, гарнитура турлари ишчи органлари сони толали маҳсулотнинг ифлосланганлик даражасига, турига ва йигирилаётган ип ассортиментига қараб ўзгарилиши мумкин. Агрегат машиналари пневмотрубалар ёрдамида ўзаро туташтирилган. Пневмотрубалар асосий ва ёрдамчи ҳолатда ўрнатилган бўлиб, тизимдаги айрим машинани технологик жараён оқимидан чиқаруб қўйиш имконини беради.

Асосий тозалашдан сўнг охиста тозалашда аэродинамик тозалагичлар ишлатилиши толаларнинг нафақат шикастланиши, балки чигалланишини ҳам камайтиради.

УТТА машиналарининг параметрлари компьютер ёрдамида бошқарилади ва шайланади. Агрегат одатда чиқиндиларни ажратиб оловчи ва чангизлантирувчи система билан биргаликда ишлатилади.

Пахта толаси йигириш корхоналарига массаси 200-250 кг тойларда келтирилади (узоқ ҳорижда той массаси 300 кг қилиб тойланади). Ип йигиришда технологик жараёнлар титищдан бошланади.

Титиш усулларининг иккаласи ҳам зарбий, ҳам чимдиш бир-биридан ажралмаган ҳолда аксарият кўп машиналарда қўлланилади. Шунинг учун зарбий титища пичноқли, қозиқли ва шунга ухшаш органлар билан сирти қопланган барабанли титгичлар, чимдиг титища эса сирти игна, арра тишлар билан қопланган айланувчан ёки текис илгариланма ҳаракат қиласиган органли машиналар қўлланилади. Улар игна сиртли машиналар дейилиб, титиш дастлаб қулда, сунгра камера ичидағи игнали панжаралар ёрдамида бажарилади. Автотитгичларда титувчи органлар юқоридатидек пичноқлар, шаклдор тишлар билан қопланганлари қўлланилиб, улар ёрдамида тойдан пахта булаклари ажратиб олинади. Оддий таъминлагичлар эса одатда турт ёки бештадан «батарея» га гурухланиб, титин-тозалаш агрегати (ТТА) таркибиға киритилади ва уни ТТА оператори бошқаради.

Ҳозирги пайтда йигириш корхоналарида турил автотаъминлагичлар - автотитгичлар кенг жорий қилинган. Улар пахта булакларини ажратиб олиш хусусиятига кура бир-биридан фарқ қиласи (той устидан, пастидан, ёпидан). Пахтани қозиқли, пичноқли барабан воситасида ёки тишли диск ёрдамида, шунингдек, игна сиртли қурилма ёрдамида титиб ажратиб олинади. Автотитгичлар тола тозалаш қурилмали ёки қурилмаси булиши мумкин. Автотитгичлар олдига қўйилган ставқадаги тойлар камида 36 та, кўп билан

эса 180 тагача булини мумкин. Ҳорижий фирмаларнинг технологик линияларида турли тузилишга эга бўлган титиш ускуналари жойлаштирилади.

Автотиткичлар той пахтага ишлов беришдаги ҳаракатига қараб фарқланади:

-тўғри чизик бўйича илгарилама-қайтма ҳаракат қилувчи (Unifloc типида);

-тўғри ва қия чизик бўйича илгарилама-қайтма ҳаракат қилувчи (Blendomat типида);

-айлана бўйлаб «карусель» тарзида ҳаракат қилувчи.

Автотиткичларнинг тузилиши ўхшаш бўлиб, компьютер тизимида бошқарини дастурлари билан жиҳозланган. Шунинг учун улар бир-бирини ўрнига лойиҳаларда қабул қилиниши мумкин.

Иигириш корхоналарида асосан зарбий тозалаш, чимдиб тозалаш ва аэродинамик тозалаш усулларида ишловчи тозалагичлар қўлланилмоқда.

Зарбий тозалаш турли пичноқлар ва қозиқлар билан қопланган бир барабанли, икки барабанли ва олти ҳатто етти барабанли тозалагичларда амалга оширилади. Зарбий тозалаш машиналари ишчи органлари пичноқли бўлса, пичноқлар дискларга маҳкамланиб, унинг профили тўғри тўртбурчакли, ҳамда шаклдор бир тамонлама, икки тамонлама бўлиши мумкин. Бу ишчи органларни пичноқли барабан деб аталиб, горизонтал титгич, қия тозалагичнинг биринчи барабанида қўлланилади.

Тозалашда ажralадиган ифлосликлар миқдори тозалаш самарадорлиги меъёри билан баҳоланиб, унга асосан барабан тезлиги, пичноқлар билан барабан ва колосниклар орасидаги разводка катталиги таъсир курсатади.

Бир барабанли, икки барабанли тозалагичлар (ўқли тозалагичлар) RIETER фирмасининг ускуналар тизимида кенг қўлланилади.


TRUTCSHLER фирмаси тизимида CL-P (2.20-расм) универсал икки барабани қозиқли тозалагич құлланилмоқда. Шунингдек, TRUTCSHLER фирмасининг CLEANOMAT русумли тозалагичларида игнали ва арратишли органлар бирга құлланилған булиб, тозалаш тизими ихчам ва қисқалиги билан ажралиб туради (2.19-расм). TRUTCSHLER фирмаси түрли холатлар учун түрт ҳил тозалаш тизимини тавсия этади. Уларнинг умумийлиги шундаки, "Blendomat" тойтитгичидан сұнг дастлабки тозалагич MAKSI-FLO MFS сұнгра бегона жисмлар тозалагичи CEKUROMAT ундан кейингина CXL русумли тозалагич ишлатилади. Бу машина нафис тозаловчи машина булиб, Cleanomat турига мансубдир. Бу тизим калта ва урта толали пахта учун құлланилади. Узун ва ингичка толали пахта учун CVT-4 русумли Cleanomat тозалагичи ишлатилади. Урта ва узун толали пахта учун ва нисбатан ингичка ип учун CVT-3 ва ундан кейин CVT-4 тозалагичларини құллаш тавсия этилади. Пахта толалари ва кимёвий толалар учун эса CVT-4 тозалагичи құлланилмоқда.

Аэродинамик тозалагичлар бункерли ва қувурли күренишінде булиб, RIETER фирмасининг B70 русумидаги, TRUTCSHLER фирмасининг Dustex DX русумидаги тозалагичлари шулар жумласидандыр.

TRUTCSHLER фирмаси ҳаво йұналишини үзгартыришга асосланған аэродинамик тозалагичлар таклиф этган. Улар CEKUROMAT, CEPORAMAT, LT, LTB, ASTA ва улардан тузилған күп функциялы MFS русумилари дидир.

Түрли фирмалар титиш, тозалаш, аралаштириш усқуналари тараш машинаси билан агрегатланған булиб, уларнинг кетма-кетлеги йигирилдиган ишнинг чизиқий зичлиги ва хом ашё турига боғлиқдир. Шунингдек, титиш, тозалаш, тараш машиналари пилталаш машиналари билан туташтириб агрегатланмоқда. Тарам қалинлигини пилталаш машинасининг таъминлаш маңсулоти қалинлигига мослаштириш мақсадида RIETER фирмаси шляпкалы тараш машиналарининг энини бир ярим марта катталаштырды. Тараш машинасидан унумли фойдаланиш мақсадида үқув қулаима

таъминлаш зонаси, шляпка полотноси, пилта шакллантирувчи зоналар яхлит қилинганилиги туфайли таъмирлашда яхлитлигича ечилиб, бопшаси унинг ўрига қўйилиб ишлатаверилади. Шундай қилиб, ускуналар режали таъмирлашга тўхтатилмайди. Демак, агрегатдан унумли фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилган.



2.19-расм.CLEANOMAT русумли тозалагичлар



2.20-расм.CL-P универсал икки барабанли қозиқли тозалагич.

Титиш-тозалаш ва аралашибдириш агрегатининг қандай ишлабтаганини баҳолаш учун куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: чиқиндиларнинг ажралиши, ажралган чиқиндиларнинг сифат кўрсаткичлари, тозалаш самараси ва титилганлик даражаси.

Чиқиндилар ва қайтимларни (обраты) йигиши ва уларни саралаш ишлари ишчилар томонидан амалга оширилади. Бу иш ГОСТ 515-60 стандарти талабларига жавоб бериши керак. Агарда чиқинди ва қайтимлар стандартлари аралаштирилиб юборилган бўлса, яна қайтадан ажратилади. Чиқиндиларни

стандартларга түгри ажратиш учун қуйидагиларга аҳамият бериш керак:

-титиш-саваш цехида пахта бұлаклари ва холст қийқимлари ифлосланмаслигига, шунингдек тугунақлар билан момиқлар аралашыб кетмаслигига;

-тараш цехида қабул қилинган барабандан ажralған момиқли тугунақларни бош ва ажратиш барабанидан ажralған момиққа аралашыши, шунингдек барабан ва шляпкалар тарапдиларини аралашыб кетишига йўл қўймаслик керак.

Чиқинди бўлим мининг ходимлари чиқиндини эталонга солишириб қабул қилишлари керак. Бу вазифа тўғри бажарилаетганини текшириш смена чиқинди қабул қилувчисига юклатилади. Чиқиндининг сифати техник назорат бўлими мастери ва цех бошлиғи томонидан назорат қилиб борилади. Чиқиндилар жойланган вақтда ишчилар ҳар бир жойдан намуна олиб қолиши ва эталон билан солиширишлари керак бўлади. Ҳар бир той чиқиндида техник назорат бўлими белгиси бўлиши керак.

### **Пахта толасининг ҳажмий массаси бўйича титилганлик даражасини аниқлаш**

Титилганлик даражаси ҳажмий оғирлик бўйича аниқлаш учун бочкадан фойдаланилади.

Пахта толасини титиши ва механик тозалашнинг ҳар бир утимида тола бўлаги янада майдароқ тутамчаларга бўлинганилиги туфайли ифлос сирт юзаси очилиб, бегона жисмни чиқариш имкони янгидан ҳар сафар яратилади. Автотойтиткичда бўлакча 70 мг ни ташкил этса, қозиқли барабан (CL-P)да 8мг, игнали барабан (CLEANOMAT CL-C4 нинг биринчи валиги)дан кейин 1мг ни ташкил этади. Ҳудди шу тозалагичнинг иккинчи валигида 0,7мг, учинчи валигида 0,5мг, туртинчи валигида катта тезлиқда айланганлиги учун

толалар яхши тозаланиб, бұлакча массаси беш марта камайиб 0,1мг булиб қолади. Бұлакчалар майдаланиши (ажралиши) тараш машинасида давом этиб, бұлакча массаси қабул барабани зонасининг биринчи барабанида 0,05мгни, иккинчи барабанида 0,01 мгни ва ниҳоят учинчи барабанида 0,005мг ни ташкил этиб, амалда толалар тутамлари алоҳида толаларга ажратилиб, толавий бұлакчалар айрим толаларга ажралади. Уларнинг массаси 0,001мгдан ошмайды ва титиш жараёни ниҳоясига етади, лекин тозалаш жараёни давом этади. Демак, тозалаш учун толавий бұлакчаны майдароқларига, пираворд натижада якка толаларга ажратиш зарурый технологик чоралигича қолмоқда.

Бочка титилган пахта толаси билан тұлдирилади. Устига тешикчали қоңқоқ ёпилади. Унинг бешта ҳар хил жойига 100г ли тошлар шундай құйиладики, 1м<sup>3</sup> толага 100Н күч түфри келсин.

Пахта толаси зичланғач, унинг хажми ва хажмий массаси аниқланади.

Бочканинг хажми аниқланади:

$$V = \pi R^2 H$$

Бұш бочка дастлаб торозида тортилиб, унинг массаси аниқланади. Бочкага титилган пахта толаси солингач, унинг хажмий массаси аниқланади.

Мисол: H=35 см, D=40 см булса,

$$V = \pi R^2 H = 3,14 \cdot 35 = 43960 \text{ см}^3$$

Бұш бочка массаси - 2,135 кг

Пахта толаси солинган бочка массаси – 2,465 кг.

Бочкадаги пахта толаси массаси 2,465-2,635=0,330 кг

Бочка бұш қисмининг баландлиги 16 см бўлса, ҳажми

$$3,14 \cdot 20^2 \cdot H_1 = 1256 \cdot 16 = 20096 \text{ см}^3 \text{ га тенг бўлади.}$$

Бочканинг пахта бұлакчалари билан тұлган қисмининг ҳажми

$$43960 - 20096 = 23864 \text{ см}^3$$

Пахта толасининг ҳажмий массаси

$$\frac{330}{23864} = 0,014 \text{ г/м}^3 \text{ ёки } 14 \text{ кг /м}^3 \text{ га тенглиги аниқланади.}$$

### ТТА да ажраладиган чиқиндилаар миқдорини ва сифатини текшириш

Йигириш саноати ускуналаридан ажраладиган чиқиндилаар миқдори пахта сараланмасига (Лотта) боғлик бўлиб, ҳар бир корхона учун алоҳида-алоҳида белгиланади ва бош мухандис томонидан тасдиқланади. Чиқиндилаар миқдори цех ходимлари ва лаборатория ишчилари ёрдамида текширилади.

Титиш-саваш цехи бошлиғи мастер билан биргаликда ҳар хафтада ускуналардан ажралаётган чиқиндилаарни текширади. Бунда ишчи машинанинг чиқиндилаар бўлимидан олаётган хас-чўпларни оддий кўриш усули билан текшириб кўради.

Цех устаси эса, ҳар ойда бир марта ажралиб чиқаётган чиқиндилаарнинг таркибидағи момик, пахта бўлаклари, йигиришга ярайдиган тола бор-йўқлигини аниқлайди. Чиқиндилаарнинг рангига ҳам эътибор берилади. Бу усулдаги текширишда, агар уларда бир хил сараланма (Лот) ишлатилаётган бўлса, айниқса, турдош ускуналардан чиқаётган чиқиндилаарга аҳамият берилади.,

Ишлатилаётган пахта толасига нисбатан % ҳисобидаги ажралаётган чиқиндилаар миқдори капитал ремонтдан сунг ва янги сараланма ишга киритилган тақдирда текширилади.

Агарда чиқиндини миқдорини аниқлаш керак бўлса, (сифат кўрсаткичларига аҳамият берилмаган ҳолда) машинани 4 соат ишлатиб аниқланади. Бунда машинага киритилаётган компонентлар миқдори тўғрилигига эътибор бериш керак. Бунинг учун машинадаги чиқиндилаар тозаланиб, ажралмас чиқиндини олиш осон бўлиши учун ўкув қўланмана

чиқиндилар бұлмасига қалин қоғоз солинади, сунгра машинани ишга туширамиз. 4 соат үтгач (тушлик танаффус вақтида) чиқиндилар олиниб, 0,5% аниқликда тортилади. Чиқиндилар миқдорини аниқлаётганда ишлаб чиқарилған ҳамма холстларни (брәклари ҳам) миқдори ҳисобға олинади.

Текширилаётган агрегатдаги ҳамма машиналардан ажралаётган чиқиндилар ва холстлар массасини құшиб, 100% деб оламиз, ёки ишлаб чиқаришга киритилған пахта толасининг умумий миқдори деб оламиз.

Чиқинди ажратиш миқдори ҳар бир машинадаги чиқиндилар миқдорини ишлаб чиқаришига киритилған пахта толаси миқдорига булиб, 100 га күпайтирсак, шу машинанинг чиқинди ажратиш миқдори аниқланған бўлади.

$$B = \frac{y}{x} (100)$$

бу ерда  $X$ -ишлаб чиқаришга киритилған пахта толасининг миқдори;  $Y$ -маълум бир машинанинг ажратган чиқиндиси миқдори.

Мисол. 20 та холст 320 кг, чиқинди 6,4 кг,  $B=2\%$ .

Титиш-саваш агрегатининг қандай ишләётганлигини баҳолаш учун қуйидаги күрсаткичлардан фойдаланилади:

- чиқиндиларни ажралиши;
- чиқиндиларни ажралиш сифат күрсаткичи;
- тозалаш самарадорлиги;
- титилганлик даражаси.

Титилганлик даражасини қуйидаги З усулдан бири ёрдамида аниқлаш мумкин:

1. Пахтани ҳажмий оғирлигини аниқлаш бўйича.
2. Пахта бўлагининг ўртача оғирлиги бўйича.
3. Аэродинамик усул (маълум баландликдан пахта бўлагининг эркин тушиш вақти бўйича).

## Таянч иборалар:

Электростатикопневмомеханик тозалаш усули, аэродинамик, механик тозалаш усули, уюшган ва тасодифий тозалаш усули, чиқиндиларни ажралиш сифат күрсаткичи.

## Назорат саволлари:

1. Титиши-саваш агрегатининг қандай ишлаётганлигини баҳолаш учун қайси күрсаткичлардан фойдаланилади.
2. Толали аралашмаларни тозалаш усуллари нималардан иборат.
3. Пахта толасининг ҳажмий массаси бўйича титилганлик даражасини аниқлаш.
4. ТТА да ажralадиган чиқиндилар миқдорини ва сифатини текшириш.

## 2.6-§.Холстни чизиқий зичлиги ва нотекислигини аниқлаш

Холстни ўраётганда қуйидаги нуқсонлар учраши мумкин:

1) буш ва унча зич бўлмаган холстлар (тормоз яхши ишламаса, яъни тормоз шкиви ва колодкаси орасида ишқаланиш коэффициенти унча етарли бўлмаса, роликлар билан скала орасида ишқаланиш коэффициенти кичик бўлса ҳосил бўлади);

2) ўрта қисми зич бўлмаган холстлар (тули барабанга пахтани йўналтирувчи қувурнинг яхши герметик эмаслиги, устки ва остки турли барабанларга бир хил миқдорда ҳаво тақсимланмаслигидан келиб чиқади);

3) конуссимон холстлар (агар тишли рейкалар бир хил баландликда ўрнатилган бўлмаса ва скаланинг икки учига рейкалар бир хил куч билан таъсир қилмаса келиб чиқади);

4) икки томони титилган-нотұғри үралған холстлар (холстни тарозида тортиб бұлғандан кейин уни полга секин қүйиш үрнига ташлаб юборылса, холст үралаёттанды уни икки томонидан сиқиб турадиган деталлар қийшиқ үрнатылған бұлса, олинаёттанды холстнинг эни ва холст үралаёттанды складанинг узунлиги машина энига тұғри келмаса ҳосил бўлади);

5) икки чети нотекис холстлар (холст үраш асбобидағи деталларнинг қийшиқ үрнатилиши, түрли барабанларнинг ҳалқалари-гардишларига ёпиширилған чармнинг ейилиб кетиши сабаб бўлади);

6) эни бўйлаб букилған жойлари бор холстлар (яси қисувчи ва уровчи валлар үртасидаги пахта қатлами таранг тортилмаган бўлса, яси қисувчи валларнинг оғирлиги етарли бўлмаса пахтанинг намлиги меъёрдан ошиқ бўлса келиб чиқади);

7) ифлос ва мойланған холстлар (пахта яхши тозаланмаган, машинанинг мойланған жойларидан мой оқиб кетган, ишчи мойли қули билан холстни ушлаган ва холстни ифлос полга қўйган ва ҳокоза).

Пахта толаси тұғри танланса, сараланма қилинса машиналарнинг ҳолати яхши бўлса, пахта яхши титилиб-савалади, ундан сифатли холст олинади, юқорида айттылған нуқсонлар минимал бўлади. Шу билан бирга цехларда ҳарорат ва намлик меъёрида булиши керак.

Холстнинг ички ва чизиқли арифметик нотекислиги (фоизда) қуйидаги Зоммер формуласи ёрдамида аниқланади:

$$H = \frac{2n_1(M - \bar{M}) \cdot 100}{n \cdot \bar{M}} \quad (2)$$

бу ерда:  $\bar{M}$ -1 м кесимларнинг уртача массаси, г;  $n$ -кесимларнинг умумий сони;  $\bar{M}_1 - \bar{M}$  дан массаси кам бўлган

бұлакларнинг уртача массаси;  $n_1 - \bar{M}_1$  массага эга бўлган кесимлар сони.

Холстни бошидан охирига қадар ўтказилганда асбобда холст қатламининг орқа томонидан ёритиб турувчи чироқ «Б» ёрдамида холстнинг тузилиши нотекислигини аниқлаш мумкин.

Холст кесимлари узулиги бўйича белгиланган меъёрдаги қийматлари қуйидагичадир: олий навли ип йигириш учун холстнинг арифметик нотекислиги 1 фоиздан, I-нав ип учун 1,2 фоиздан ва II-нав ип ишлаш учун 1,5 фоиздан ошмаслиги керак.

Сараланмани тўғри танланиши ундан тўғри аралашма тузилиши олинаётган холст ёки пахта қатламининг равонлигини таъминлайди, шунинг учун рамзий маънода бу цехни йигирув корхонасининг ошхонаси деб атайдилар. Чунки, ипнинг квадратик нотекислиги  $C_{uv} = 0,8 \cdot C_x$ , яъни ип нотекислигининг 80 фоизи холстнинг ёки пахта қатлами нотекислигига боғлиқ эканлиги формулада аниқ ифодасини топган.

### Таянч иборалар

Доимий назорат, даврий назорат, функционал, маҳаллий, қурама, ставка-бу титиш-саваш агрегатидаги таъминловчи аралаштирувчи машиналари олдига қўйилган пахта тойларидир, чиқиндиларни ажралиши, чиқиндиларни ажралиш сифат кўрсаткичи, тозалаш самарадорлиги, титилганлик даражаси.

### Назорат саволлари

1. Йигириш корхонасида назоратнинг услублари.
2. Махсулотнинг хоссалари ва тузилишининг ўзгариш характеристига боғлиқ бўлган нотекислиги.
3. Титиш-саваш цехида технологик жараённи назорат қилиш.

4. Чиқиндиларни йиғипші ва саралашни назорат қилиш.

5.Холстнинг чизиқий зичлиги ва нотекислигини аниқлаш.

## 2.7-§.Тараш цехидаги техникавий назорат турлари

Йигириш корхонасида одатда ип, қайта тараш ва тараши машиналаридан олинган пилта (ёки тарам-прочес) тозалиги, шунингдек дастлабки хом ашё тозалиги назорат этилади. Маҳсулотлар тозалиги ундаги турли нуқсонларнинг мавжудлигига қараб баҳоланади.

Йигиришдаги мутахассислар кўпинча “Карда тараш йигириш цехининг юраги” деб айтишади, демак карда тарашга эҳтиёткорлик билан ёндашилса, у яхши сифат кўрсаткичларини таъминлайди.

Юқори сифатли натижа олиш учун карда таращда бир хил узунликдаги толалар билан таъминлаш муҳимдир. Дастгоҳлардаги кирувчи (тарашга жўнатилаётган маҳсулот) ва чиқувчи (карда тараалган пилта) материалларни синов ва таҳлиллари асосида цеҳда карда тараш қанчалик тўғри амалга оширилаётганлиги ҳақида баҳо берса бўлади.



2.21-расм.AFIS fiber process control асбоби.

Ҳар ҳафта амалга оширилган AFIS fiber process control тизими ёрдамида синов, непс ва калта толаларнинг назорати кўпгина йигириш цехларида карда тараш жараёнини сезиларли яхшилаб олинган (2.21-расм).

Маълумки, кардали тараалган пилтадаги калта толалар миқдори ҳеч қачон таъминлагичга узатилаётган қисмдаги ҳажмда мавжуд калта толалар миқдоридан ошмаслиги зарур, қуйида келтирилган тасвирдаги каби. Агарда шарт

бажарилмаса, кардалаш жараёни жуда ҳам ёмон равиша кечеётганидан далолат беради. Бунда шляпка ва цилиндр орасидаги масофа жуда яқинлиги ёки ишчи органлар тезликлари ва тезликлар муносабатларини ўзгартириш кераклигидан далолат беради ва шулар туфайли юзага келади.

Карда тарашни ростлашда ушбу содда синовдан фойдаланиши билан непсларнинг камайиши ҳамда тўғридан-тўғри сифатнинг яхшиланишига эришиш мумкин булади. Тажрибалар шуни кўрсатадики бу ҳолат йигириш цехлари томонидан етарлича эътиборга олинмайди. Айрим цехлар карда тарашда непсларнинг миқдорини камайтиришни устивор қилиб танлаб, толаларнинг сезиларли шикастланиши ва узилишларини ҳисобга олмайдилар ва бу эса ўз навбатида калта толалар миқдорининг ортиб кетишига олиб келади.

Агар йигириш корхонасида непслар миқдорини камайтиromoқчи булинса, калта толаларнинг миқдорини ортиши ҳисобига амалга оширилиши керак эмас. Ҳосил бўлган калта толалар кейинчалик қайта тараш ёрдамида бартараф этилиши лозим булади. Бу ўз навбатида ҳаражатларнинг ошишига ва йигириши ҳечининг умумий самарадорлигини пасайишига олиб келади ва ипнинг сифатига салбий таъсир этади. Илғор тажриба шуни кўрсатдики, агресив карда тараш билан эмас балки титиш ва аралаштириш жараёнида непсларнинг ортиб кетмаслиги (масалан +100% дан юқори)ни назорат қилиш курсатади.

Шуни ҳамиша эсда тутиш керакки, калта толалар миқдорининг ортиши йигириш жараёнида қатор муаммолар келишига сабаб булади, булар: юқори даражадаги нотекислик, юқори даражадаги тукдорлик, тарангликда узилишта чидамлиликнинг камайиши, юқори даражадаги тарангликда узилишнинг ўзгарувчанлиги ва йигириш давомида юқори даражадаги узилишлар сони.

## Кардали тараш гарнитуралари

Карда тараш машинасининг барча қисмлари, гарнитуралар билан қопланган бўлиб, ишлаб чиқариш сифатига таъсири каттадир. Шунинг учун кардали тараш гарнитураларини таъмирлаш жуда муҳимдир. Карда тараашда асосий мақсад чиқаётган пилта таркибидаги тутунчалар непсларнинг таъминлагичдаги холстнинг тарки-бидаги калта толалар миқдоридан кам чиқишин таъминлаш. Вақт ўтиши билан, цилиндрдаги таровчи ЦМПЛ тишларининг ҳамда шляпкада гарнитураси тишларининг ўтмаслашиши натижасида самарадорлик пасайиши кузатилади. Самарадорликни максимал юқори даражада ушлаб туриш учун маҳсулотдаги тутунчалар миқдорини ҳар ҳафта текшириб туриш талаб этилади. Текширувлар натижасига асосланиб, цилиндрдаги ёки рейкалардаги таровчи тишларни ўткирлаш ёки ўткирламаслик қарор қилинади.

Таъминлаш бункери таъминлаш бункери непс, ифлосликлар ва калта толалар миқдори, таъминлаш бункерида аралашиш даражаси ва таъминлашнинг ўзгармас миқдори;

Қабул барабани узели- чиқинди ёки ифлослик миқдори, чиқиндида калта ва йигиришга яроқли толалар миқдори, қатлам қалинлиги ва зичлиги, қабул барабанини алмашинуви;

Шляпкалар-ўткирлаш, шляпка тарандиси, шляпкаларнинг тозалиги, шляпкалар тури ва зичлиги, шляпкаларни алмаштириш, шляпкалар тезлиги ва улар орасидаги разводкани ростлаш-6-8-8-11 чиқиндида калта ва йигиришга яроқли толалар миқдори, қатлам қалинлиги ва зичлиги, қабул барабанини алмашинуви;

Бош ва ажратувчи барабан-чархлаш, гарнитуранинг тури, гарнитура тишларининг  $1\text{cm}^2$  зичлиги, қопламани

алмаштириш, бош барабан тезлиги ва разводкани ростлаш, ажратувчи барабан тезлиги ва разводкани ростлаш;

Пилта сифати-непслар ифлосликлар ва калта толалар миқдори, холстдан ажратиш самарадорлигини ҳисоблаш, пилтанинг бошқа параметрлари;

Плита солинган идиш ҳажми-тоз туби пружинасидаги юклама, кардалашдаги тозларни рақамлар ёки ранглар билан белгилаш, тарамни непслар даражасига қараб гурухлаш, атрофнинг тозалиги;

Ишлаб чиқариш самарадорлиги-ишлаб чиқариш жадаллиги, тезлик ва самарадорлик, ҳар ишлаб чиқарилган кт маҳсулотда тұхташлар сабаблари ва даври, имкон қадар операторларни алмаштирмаслик, операторлар сони, атроф мұхит шароити;

Таъмирлаш-таъмирлаш режаси, қабул барабанини бош барабанга бош барабанни шлякаларга ва ажратувчи барабанни бош барабан билан оралиқ масофасини ростлаш, тарашдан олдинги ва кейинги зоналарда ростлашлар ва чиқындини ажратиб олишда сүриб олиш самарадорлиги.

Синовлар даврийлиги ишлаб чиқариш тезлигидан, машиналарнинг ҳолатидан ва талаб қилинаётган сифат даражасидан келиб белгиланади.

Агар кардаларнинг 20% ҳар куни текширилса, ҳамма кардаларни текшириш ҳафтада бир марта амалға оширилади.

### 2.8-§. Йигириш корхонасида нотекисликни назорат қилиш

Нотекислик йигириш корхонасида ишлаб чиқариш маҳсулоттарининг салбий хоссалари бўлиб, күпинча корхонадаги техник-иқтисодий кўрсаткичларга, ҳамда ипнинг физик-механик хоссаларига салбий таъсир қиласи.

Йигириш ишлаб чиқаришидаги маҳсулотларнинг нотекислигини синаш ва назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга булиб, нотекисликни келтириб чиқариш сабабларини ва вақтини белгилаб беради. Йигириш машиналарида ипларни ўраш ва шаклланиш вақтидаги узилиши қанчалик кўп булса, унда иппинг нотекислиги шунчалик юқори бўлади. Ипларнинг узилишининг ошиши натижасида ишчиларнинг иш билан таъминланганлиги ошади, ҳамда машиналарнинг иш унумдорлигининг пасайишига олиб келади.

Тараш машиналарида нотекислик характеристи қайта ишлаш вақтида, яъни толани тозалаш ва ажратиш даражаси бир хил бўлмайди. Ундан ташқари, нотекис таралган цилта ҳосил бўлади.

Турли хил машинанинг чўзиш асбобига маҳсулот тузилиши ёки чизиқий зичлиги бўйича нотекис бўлган маҳсулот кирса унда чўзилиш кучи ва ишқаланиш кучининг майдон ўлчами ўзгаради.

Чизиқий зичлик бўйича пишитилган ипларнинг нотекислиги юқори булса, газламанинг ташқи куриниши ва тузилишида нуқсонлар ҳосил бўлади, натижада газлама юзаси йўл-йўлли, чипор, муҳайр ёки ромсимон булиб қолади. Бу нуқсонларни трикотаж матоларида ҳам кузатиш мумкин.

Мустаҳкамлиги ва бошқа хоссалари бўйича ипларнинг нотекислиги юқори булса, унда газлама ва трикотаж матоларида мустаҳкамлик, чўзилувчаник ва қайишқоқлик бўйича нотекислиги кўп булади.

Чизиқий зичлиги бўйича нотекис эшилган иплар ишлаб чиқаришда специфик нуқсонларни ҳосил бўлишига олиб келади. Шу сабабли, юқорида келтирилган омилларга мувофиқ ишлаб чиқариш шароитида йигириш маҳсулотларининг нотекислигини ўрганиш ва назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга.

*Чизиқий зичлиги бўйича маҳсулотиниг нотекислигиги назорат қилиши.* Йигириш маҳсулотларининг сифатига қўйилган шартларга нотекислик дейилади. Нотекислик ишининг техник-иктисодий кўрсаткичларига, ҳамда йигириш ва тўқувчилик маҳсулотларининг физик-механик хоссаларига салбий тасъир кўрсатади. Кўпгина омиллар, масалан, ҳом ашё хоссаларининг нотекислиги, кўпинча технологик жараён ва машинанинг конструкциясига, ишчи режимнинг бузилганлигига, ҳамда ишчиларнинг машиналардан узоқлашиш ва таъмиралиши натижасида юзага келади.

Узунлиги бўйича маҳсулот хоссаларининг ўзгаришидаги нотекислиги қўйидаги кўринишларга асосан аниқланади: чизиқий зичлик бўйича нотекислик, турли узунликдаги кесим оғирлиги ёки маҳсулот кўндаланг кесимидағи толалар сони бўйича маҳсулотнинг ҳажмий оғирлиги (зичлиги), физик-механик хоссалари бўйича нотекислиги ва ҳакоза.

*Нотекисликнинг маҳияти ва үларнинг турлари.* Йигириш маҳсулотларининг нотекислигини таҳлил этиш жуда мураккабdir. Йигириш маҳсулотлари учун нотекисликнинг кўпгина турлари мавжудdir: йигиришнинг биринчи босқичида ҳосил бўлиши ҳамда кейинги босқичларда ўзгариши ва унга янги турдаги нотекисликларнинг қўшилишидир.

Иплар нотекислиги ўзига бир қанча таркибий қисмларни қўшиб, йигириш ишлаб чиқаришдаги турли босқичли нотекисликларига тасъири кўринади. Турли кўринишдаги нотекисликлар бир-бирига боғлиқdir.

Кўрсатилган омиллар нотекисликни келтириб чиқариш сабабларини ўзгаришини қийинлаштиради.

Узунлиги бўйича маҳсус хоссаларининг ўзгаришида қўйидаги турдаги нотекисликларни аниқладайди: чизиқий зичлик, маҳсулот кесимидағи толалар сони ёки турли узунликдаги кесим оғирликлари бўйича нотекислик, ҳажмий

оғирлиги бўйича маҳсулот нотекислиги (зичлиги), маҳсулотнинг физик-механик хоссалари бўйича нотекислиги (мустаҳкамлиги, чўзилувчанлиги, қайишқоқлиги, намлиги, ҳаво ўтказувчанлиги, электр қаршилиги, электр зарядларининг ўлчами ва ҳакоза).

Кўндаланг кесим юзи ва узунлиги бўйича маҳсулот тузилишининг ўзгариши маҳсулот таркибидағи элементларнинг жойланиши, ҳамда хоссаларининг ўзгаришини характерлайди ва икки гуруҳли тузилишли нотекислигини аниқланади: сифатли тузилишли ва геометрик тузилишли нотекислик. Тузилишли нотекисликнинг икки гурҳи маҳсулотнинг кўндаланг кесим юзи ва узунлиги бўйича намоён этади.

*Маҳсулотнинг турли хоссалари бўйича тола ассортиментларининг ўзгариши.* Агар турли кесимда пиликни қиссан ва барча қисилмаган толаларни қисқич томони бўйича толаларнинг узунлиги, йўғонлиги, мустаҳкамлиги, чўзилувчанлиги ва бошқа хусусиятлари бўйича эгри чизиқли тақсимланишини аниқланиш мумкин. Толаларнинг бу хоссалари бўйича эгри чизиқли тақсимланишидан ўртача ва модал қийматларини, дисперсия, квадратик нотекислигини аниқланиш мумкин.

Толаларнинг хоссалари бўйича эгри чизиқли тақсимланишнинг ўзгариши узунлик, йўғонлик, мустаҳкамлик бўйича маҳсулотнинг тузилишли нотекислиги дейилади. Бу турдаги нотекисликни баҳолаш миқдори узунлик бўйича дисперсия ёки квадратик нотекисликни аниқлашни келтириб чиқаради.

Чўзиш жараёнида тола узунлиги бўйича маҳсулотнинг нотекислик тузилиши шу маҳсулотнинг чизиқий зичлиги бўйича нотекислигини келтириб чиқаради.

Толанинг йўғонлиги, узунлиги ва пишиқлиги бўйича маҳсулотнинг нотекислик тузилиши унинг мустаҳкамлик

бўйича ишнинг нотекислигини аниқлайди.

*Маҳсулотнинг кўндаланг кесими бўйича толаларнинг тури, ранги ва бошқа хоссаларига асосан нотекисликнинг тақсимланиши.* Бу турдаги нотекисликни баҳолаш миқдори секториал ва радиал нотекислик, ҳамда толанинг миграция (кучиш) коэффициентини аниқлаш йули билан амалга оширилади.

Иккинчи гурӯхга геометрик тузилишли нотекислиги кириб у қуйидаги кўринишларга бўлинади:

*Қатламлиги,* яъни бир турдаги ва рангдаги толаларнинг зич жойланиши бўлиб, маҳсулотнинг кесими ва бутун узунлиги бўйича ўтади. Бу нотекислик кўриниши ҳар хил турдаги ва рангдаги толалардан пиликлаш машиналарида олинган пилик кўринишида ҳосил бўлади.

*Маҳсулотнинг миқдорий тузилиши,* яъни пиликдаги толаларнинг кўп миқдорда текисланиш ва түғриланиш даражасидаги кетма-кетликдаги миқдорий жойлашиши тузилишли нотекислиги кўринишида ҳосил бўлади.

*Толаларнинг гурӯхлар бўйича жойланиши,* яъни турли гурӯхдан толалар ўлчами бўйича толалар қатламининг маҳсулот кесими ва узунлиги бўйича нотекис жойланиши йигириш маҳсулотларининг нотекислик тузилиши, қатлами, тарами ва титиши-саваш машиналараро ва машиналаридаги тола қатлами кўринишида намоён бўлади.

Гурӯхли жойлашган толаларни чўзиш пайтида чизиқий зичлик бўйича янги турдаги нотекисликларни келтириб чиқаради.

Турли кўринищдаги маҳсулотнинг тузилишли нотекислиги ва уларнинг хоссалари бўйича нотекислиги турли характерга эгадир. Характерига боғлиқ ҳолда маҳсулотнинг тузилиши ва хоссаларининг ўзгариш характеридаги нотекислиги қуйидагича бўлади: даврий, тасодифий, функционал, яъни бир ёқлама ўсувчи оғиш

(сифат күрсаткичлари доимо ошади ёки аксинча); маҳаллий (тасодифий, маҳсулот чизиқий зичлигининг бирданига ошиши); бирлаштирилган (бир қанча турдаги нотекисликнинг жами).

Маҳсулотнинг турили ўлчами ва характеристи бўйича нотекислиги ишлаб чиқариш шароити ва машиналар типига боғлиқдир. Нотекислик қуидаги фарқланади:

- ички-ишлаб чиқаришдаги ўрамнинг ички нотекислиги;
- ташқи-барча ўрамдаги маҳсулотнинг уртacha кийматлари орасидаги нотекислик;
- умумий-барча ўрамдаги нотекислик.

Бундай нотекисликнинг бўлиниши машина ишчи қисмларида белгиланиб, юқори нотекисликдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Чизиқий зичлик бўйича нотекислик-йигирилган иплар ва йигириш жараёнининг бошқа маҳсулотларнинг сифат күрсаткичларини баҳолашда асосийлардан бири ҳисобланади.

**Нотекислик индекси ва даражаси.** Технологик жараёнларда, яъни титиш-савац, аралаштириш ва тарааш ишлари амалга оширилади. Шу сабабли, қатlam ёки пилиқда «тасодифий» толаларнинг жойланиши кузда тутилади. Баъзида, ҳақиқий толаларнинг жойланиши тасодифийдан фарқланади.

Ҳақиқий жойлашган толаларнинг маҳсулот нотекислиги ҳар доим тасодифий жойлашган толаларнинг нотекислигидан юқори бўлади. Шу сабабли, юқори даражадаги маҳсулот кесимида толалар сони бўйича тақсимланиши учун Пуассон тақсимланиши ҳисобланади ва унинг кундаланг кесим юзи бўйича маҳсулотнинг квадратик нотекислиги қуидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$C_g = \frac{100}{\sqrt{m_{yp}}} \sqrt{1 + 4 \left( \frac{C_d}{100} \right)^2} \quad (2.1)$$

бу ерда:  $m_{yp}$ -маҳсулот кесимидаги толалар сони;  $C_d$ -диаметри буйича толанинг квадратик нотекислиги.

Юқоридаги формулани қисқартирилган кўринишида қўйидагича кўринишда ёзин мумкин:

$$C_g = \frac{100 \cdot K_0}{\sqrt{m_{yp}}} \quad (2.2)$$

бу ерда:  $K_0$ -толанинг турига боғлиқ бўлган коэффициент бўлиб, пахта толаси учун 1,06,  $C \leq 35$  фоизли шароитда;  $C \leq 50$  фоизли шароитда жун толаси учун 1,1 г; вискоза толаси учун 1,02; зифир толаси учун эса 1,3 га teng;  $C_d$ -юқори даражадаги маҳсулот нотекислиги.

Нотекислик индекси-ҳақиқий маҳсулот нотекислигининг юқори даражадаги маҳсулот нотекислигига нисбати бўлиб, у қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$I = \frac{C_g \sqrt{m_{yp}}}{100 \cdot K} \quad (2.3)$$

бунда

$$K = \sqrt{1 + \left( \frac{C_g}{100} \right)^2} \quad (2.4)$$

Ҳақиқий маҳсулотнинг нотекислиги ошган сари нотекислик индекси ҳам ошади. Турли чизиқий зичлиқдаги ипнинг нотекислигини солишириш учун Г.М.Барнет таклиф этган нотекислик даражаси хизмат қиласи.

$$L = \frac{C_g \sqrt{M}}{100 \cdot K} \quad (2.5)$$

бу ерда:  $M$ -ип кесимидаги толалар турӯхининг ўртача сони бўлиб, у қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$M = \frac{m_{yp}}{m_{yprp}} \quad (2.6)$$

бу ерда:  $m_{yp,ep}$ -гурӯҳдаги ўртача толалар сони бўлиб,  $m_{yp,ep} = 0,25\sqrt{m_{yp}}$  га teng.

Йигирилган ипнинг нотекислигини аниқлаш учун таклиф этилган якуний формула қўйидагичадир

$$L = \frac{C_g \sqrt[3]{M}}{50 \cdot K} \quad (2.7)$$

Бу формула фақатгина кўндаланг кесимидағи  $m_{yp} \geq 64$  толалар учун ишлатилади. Агар  $m < 64$  толадан иборат бўлса, унда нотекислик индекси қўлланилади. Г.М.Бернет нотекисликни баҳолаш учун йигирилган ипнинг нотекислик даражасидаги қийматини яратди.

| Нотекислик баҳоси | Карда ип      | Тароқли ип    | Вискоза ва ацетат ип |
|-------------------|---------------|---------------|----------------------|
| Аъло              | 1,7 дан кам   | 1,4 дан кам   | 1,5 дан кам          |
| Жуда яхши         | 1,7-2,0       | 1,4-1,6       | 1,5-1,7              |
| Яхши              | 2,0-2,3       | 1,6-1,8       | 1,7-1,9              |
| Қониқарли         | 2,3-2,6       | 1,8-2,0       | 1,9-2,1              |
| Ёмон              | 2,6 дан юқори | 2,0 дан юқори | 2,1 дан юқори        |

### Таянч иборалар:

Дисперция ёки квадратик нотекислик, геометрик тузилишли нотекислик, қатламлиги, маҳсулотнинг миқдорий тузилиши, толаларнинг гурӯҳлар бўйича жойланиши, ички-ишлаб чиқаришдаги ўрамнинг ички нотекислиги, ташқи-барча ўрамдаги маҳсулотнинг ўртача қийматлари орасидаги нотекислик, умумий-барча ўрамдаги нотекислик нотекислик индекси ва даражаси.

### Назорат саволлари:

1. Чизиқий зичлиги бўйича маҳсулотнинг нотекислигини назорат қилиш.
2. Нотекисликнинг моҳияти ва уларнинг турлари.

## ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ

3.Маҳсулотнинг турли хоссалари бўйича тола ассортиментларининг ўзгариши.

4.Маҳсулотнинг кундаланг кесими бўйича толаларнинг тури, ранги ва бошқа хоссаларига асосан нотекисликнинг тақсимланиши.

5.Нотекислик индекси ва даражаси.

### 2.9-§.Қайта тараш ўчидағи техникавий назорат

Қайта тараш ипнинг текислигини, мустаҳкамлигини ва тозалигини яхшилашда фойдаланилиб, пахта йигириш жараёнига қўшимча қиймат қўшади. Калта толаларни ҳамда ифлосликларни ажратиш туфайли қайта тараш жуда қиммат жараён ҳисобланади. Бунинг учун алоҳида машиналардан (қайта тарашга тайёргарлик босқичлари) фойдаланиш лозим яъни пилта бирлаштириш машинаси ёрдамида холстча тайёрланиши керак.

Пилта бирлаштириш машинаси пилталар билан таъминланиб, улар одатда 24 та пилтани қўшиб пилтабирлаштириш машинасида тайёрланади. Қайта тайёрлашда асосий муҳим параметрлар қуйидагилар:

- пилталарнинг чизиқли тезлиги ёки массаси (ктекс ёки г/м)
- пилтадаги толаларнинг текислиги (микронейр)
- пилталарнинг осон қатламларга ажралиши.

Қайта тарашнинг самарадорлиги тараш жараёнида қатнашаётган толалар сонига боғлиқ бўлиб, бу тўғридан-тўғри толаларнинг нотекислигини белгилайди. Тараш масинасининг модели ва штапелнинг узунлигига боғлиқ ҳолда идеал пилтадаги тола миқдори пилта чизиқли зичлигига(ктекс ёки г/м) боғлиқ ҳолда ростланади.

Қайта тараш жараёнига тегишли бўлган муҳим сифат синовлар ва сифат курсаткичлари қуйида келтирилган. Қайта тараш жараёни жуда мураккаб жараёнлардан бири

хисобланади. Яхши натижаларга эришиш учун бир қанча технологик жараёнлар назорат қилиниши зарур. Булар: таъминлаш пилтасининг масофаси, пилтанинг таранглити, тараш йўналиши ва ҳоказолар. Тарашда ажralадиган толаларнинг оптимал миқдорини аниқлаш барча созлашларнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади.

### Қайта тарашда ажralадиган толалар ҳажми

Йигириш жараёнида қайта тараш орқали ажralадиган толаларни назорат қилиб бориш давомий операция ҳисобланади. Таъминланаётган холстча партияси ўзгаргандан сўнг қайта тарашдан ажralадиган толалар миқдорини давомий аниқлаш билан бирга алоҳида аниқлаш қатъий тавсия қилинади. Қайта тарашдан олдин, кейин ва тарашда ҳосил бўлган толаларни доимий назорат қилиш зарур. Ишлаб чиқариш тезлигидан келиб чиққан ҳолда синовлар даври аниқланиши лозим. Синовлар натижасида олинган натижаларга асосланиб, ажralиб чиққан толалар сифати ва узунликлари доимий текширилиб, узун толаларга шикаст етказилмасдан фақатгина калта толаларнинг ажralишини ҳамда непс ва ифлосликлар ажратилиб ташланиши назорат қилиниши муҳимdir.

12% дан паст миқдорда тараб олинган толалар янгиланган ҳисобланиб, қўшимча афзаллик равишда калта толалардан ҳолис қилиб, пахта синфи битта ёки иккитага кутарилиши мумкин. Одатда қайта тараалган пахталарда 12% дан 18% гача калта тола ажратиб олинади, юқори даражада тараалган толалардан эса 18% дан 22% гача калта тола ажralади. 22% дан юқори даражада тараб олиш асосан супер майин толаларни йигиришга тайёрлашда Werner Klein нинг “Тўқимачилик технологияси” қўлланмаси 1987 йилдаги З нашрида келтирилган.

Қайта тараб олинадиган толалар миқдорини ҳаддан

зиёд ошириш ип сифатини оширмайди. Сифат ва нарх боғланишида қайта тарашни оптималлаштириш графигида кўрсатилганидек непслар, калта толалар ва ифлосликларни ажратиш ўзгармас ҳолатта келиб қолади. Айрим ҳолларда, қайта тарашда ажраладиган калта толаларни хаддан зиёд оширилиши маҳсулот сифатининг бузилишига олиб келади. Қайта тарашда ҳосил буладиган ҳажмнинг оптимал қийматини белгилашда ҳар бир цех алоҳида ёндашиб, якуний калава иннинг сифати ва йигиришда қўлла-нилишидан келиб чиқиб танланиши лозим.

Тарамнинг даражаси ва кетма-кетлигига бир қанча таъсир этувчи параметрлар мавжуд. Буларга қуйидагилар: машинанинг тури, машинанинг авлоди, машинадаги ростлаплар (ажратипни созлаш, таъминлаш узунлиги, таъ-минлаш тизими, устки тароқ, ифлосликларни ажратадиган тизим); тароқлар орасидаги созлашлар (барча машиналарда бир хил); пилта оғирлиги (ва толанинг майинлиги); гурух тойлар орасида тола узунлигининг нотекислиги ва микронейр турғунлиги; карда тарашдан кейинги толаларнинг аралашганлик ҳолати; таровчи элементларнинг тури ва ҳолати (устки тароқ, айланма тароқ, шчеткалар). Юқорида санаб утилган сабабларга кўра қайта тарашда ажралиб чиқадиган тарам ҳажмини ҳамиша оптимал ушлаб туриш муҳимdir.

Синовлар даврийлиги ишлаб чиқариш тезлигига, машиналарнинг ҳолатига ва талаб қилинаётган сифат даражасига боғлиқ.

### Таянч иборалар:

Қайта тараш ипнинг текислигини, мустаҳкамлигини ва тозалиги, пилтабирлаштириш, микронейр, қайта тарашнинг самарадорлиги, таъминлаш пилтасининг масофаси, пилтанинг тараанглиги, тараш йўналиши, устки тароқ, айланма тароқ, шчеткалар, ажратишни созлаш, таъминлаш ўқув қўланма

узунлиги, таъминлаш тизими, устки тарок, ифлосликларни ажратадиган тизим.

### Назорат саволлари:

1. Қайта тараш жараёнининг аҳамияти туғрисида маълумот беринг.
2. Пилтабирлаштириш машинасининг асосий вазифалари нималардан иборат.
3. Қайта тарашда ажраладиган толалар ҳажми.
4. Тарамнинг даражаси ва кетма-кетлигига бир қанча таъсир этувчи параметрлар.

## 2.10-§.Пилик цехида техникавий назорат

Ип узилишини икки усулда назорат этилади: машиналар бўйича ва урчуқлар бўйича. Биринчи усул машиналар бўйича ёки бир хил тахтланган (шайланган) машиналар комплекти бўйича ўртача узилиш даражаси қурсаткичлари учун қулланилади, иккинчи усул эса урчуқларниң алоҳида нуқсонларини аниқлаш ва уларни созлаш учун ишлатилади.

Йигириш машиналарида ип узилишини техник назорат бўлими ва меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими ходимлари назорат этади. Иплар узилишининг якуний сони 1000 та урчуқ учун 1 соатга кайта ҳисобланади.

Пахта толасини йигириш корхоналарида кузатиш бир вақтнинг ўзида бир ишчи хизмат қўрсатадиган барча машиналар бўйича 1 съёмниң ишлаб чиқарилиши давомида амалга оширилади; бунда йигирувчига съёмыциалар томонидан ёрдам берилишига йўл қўйилмайди. Хронометражист иплар узилишини назорат қилишга киришар экан ишлаётган машинадан битта початкани ечиб олади, кузатиш вақтини белгилайди ва ишчининг олдида юра туриб, хронокартада ип узилишини алоҳида сабаблари

бўйича ёзиб боради. Битта початка ечилган машинада яна шундай ип ўралиши баландлигига яна янги початок (съем) ишлаб чиқарилгандан сўнг кузатиш тұхтатилади ва унинг тугаш вақти белиланади. Хронокартада куйидаги сабабларга кўра узилишлар алоҳида белгиланади: пиликнинг тушиши, пиликнинг узилиши, югурдакнинг учуб кетиши, тасманинг узилиш, шнуланинг вибрацияси, ишчи айби, ипларнинг бир-бирига чигаллашиб кетиши, (мураккаблашган узилишлар) ва номаълум сабаблар.

Жун толасини йигиришда ип узилишини тароқли қайта йигиришда 2500 урчук-соат давомида аниқлаб борилади, аппарат йигиришда эса 4000 урчук-соат давомида ёзиб борилади. Баъзиде кузатиш вақтини бир соатгача қисқартирилади, ёки 1-2 ечиб олиш давомида кузатилади. Ип узилишини одатда халқали йигириш машинасининг бир томонида ёки даврий ишлайдиган машинанинг ҳамма томонидан аниқлайдилар. Назоратчи хронокартада машинасинг созланиши (**тактланиши**), унинг иш вақти, барча тухтаб туришлар (простой) (шунингдек тайёр ипни ечиб олиш учун) ёзиб олади ва қуйидаги сабабларга кўра бўлган узилишларни алоҳида белгилайди: пиликнинг ечилиб кётилиши ёки узилиши, югурдакнинг учуб кетиши, чўзиш асбобининг носозлиги, ипларнинг чигаллашиб кетиши ва номаълум сабаблар. Бундан ташқари узилишлар зоналар бўйича бўлинади: тароқли қайта тарашли йигиришда - машина рамкасида, чўзиш асбобида ва чиқиш цилиндрларида; аппарат йигиришда-чиқиш цилиндрларигача ва ундан кейин.

Узилишларни узилган ипларни улаш вақтида ҳисобга олинади.

**Пишитиш машиналарида** ип узилишини бир ёки иккита ечиб олиш давомида кузатилади, бироқ одатда 6 соатдан күп бұлмаган вақт давомида кузатиш керак. Хронокартада узилишларни қуидаги сабаблар буйича алоҳида белгилаб борилади: ипдаги түгунлар ёки пропуски, бүш ип, ипнинг ечилиб кетиши, сифатсиз урчуклар ва шпулялар, ҳалқа нұқсонлари, югурдақининг учыб кетиши, цилиндр, валиклар ва ип үтказгичларнинг нұқсонлари, машинанинг бошқа хил носозлеклари, тасма нұқсони, ип чигаллашиб кетиши ва номағым сабаблар. Бир пишитувчи томонидан хизмат құрсатилаётган барча машиналарда ип узилишини бир вақтнинг үзида кузатиш мүмкін. Уртача узилишлар сони 1000 урчук-соатта ҳисбланади.

**Пиликаш машиналарида** хронометраж давомийлиги пахта толасини йигиришда битта ечишнинг (съем) ишлаб чиқарилиш вақти (давомийлиги) билан аниқланади. Ип узилишини кузатиш натижалари хронокартага қуидаги сабаблар буйича алоҳида ёзилади: **лапочка (панжача)** ёнидаги узилиш, цилиндрнинг олд томонидаги узилиш, пиликнинг чигаллашиб кетиши, чүзиш асбобигача бұлган узилиш, қолиб кетиш (пропуск), ипнинг йигирилмасдан қолиши (непропрядка), ишчининг айби ва бошқалар. Якуний узилишлар соатига 100 урчук учун ҳисбланади.

Ип узилишининг урчуклар буйича назорати таъмирланған йигириш ва пиликлалы машиналарида үтказилади. Узилишларни инчиларнинг үзи тайёр ипларни ечиб олиш давомида ҳисобға оладилар. Бунда улар тегишли урчук қаршисида бүр билан белги құядилар. Смена охирида назоратчи бу белгиларни 20-жадвалда берилған күринишида ёзіб олади (бу жадвалда ҳалқали йигириш машинаси учун узилишларни ёзіб бориш мисолида келтирілған).

20-жадвал

| 8 соат ичида<br>битта<br>урчуклагы<br>узилишлар<br>х сони  | 0   | 1   | 2  | 3  | 4   | 5  | 6   | 7  | 8 | 9  | Итогинди |
|--|-----|-----|----|----|-----|----|-----|----|---|----|----------|
| х сонли<br>узилишларга эга<br>бұлған<br>урчуклар<br>сони z | 137 | 105 | 60 | 23 | 12  | 4  | 4   | 2  | 0 | 1  |          |
| Шартлы<br>оғиш α   | -1  | 0   | 1  | 2  | 3   | 4  | 5   | 6  | 7 | 8  |          |
| z α  | 137 | 0   | 60 | 46 | 36  | 16 | 20  | 12 | 0 | 8  |          |
| z α²   | 137 | 0   | 60 | 92 | 108 | 64 | 100 | 72 | 0 | 64 |          |

Натижаларни қайта ишлашда бир урчукдаги шартлы үртача узилишлар  $x_0=1$  деб тахминий қабул қилинади, унга шартлы  $\alpha = 0$  оғиш түгри келади. Агар 51-жадвални үхшащ

Синфлар оралиғи  $k=1$  да шартлы моментлар  $m_1$  ва  $m_2$  ни анықтаймиз.

$$m_1 = \frac{\sum z\alpha}{\sum z} = \frac{61}{348} = 0,18 \quad m_1^2 = 0,03$$

$$m_2 = \frac{\sum z\alpha^2}{\sum z} = \frac{697}{348} = 2,0$$

Сүнг формулаларни әзтиборга олган ҳолда үртача узилиш  $a$  ва унинг дисперциясини  $S^2$  ни ҳисоблаймиз:

8 соат ичида 1 урчукқа  $a=x_0 + km_1 = 1 + 1 \cdot 0,18 = 1,18$  та узилиш түгри келади.

$$S^2 = k^2(m^2 - m_1^2) = 1^2(2 - 0,03) \frac{348}{348 - 1} = 1,97$$

Узилишларнинг урчуклар бүйіча тақсимланиши нормал ишлаб чиқариш шароитларида Пуассон қонунига бүйсінади, унга үртача қиймат ва дисперциянинг тенглиги, яғни  $S^2/a = 1$  характеристидір.

Агар  $S^2/a > 1$  бўлса, машинада нуқсонли урчуқлар мавжуд, бу урчуқларда ип узилиши ошиб кетган; бу урчуқларни аниқлаб, тузатиш керак, умуман нуқсонли урчуқлар деб текширилаётган давр учун ип узилиши  $a + 3\sqrt{a}$  дан юқори бўлган урчуқлар ҳисобланади. Кўриб чиқилаётган мисолда  $S^2/a = 1,97/1,18 = 1,67$  бинобарин, 8 соат иш вақтида  $1,18 + 3\sqrt{1,18} = 4,45$  дан кўп узилишларга эга барча урчуқлар нуқсонли ҳисобланади. Ип узилишлари сони 5 ва ундан ортиқ бўлган урчуқлар 11 та Улар тузатилгандан сунг иккинчи марта уларда ип узилишини текшириш керак.

Нуқсонли урчуқларнинг мавжудлиги ҳақидаги холосани урчуқлар бўйича узилишларнинг ҳақиқий тақсимланиши Пуассон қонунига мослигини хи-квадрат мезони ёрдамида текшириш асосида ҳам чиқариш мумкин. Агар ҳақиқий тақсимланиш Пуссон қонунига бўйсунмаса, бунга сабаб нуқсонли урчуқлардир

### Хом ашё сифатининг назоратини олиб бориши

Хом ашёнинг ҳар бир тұдаси учун амалдаги стандартлар бўйича кириш назорати ўтказилади.

Сараланма таркиби, харажат режасига амал қилиниши ва пахтани аралаштириш усулини текшириш. Назоратчи тойлар устида осиб қўйилган трафаретлардан пахта маркасини ёзиб олади ва уни пахта сарфи режасида курсатилган маркалар рўйхати билан солиштиради. У ҳар бир маркадаги тойлар сонини, уларнинг жойлаштирилиши усулларини ва бир маркадаги тойларни бошқа маркадаги тойлар билан аралаштирумасдан кетма-кет қўйилган холларни белгилайди. Назоратчи шунингдек қўшилаётган қайтим ва угарлар миқдорини ҳам текширади. Режа, пахтани аралаштириш қоидалари, қайтим ва угарларни

қўшиш қоидалари бузилиши ҳақида ТНБ бошлиғига хабар бериш керак.

**Жунни ювилгандан кейин сифатини назорат этиш.** Лабазда турган барча жун толасини пресслашдан олдин цех назоратчилари ўтириб қурдилар, яъни жуннинг ювилганик сифатини унинг ташқи қўринишини меъёрда ювилган жун эталонлари билан солиштирилади. Ювиш эритмасининг юқори ҳароратида ва ағдарувчи механизмнинг нотуғри ишлашида жун бир-бирига ёпишиб қолади ва унда ажралшиши қийин булган чигалликлар пайдо бўлади. Жун ювилгандан кейин бир.бирига ёпишмаган, юмшоқ бўлиши керак. Бундан ташқари, лабораторияда жундаги ёғ, ишқор, совун ва ўсимлик аралашмалари, чангизлантиришда камайган жун, намлик, унинг йўғонлиги, узунлиги ва мустаҳкамлиги аниқланади.

**Карбонизациядан кейин жун хусусиятларининг ўзгаришини назорат этиш.** Карбонизациялаштирилган жун сифатини баҳолаш карбонизация жараёнини тўғри ўtkазиш ва толалар шикастланишининг олдини олишга имкон беради. Ювилган жуннинг ранги ва узунлиги карбонизациядан кейин ўзгармаслиги керак, мустаҳкамликнинг пасайиши эса тутамларни синашда 3-6%дан ошмаслиги керак. Жундаги сульфат кислотасининг модификациялаштирилган пиридин усули билан аниқланадиган қолдиқ таркиби 0,7% дан кўп бўлмаслиги керак. Кислота ва иссиқлик таъсирида хусусиятларининг ўзгариши билан тавсифланувчи жуннинг ишқордаги эрувчанлиги ингичка жун учун 18% ва ярим ингичка жун учун 15% дан ошмаслиги керак. Ниҳоят, карбонизациялаштирилган жунда тиканаклар бўлмаслиги керак.

**Зигир толасининг сифатини назорат этиш.** Тола сифатининг ГОСТ ёки техник шартлар талабларига мос келмаслиги, тўданинг тўлиқмаслиги, нотуғри маркалаш ва

қадоқланиш ҳолларида етказиб берувчи ва олувчи бу ҳақида далолатнома түзиши керак. Агар томонлар үзаро келишаолмасалар, унда икки томонлама далолатнома тузилади ва қарори якуний ҳисобланадиган сифат инспекцияси учун намуналар танланади. Савалган зигирнинг зигир заводи ёки зигир базаси томонидан етарлича қониқарсиз сараланишида назорат сараланмаси үтказилиб, бунда унинг массаси, узунлиги ва ранги бўйича тутамларга тўғри бўлиниши текширилади.

ТНБ назоратчилари зигирни тараш корхонасида толанинг сақланиш шароитлари, толанинг сифати, массаси, узунлиги ва ранги бўйича тутамларга тўғри бўлиниши, савалған зигирнинг тараш машиналарига тўғри белгиланиши ва тараш машинасида толанинг навлар бўйича сараланиш сифатини текширадилар. Таралган зигир ёки тарандиларнинг ҳар бир тойи, ўрами, тележкасини ТНБ назорати чиқади ва толани пресслаш учун рухсат беради.

### Таянч иборалар:

Хронометражист, хронокартада машинанинг тахтланиши, съем, карбонизация, тўданинг тўлиқмаслиги, нотўғри маркалаш ва қадоқланиш, савалған зигирнинг тараш машиналарига тўғри белгиланиши ва тараш машинасида толанинг навлар бўйича сараланиш сифати.

### Назорат саволлари:

1. Пиликлаш машиналарида пиликнинг узилишини назорат қилиш.
2. Ип узилишининг урчуқлар бўйича назорати қандай амалга оширилади.
3. Узилишларнинг урчуқлар бўйича тақсимланиши қандай бўлади.

4. Хом ашё сифатининг назоратини олиб бориш қандай амалга оширилади.
5. Жунни ювилгандан кейин сифатини назорат этиш.
6. Зигир толасининг сифатини назорат этиш.

### 2.11-§. Йигириш цехидаги технологик жараён ва ипни сифатини назорат қилиш

Барча турдаги иплар, шу жумладан, йигирилган иплар сифатини етказиб берувчи ва истеъмолчи томонидан танланма назорат этишда баҳолаш танланманинг йиғма күрсаткичларини меъёрий маълумотлар билан расман таққослаш билан чегараланмасдан, балки танланманинг ишончли оралиги ёки хатолигини эътиборга олиш керак.

#### *Ипларни миқдори бўйича қабул қилиш*

Ипларнинг барча қадоқ бирликларининг оғирлиги ўлчангандан сўнг, ипларнинг ҳақиқий массаси (брутто) идишнинг (тара) (яшик, валиклар, қоплар, шпулялар, патронлар, катушкалар, конуслар, қадоқлаш қозоги ва бошқ.) массасини олиб ташлайдилар.

Шпулялар, патронлар ва конусларнинг ўртача массасини етказиб беришнинг асосий шартларига мувофиқ аниқлайдилар. Масалан, пахта ипи учун қуйидаги қоидаларга риоя қилинади: назоратли ўлчаш учун ҳар бир нав ва ҳар бир ўлчам учун камида 500 та конус олинади. Идишлар етказиб берувчи томонидан ҳар чоракда ўлчанади, далолатнома истеъмолчи иштирокида расмийлаштирилади. Агар идиш оғирлиги аввалги ўрнатилганидан 2% га фарқ қиласа, икки баробар кўп шпулялар, патронлар ва конуслар миқдори иккинчи марта тортилади ва уларнинг ҳар бир тури ва ҳар бир ўлчами учун меъёрлар белгиланади. Агар истеъмолчи идиш массасини меъёрга қарши нотӯғри чиқариб ташланганлигини аниқласа, у беш кунли муддат

ицида етказиб берувчининг вакилини камида 25% идишнинг массасини биргаликда текшириш учун чақириши керак.

Ип тұдасининг ҳақиқий нетто массасини 10% қадоқлар бирлиги учун текширилади, лекин камида уcta қути, той ёки қоплар ёки түртта валик булиши керак. Ҳақиқий масса фактура ва ёрликда курсатилғандан фарқ қылса, уни етказиб берувчи олдида текширадилар, натижалар далолатномада расмийлаштирилади.

ГОСТ 6611.0-73 стандарты бүйича ипларнинг кондицион массаси қуйидаги формула бүйича ҳисобланади:

$$M_k = M_{\phi} \frac{100+W_k}{100+W_{\phi}} \quad (2.8)$$

Бир жинсли ипларнинг кондицион (меъёрлаштирилган) намлиги қийматини жадвалдан олинади, йигирилган аралаш иплар ва турли жинсли иплар учун қуйидаги формула бүйича ҳисобланади:

$$W_k = \frac{100}{\sum \frac{0,01 P_i}{(1+0,01 W_{ki})}} \quad (2.9)$$

Қабул қилишда ипларнинг кондицион чизиқиң зичлиги  $T_k$  номинал чизиқиң зичлиқдан  $T_n$  рухсат этиладиган фарқдан катта бұлса, кондицион масса етмаёттан узунликни ҳисобға олган ҳолда ҳисобланади:

$$M_n = M_k \frac{T_n}{T_k} \quad (2.10)$$

бу ерда:  $M_k$  -кондицион масса;  $T_n$  - ипнинг номинал чизиқиң зичлиги, текс;  $T_k$  -ипнинг кондицион чизиқиң зичлиги, текс.

Зигир ипи учун бүйича ҳисоблашлар  $T_k$  нинг  $T_n$  дан фарқи стандартта рухсат этилған чегараларда бұлған ҳоллар учун амалға оширилади.

Агар ёгловчи модданинг ҳақиқий миқдори  $B_x$  меъёрлаштирилғандан  $B_n$  күп бұлса, кондицион масса қуйидаги формула бүйича ҳисобланади:

$$M_3 = M_k \frac{100+B_n}{100+B_{\phi}} \quad (2.11)$$

Агар шундай бұлса ҳам, кондицион чизиқий зичлик номинал чизиқий зичликка нисбатан рухсат этилган қийматдан юқори бұлса, кондицион массаны етишмаёттан узунликни хисобға олган ҳолда қуйидаги формула бүйіча ҳисобланади:

$$M_H = M_3 \frac{T_h}{T_k} = M_k \frac{(100+B_H)T_h}{(100+B_\phi)T_k} \quad (2.12)$$

### *Ипларни сифати бүйіча қабул қилиши*

Барча турдаги ипларни (шиша, металл ва асбест иплардан ташқари) қабул қилишда намуналарни танлаш қоидалари ва синов усуллари ГОСТ 6611.0-73 стандартыда белгиланған. Битта сифат күрсаткич бүйіча қониқарсиз натижалар олинганда, бу күрсаткич бүйіча янги қадоқ бирлигидан танлаб олинған паковкалар ёки ипларнинг икки баравар күп миқдори бүйіча ушбу күрсаткич учун тақрорий синовлар үтказилади. Агар тұда ұлчамлари янги қадоқ бирлигидан намуналар танлашға йүл қўймаса, унда очилған қадоқлар бирлигидан намуна олиш рухсат этилади. Тақрорий синов натижалари ҳал қилувчи натижа ҳисобланади ва барча иплар тұдаси учун жорий этилади. Шиша толалар ва иплар учун худди шундай тақрорий синовлар қоидалари ГОСТ 6943.0-71 ва ГОСТ 10727-73 стандартларида белгиланған.

ГОСТ 10727-73 стандартыда иплар истеъмолчи ипларни стандартда белгиланған сақлаш шароитларига риоя қилғанда уларнинг стандарт талабларында мувофиқ келишини кафолатлашға мажбур бўлган тайёрловчи корхонанинг техник назорати билан қабул қилиниши кераклиги курсатилған. Ипларни кафолатли сақлаш муддати тайёрланған муддатидан бошлиб 1 йил ҳисобланади. Бу муддат

ұтгандан сұнг иплар ишлатилишдан аввал стандарт талабларига мувофиқлиги текширилиши зарур.

### *Қайта үрашда ип сифатини назорат этиши*

Тұқув, трикотаж ва пишитиш корхоналарыда баъзида дастлабки паковкалардан иккиламчи паковкаларға қайта үрашга түгри келади. Бу кейинги қайта ишлашни самарали амалға оширишга, ипларни назорат этиш ва нұқсонлардан тозалашга, парафинлаш ёки ёғлаш учун қулай бұлған шаклдаги иккиламчи паковкалардаги ипларнинг узунлигини ошириш учун керак.

Қайта үраш жараёнига ипларни узатищдан аввал уларни үраш цехида ташқи нұқсонлари назоратдан үтказилади (ипнинг турли рангдаги, ифлосланган ва охиригача үралмаган паковкалар, сифатсиз ва бұш үраш сифатсиз қадоқлаш натижасыда едирилиб кетған початкалар, турли идишдаги ва турли чизиқий зичликдаги иплар). Нұқсонли паковкалар ажратиб олинади ва етказиб берувчига алмаштириб бериши учун қайтарилади.

Қайта үрашдан кейин паковкадаги ипнинг узунлигини мотовилода ұлчанади.

Қайта үраш вақтида пайдо бұладиган нұқсонларға қүйидагилар киради: ипнинг ёмон тозаланганилиги, катта ва кичик тугунлар, учлари боғланмаган иплар, ипнинг бұш ёки зич үралиши, үрашнинг нотұғри шакли, битта паковкада турли чизиқий зичликдаги ёки рангдаги ипларнинг мавжудлиги ва бошқалар. Уста ёрдамчиси ва смена устаси бевосита үраш машиналарыда қайд этилған нұқсонларни аниқлайды; бир вақтнинг үзида улар назорат пичоклари оралығини ва унинг ип йүгонлигига мослигини текширадилар. Лаборатория ҳар бир урчуқдан биттадан тұла

паковка бўйича қайта ўраш сифатини назорат этади ва нуқсон турларини ва шу нуқсонли урчуқларни қайд этади ва нуқсон турларини ва шу нуқсонли урчуқларни қайд этади.

Кўринмайдиган нуқсонларни аниқлаш учун иккиламчи паковкаларнинг назоратли қайта ўраши амалга оширилади; бунда учлари боғланмаган иплар, ўралиб кетган момик ва баъзи бошқа нуқсонлар қайд этилади.

Трикотаж ишлаб чиқаришида ипни ўровчи ишчи ўраш жараёнигин бошлишдан олдин паковканинг ичига рақами ёзилган талонни солиб қўйиши керак.

Қайта ўраш нуқсонларини тўқувчи аниқлагандан кейин иплар тудасини ўраш цехига такроран қайта ўрашга қайтариб бериш хуқуқига эга.

Ўраш зичлиги одатда паковкадаги иплар массаси ва зичлиги бўйича аниқланади, пахта ва зифир или йигиришда шунингдек ПН-2 циферблатли асбоб ҳам қўлланилади. Унинг ишлаш принципи жуда зич паковкада цилиндрик штифтни паковкага киритиш учун каттароқ куч сарф қилиш керак эканлигига асосланган. Бу куч асбоб шкаласидаги шартли бирликларда ўлчанади, сунѓра улар маҳсус жадвал ёрдамида паковкадаги ипларнинг ҳажмий массаси бирлигига утказилади.

Комплекс кимёвий иплар ишлаб чиқаришда шу мақсадлар учун зичликни ўлчовчи (плотномер) ТП-1 асбоби ишлатилади. Шуни ҳисобга олиш керакки, плотномер билан устки қаватларнинг қаттиқлиги (5 мм дан кўп бўлмаган чуқурлиқда) ўлчанади ва ўлчашнагина натижалари одатда бутун бобина учун хос бўлмайди.

Қайта ўраш вақтида ип узилишини кузатиш ҳар бир турдаги ип учун ойда бир марта узилишнинг сабабларига қараб олиб борилади, умумий узилишларнинг натижалари трикотаж корхонасида 1 кг ип учун, зигир газламалари

тұқишида 10000 м ип учун ва пахта газламаси тұқишида 100000 м ип учун олинади.

Ип узилишлари миқдори ва уларнинг сабабларини ҳар бир урчук (барабанча) учун алоҳида белгилаш тавсия этилади.

### *Тандалашда ип сифатини назорат этиши*

Тандалаш нұқсонлари тандаловчи топширадиган барча валикларни күздан кечириш билан аниқланади, шунингдек, тұқув ёки трикотаж олиш жараёнида ҳам амалга оширилади. Ип урилишининг зичлигини валиқдаги ип оғирлиги ва ҳажмини үлчаш орқали аниқланади, тахминан эса плотномер ёрдамида аниқланади. Тандалаш жараёнида ипнинг узилишини унинг сабабларига қараб қайд этилади, умумий узилиш миқдори битта валикка ёки 1 млн. метр якка ипга жорий этилади.

ГОСТ 20145-74 стандартыда кимёвий толаларнинг бобинадаги нұқсонлари тандалаш машинасида ёки уни **имитация қиласынан** асбобда аниқлашни күзда тутади. Қайта үрашнинг 200+20м/мин тезлигиде бобиналардан 4000+50 м иплардан оптик дефектоскоп ёрдамида нұқсонлар сони аниқланади, сунгра улар шартлы 10000 м га ҳисобланади.

### **Таянч иборалар**

Шпулялар, патронлар, катушкалар, конуслар, қадоқлаш қозози, ипларнинг кондицион массаси, ипларнинг кондицион чизиқий зичлиги, ипнинг номинал чизиқий зичлиги, циферблатли асбоб, имитация қиласынан асбоб, оптик дефектоскоп.

### **Назорат саволлари**

1. Ипларни миқдори бүйича қабул қилиш қандай амалга оширилади.
2. Ипларни сифати бүйича қабул қилиш.
3. Қайта үрашда ип сифатини назорат этишга изох беринг.
4. Тандалашда ип сифатини назорат этиш.

## 2.12-§. Йигириш корхонасида маҳсулотнинг чизиқий зичлиги бўйича нотекислигининг узвариши

Йигириш корхонасида маҳсулотнинг чизиқий зичлиги бўйича нотекислиги сифатнинг асосий салбий курсаткичларидан бири ҳисобланади. Бу курсаткич ипларнинг турли хоссалари даражасига ва нотекислигига таъсир этади.

Турли маҳсулотларнинг чизиқий зичлиги бўйича нотекислигини назорат қилиш: доимий узунликдаги кесимларнинг массаси бўйича; машиналардан чиқадиган кесим массалари ва турли узунликдаги маҳсулотларнинг кириши ва нотекисликнинг бузилиш коэффициентини аниқлаш; турли асбоб-ускуналарда маҳсулотнинг йўғонлигини узлуксиз ўлчаш бўйича; асбоб-ускуналар ёрдамида пилик йўғонлигини дискрет ўлчаш бўйича.

Акс ҳолда маҳсулотнинг нотекислигини катта узунликдаги кесим массаси бўйича (100, 50, 25, 10 ва 1 м), ҳамда кичик узунликдаги кесим массаси бўйича (50, 10, 5, 3, 2, 1 см) дискрет услугуб ёрдамида баҳоланади. Узун кесимларнинг нотекислигини назорат қилиш баъзида маҳсулотнинг ҳақиқий чизиқий зичлигини синашдаги курсаткичлари бўйича олиб борилади.

Маҳсулот ўрами ва кесимларидан танлашда энг катта ишончлиликдаги услугга риоя қилиш тавсия этилади, ўлчаш сонлари маҳсулотнинг нотекислигини ишончлиликда баҳолаш етарлилигини ҳисобга олган ҳолда белтиланади.

Маҳсулотнинг йўғонлиги бўйича нотекислиги механик дискрет асбоб-ускуналарда ёки ушлаб куриш усулида кўндаланг кесими ёки калта узунлик қисми бўйича миллиметрларда аниқланади. Асбоб-ускуналар ёрдамида узлуксиз қиёсий ўлчашда маҳсулот чизиқий зичлигининг

ұзгариши аниқланади ва турли узунликдаги кесимларға нотекислик градиенти белгиланади.

В.Е.Зотиков натижалари бүйича калта кесимлардаги маҳсулот нотекислиги охирги машинадаги, узун кесимлардаги маҳсулот нотекислиги ҳар бир технологик жараён үтимларига боғлиқ бўлишини исботлади.

Доимий узунликдаги маҳсулот кесимларининг чизиқий зичлиги бўйича нотекислигини назорат қилиш. Стандарт бўйича сифатли иплар ишлаб чиқариш узун кесимлардаги чизиқий зичликни назорат қилиш натижалари бўйича нотекислиги ҳисобланиши билан чегараланади. Шу сабабли ўргача квадратик оғишнинг юқори бир ёқламали ишончли оралиғининг ўлчамлари  $\sigma_B = z_H S$  формулага асосан  $S_A$  белгиланган максимал меъёрларидан камлиги бўйича ҳисобланади.

Агар  $\sigma_B > S_N$  бўлса, ўргача квадратик оғишнинг ҳақиқий танлашдаги натижа  $S < S_N$ , ҳамда унда катта ишончилиликда маҳсулот белгиланган нотекислиликка эга бўлади,  $S$  керакли натижалари катта миқдордаги синовларда ҳисобланади.

Маҳсулот нотекислигининг ишончилигини олишда, агар  $\sigma_B > S_N$  да  $\sigma_H = z_H S$  формула бўйича ҳисобланганда нотекислик манбасини белгилаш керак. Бу ерда алоҳида ички ўрамли ва ўрамлараро дисперсиясини аниқлаш тавсия этилади, ҳамда маҳсулотнинг нотекислик характеристи таҳдил этилади. Маҳсулотнинг ички ўрамларида (1-10 см) калта кесим массалари бўйича яхши топилади.

Пахтани йигириш корхоналарида вариация коэффициентининг меъёрлари 15-жадвалда келтирилган.

## ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ

15-жадвал

| Ярим маҳсулот          | Кесим<br>узунлиги | Оралиқ қиймати, навлар<br>буйича |         |         |
|------------------------|-------------------|----------------------------------|---------|---------|
|                        |                   | олий                             | биринчи | иккинчи |
| Пилик:                 |                   |                                  |         |         |
| Ингичка (иккинчи ўтим) | 10                | 2,5                              | 3,1     | 3,8     |
| Ингичка                | 10                | 2,2                              | 2,9     | 3,5     |
| Оралиқ                 | 10                | 2,0                              | 2,6     | 3,2     |
| Йүғон                  | 10                | 1,8                              | 2,2     | 2,9     |
| Пилта:                 |                   |                                  |         |         |
| Чиқарувчи ўтим         | 1                 | 1,6                              | 2,1     | 2,5     |
| Биринчи ўтим           | 1                 | 2,0                              | 2,6     | 3,1     |
| Тароқли                | 1                 | 2,5                              | 3,5     | 4,4     |
| Машинадаги холст:      |                   |                                  |         |         |
| Холст чұзувчи          | 1                 | 1,2                              | 1,6     | 2,1     |
| Пилта бирлаштирувчи    | 1                 | 1,4                              | 1,8     | 2,2     |
| Тараш пилтаси          | 1                 | 4,0                              | 5,2     | 6,5     |
| Машинадаги холст:      |                   |                                  |         |         |
| Бир жараёни тараш      | 1                 | 1,2                              | 1,5     | 1,9     |
| Тараш                  | 1                 | 1,8                              | 2,2     | 2,9     |
| Титиш                  | 1                 | 2,2                              | 3,0     | 3,8     |

Нотекисликнинг бузилиш коэффициентини назорат қилиш. Алохидан машиналар буйича нотекисликнинг узгаришини кириш ва чиқиши маҳсулотларининг нотекислик күрсаткичларини солишишириш йули билан бағоланади. Нотекисликнинг бузилиш коэффициенти қуидаги формула ёрдамида аникланади:

$$K_1 = \frac{C(L_n)}{C(x)} \sqrt{m} \quad (2.13)$$

бу ерда:  $m$ -назорат қидувчи машинада маҳсулотнинг құшилишлар сони. Иигириш ишлаб чиқаришдаги нормал ишловчы машиналар учун  $K_1 = 1,1 \div 1,2$ , кардотараш машиналари учун  $K_1 = 1$  бўлади. Агар назоратда  $K_1 = K_N$  бўлса, кирадиган маҳсулотнинг меъёрий нотекислиги қуидагича аникланади:

$$C_H(L_o) = C(x) \frac{K_S}{\sqrt{m}} \quad (2.14)$$

Агар кириш маҳсулотларининг массаси бўйича  $C(L_o)$  ҳақиқий вариация коэффициенти  $C_H(L_o)$  юқори ишончлиликда бўлса, машиналарни созлаш керак бўлади. Нотекисликнинг меъёридан ошишининг ишончлилигини белгилаш учун  $F$  мезони қўлланилади:

$$F = \frac{\sigma^2(L_o)}{\sigma_H^2(L_o)} = \frac{0,01C^2(L_o)T_o^2}{0,01C_H^2(L_o)T_o^2} = \frac{C^2(L_o)}{C_H^2(L_o)} > F_{0,05} \quad (2.15)$$

бу ерда:  $\sigma^2(L_o)$  ва  $\sigma_H^2(L_o)$ -чиқиши маҳсулотларининг ҳақиқий ва меъёрий дисперсиясига боғлиқ;  $T_o$ -чиқадиган маҳсулотларнинг чизиқий зичлиги;  $F_{0,05}$ -16-жадвалдаги мезон қиймати.

16-жадвал

| $n_B - 1$ | $n_t - 1$ да $F_{0,05}$ даги қиймати |      |      |      |      |      |      |      |      |          |
|-----------|--------------------------------------|------|------|------|------|------|------|------|------|----------|
|           | 4                                    | 10   | 20   | 30   | 40   | 50   | 100  | 200  | 500  | $\infty$ |
| 4         | 6,39                                 | 5,96 | 5,80 | 5,74 | 5,71 | 5,70 | 5,66 | 5,65 | 5,64 | 5,63     |
| 10        | 3,48                                 | 2,97 | 2,77 | 2,70 | 2,67 | 2,64 | 2,59 | 2,56 | 2,55 | 2,54     |
| 20        | 2,87                                 | 2,35 | 2,12 | 2,04 | 1,99 | 1,96 | 1,90 | 1,87 | 1,85 | 1,84     |
| 30        | 2,69                                 | 2,16 | 1,93 | 1,84 | 1,79 | 1,76 | 1,69 | 1,66 | 1,64 | 1,62     |
| 40        | 2,61                                 | 2,07 | 1,84 | 1,74 | 1,69 | 1,66 | 1,59 | 1,55 | 1,53 | 1,51     |
| 50        | 2,56                                 | 2,02 | 1,78 | 1,69 | 1,63 | 1,60 | 1,52 | 1,48 | 1,46 | 1,44     |
| 100       | 2,46                                 | 1,92 | 1,68 | 1,57 | 1,51 | 1,48 | 1,39 | 1,34 | 1,30 | 1,28     |
| 200       | 2,41                                 | 1,87 | 1,62 | 1,52 | 1,45 | 1,42 | 1,32 | 1,26 | 1,22 | 1,19     |
| 400       | 2,39                                 | 1,85 | 1,60 | 1,49 | 1,42 | 1,38 | 1,28 | 1,22 | 1,16 | 1,13     |
| $\infty$  | 2,37                                 | 1,83 | 1,57 | 1,46 | 1,40 | 1,35 | 1,24 | 1,17 | 1,11 | 1,00     |

$C(L_o)^2$  ва  $C_H(L_o)^2$ ларни (4) формулага қўйсак, (2) ва (3) формуладардан қўйидаги формулани ҳосил қиласмиз

$$\frac{K_1^2}{K_S^2} > F_{0,05}; \quad K_1 > K_S \sqrt{F_{0,05}} \quad (2.16)$$

Доимий узунлик бўлмаган кирадиган маҳсулотларнинг нотекислигини ўлчаш қийинроқдир, шу сабабли

$$C(L) = C(l) \left[ \frac{l+r}{L+r} \right]^* \text{формулани эътиборга олган ҳолда} \quad (2)$$

## ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ

формулани қайта ўзгартириш ёрдамида кирадиган ва чиқадиган маҳсулотларнинг доимий узунлиқдаги кесим массалари бўйича нотекислиги аниқланади. Бу ҳолатда нотекисликнинг бузилиши куйидагича куринишга келади.

$$K_2 = \frac{C(L_o)}{C(l)} \sqrt{m} \left[ \frac{L_o T_o + r}{m T_o / l + r} \right] \quad (2.17)$$

бу ерда:  $C(L_o)$ -чиқадиган  $L_o$  кесим узунлигидаги маҳсулотнинг массаси бўйича вариация коэффициенти, %;  $C(l)$  - кирадиган  $L_o$  кесим узунлигидаги маҳсулотнинг массаси бўйича вариация коэффициенти, %;  $m$ -маҳсулотнинг қўшилишлар сони;  $r$ -аралаш кесимларнинг массаси бўйича корреляция коэффициенти;  $T$ -кирадиган маҳсулотнинг чизиқий зичлиги, текс;  $a-a=0.5-\frac{\lg(1+r)}{2\lg 2}=0.5-1.66\lg(1+r)$  формула ёрдамида аниқланади.

Асбоб-ускуналарда маҳсулотнинг йўғонлигини узлуксиз ўлчашда нотекисликни баҳолаш. «Устер» электр сиғимли асбоб, ФЭМ, ИЕТ, зифир пилтаси ёки пиликларининг йўғонлигини ПОНЛ механик аниқлаш асбоблари (2.22-расм).



2.22-расм.USTER® TESTER 5-S800 асбоби.

**Маҳсулот нотекислигини дискрет үлчашда нотекисликни назорат қилиш.** НП-2 асбоби зигир пилтаси ва пилигининг нотекислигини назорат қиласди. Асбоб З дан 24 мм гача пилта ёки пиликнинг йўғонлигини аниқлаш учун қўлланилади. Пилтанинг нотекислигини аниқлаш учун 50-100 маротаба 1,5-5,0 метр узунлик бўйича үлчаш ишлари олиб борилади.

Пилтанинг нотекислик кўрсаткичлари НП-2 асбобида олинган синов натижаларини ҳисоб қилишда ва солиштиришда 0,5 метрлик кесимларнинг массаси бўйича тахловчи машиналарнинг пилтаси учун 1,5 га, тараш пилтаси учун 0,9 га кўпайтирилади.

### **Таянч иборалар:**

Асбоб-ускуналар ёрдамида пилик йўғонлигини дискрет үлчаш, юқори бир ёқламали ишончли оралифининг үлчамлари, ўртacha квадратик оғишининг ҳақиқий танлашдаги натижа, вариация коэффициенти, аралаш кесимларнинг массаси бўйича корреляция коэффициенти, нотекисликнинг бузилиш коэффициенти.

### **Назорат саволлари:**

- 1.Турли маҳсулотларнинг чизиқий зичлиги бўйича нотекислигини назорат қилиши.
- 2.Доимий узунликдаги маҳсулот кесимларининг чизиқий зичлиги бўйича нотекислигини назорат қилиш.
- 3.Асбоб-ускуналарда маҳсулотнинг йўғонлигини узлуксиз үлчашда нотекисликни баҳолаш.
- 4.Маҳсулот нотекислигини дискрет үлчашда нотекисликни назорат қилиши.

## 2.13-§. Найчага үралган ип массаси ва үрталиш зичлигини аниқлаш. Момик сургични ишини назорат қилиш

Ҳалқали йигириш ва пишитиш машиналаридан олинган ип массасини аниқлаш. Якка ва пишитилган ипларни ип қабул қилиш жойида хар бир машинадан ишлаб чиқарилған иплар алохидә қабул қилинади. Ип қабул қилувчыда найча ва ёғоч шпулаларнинг үртача массасини жадвали бўлиши керак. Ҳар бир машинадан олинган ип массасини умумий оғирлигидан найчалар оғирлиги олиб ташланади. Ҳар ойда техник назорат бўлими бошлиғи билан биргаликда 100 тагача найчани үлчаб үртача оғирлиги хисобланади ва далолатнома тузулиб, имзо чекилади.

Найчага ипни тўғри уралаётганини маҳсус шаблон ёрдамида уста ёрдамчиси профилактик курик вақтида назорат қиласи. Цех мастери ва бошлиғи ипни тўғри үралаётганини цехни айланиб кўриш вақтида текширади.

Лаборатория ходимлари ипни ураш зичлигини, ипни массасини ва узунилигини капитал таъмирлашдан сўнг, бош инженер ёки фабрика бошлиғи кўрсатмаси билан текшириллади.

### Найчага үралган ип массасини аниқлаш

Текширилаётган машинадан 5 та тўла үралган найчадаги ип олиниб, 0,5% аниқликкача тарозида тортилади. Сўнгра шу текширилаётган ой учун тасдиқланган пачатка массасини олади. Умумий ип массасидан найчани үртача оғирлигини айириб, ипнинг соғ оғирлиги топилади.

### Үраллиш зичлигини аниқлаш

Ураш зичлиги ип массасининг унинг хажмига бўлиб топилади:

$$\gamma = \frac{m}{V} \left( \text{сг/см}^3 \right)$$

$m$ - найчадаги ип массаси. Юқоридаги көлтирилган усул билан аниқланади;  $V$ - найчага үралган ип хажми;

Найчага үралган ип хажмини инженер И.Г. Обуховани қисқартирилган формуласи ёрдамида аниқлаш мүмкін.

Якка ва пишистилган танда ипи учун;

$$V_t = 0.785(H - 0.9D)(D^2 - d^2)$$

Арқоқ ипи учун;

$$V_a = 0.785(H - 1.21D)(D^2 - d^2)$$

бу ерда:  $D$ - найчага үралган ипнинг диаметри, см;  $H$ - найчага үралган ипнинг баландлиги, см;  $d = \frac{d_1 + d_2}{2}$  - найчанинг ўртача диаметри, см;  $d_1$ - найчанинг пастки диаметри, см;  $d_2$ - найчанинг устки диаметри, см ;

Бу ўлчамлар штангенциркуль ёрдамида 0,5 мм, аниқликда ўлчанади. Ҳисоблаш вақтида 5 та найчадаги ипнинг ўртача массаси олинади.

### Найчадаги ип узунлигини аниқлаш

Ҳар бир олинган 5 та найчадаги ипдан узунлиги 100 м. бўлган 2 тадан пасма олинади. Олинган 10 та пасма бўйча ипни амалдаги чизиқли зичлиги аниқланади. Найчадаги ипнинг амалдаги узунлигини қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$L_a = \frac{m}{T} * 100$$

Текшириш вақтида олинган натижаларни машинани қабул қилиш нарядига ёзилади. Агар бу курсаткичлар тастиқланганидан фарқ қиласа, машина таъмирлашдан қабул қилинмайди.

### Момиқ сүрғич ишини текшириш

Момиқ сүрғични ишини капитал ва ўрта таъмирлашдан сўнг цех бошлиғи, смена устаси ва ёрдамчи уста текширади. Момиқ сүрғични тешикчасидаги ҳавони сўрилиш кучи текширилади. Машинани ҳар тамонини сўрилиш кучи алоҳида текширилади. Ҳар тамонидан 9 тадан момиқ сүрғични текширилади. З та винтелејтор яқинидан, З та машинини ўртасидан ва З та винтелејторлардан энг узоқ бўлган жойдан олинади. Бу патрубкалардаги энг охирги тешикчани ҳаво сўриш кучи текширилади, бу куч 2 мм, сув столбаси кўрсаткичигача аниқликда текширилади. Агар бу ҳаво сўриш кучи 40 мм, сув столбасидан кам бўлса, демак бу патрубка ишга яроқсизdir. Ҳамма ўлчамлар маҳсус журналга қайд қилинади.



2.23-расм.USTER CLASSIMAT QUANTUM асбоби.

USTER CLASSIMAT QUANTUM тизимида ип сифатини баҳолашда ип сифатини баҳолаш маҳсулот сиртида учрайдиган нуқсонлар ўлчамларига ва катталигига қараб синфлашта асосланган. Унбу тизим нафақат йўғон ва ингичка жойларни аниқлайди, балки бегона толаларни ҳам белгилаб баҳолайди (2.23-расм).

### Таянч иборалар:

Найча ва ёғоч шпулалар, маҳсус шаблон, пачатка массаси, пасма, момиқ сүрғични тешикчасидаги ҳавони сўрилиш кучи, патрубка.

### **Назорат саволлари:**

1. Ҳалқали йигириш ва пишитиш машиналаридан олинган ип массасини аниқлаш қандай амалга оширилади.
2. Үралиш зичлигини аниқлаш бўйича нотекислигини назорат қилиш қандай олиб борилади.
3. Момиқ сўргич ишини текшириш тўғрисида маълумот беринг.

### **2.14-§.Ўтимлар бўйича ярим маҳсулот ва ип узилишини аниқлаш**

Пилик узилганда уни улаш учун машина тўхтатилади. Битта урчуқдаги узилишни йўқотиш учун машина тўхтатилганда ҳамма урчуқлар ҳам тухтаб туради. Демак, узилиш машинанинг иш унумини камайтириб юборади. Шу сабабли битта пилик узилса, дарҳол машинани тўхтатиш зарур. Акс ҳолда узилган пилик рогульканинг учидаги тўпланиб қолиб, кўшни урчуқларда ҳам узилишлар булишига олиб келади ва мураккаб узилишга айланиб кетади. Битта пиликнинг узилиши одий узилиши, бирданига бир нечта пиликнинг узилиши эса мураккаб узилиши дейилади. Мураккаб узилишни бартараф қилишга кўп вақт кетади ва натижада машинанинг иш унуми камайиб кетади. Шунинг учун мураккаб узилишлар келиб чиқишига йўл қўймаслик керак.

Пилик узилганда ғалтакка бир неча ўрам пилик ўралмасдан қолиши натижасида ўша ғалтак пилик нормал ўралаётган бошқа ғалтаклардан орқада қолади. Шунинг учун уни олиб ташланади. Бундан ташқари, пилик қанча кўп узилса, пиликдан уланган жойлар шунча кўп бўлади, оқибатда пилик нотекис чиқади. Бу нотекислик инга ҳам ўтади ва у ҳам кўп узилади.

Пилик, асосан урчуқларнинг олд тамонидан узилади, урчуқларнинг орт тамонида эса узилиш кам бўлади.

Пиликнинг узилиши сабаблари жуда кўп ва мураккаб бўлиб, Пуассон қонунiga бўйсунади, яъни  $\sigma = \sqrt{a}$ , бу ерда :  $\sigma$ - узилишнинг ўртача квадратик оғиши;  $a$ - битта урчуққа тўғри келган узилишлар сони. Узилишлар сони учтадан кўп бўлган урчуқлар нуқсонли ҳисобланади ва дарҳол уларни тузатиш учун чоралар кўрилади.

Пилик узилишининг асосий сабабларига қўйидагиларни кўрсатади мумкин: 1) машина ҳолатининг ёмонлиги; 2) хом ашё ва ярим фабрикатларнинг сифатсизлиги (нотекислиги); 3) машина параметрларининг оптимальмаслиги; 4) температура ва намликнинг нормал эмаслиги; 5) машинада ишловчилар малакасининг пастлиги.

Тажриба шуни кўрсатадики, пилик узилишларининг 75 % и технолгик бўлиб, 60 % и олд цилиндр билан ғалтаклар оралигига содир бўлади, 20 % эса машинанинг равон ҳаракатланмаслигидан келиб чиқади.

Пилик узилиши битта фатақда пилик тўлиқ ўралгунча текширилади. Агар машина жуфт-жуфт қилиб үрнатилган бўлса, иккала машинадан бир вақтда текширилади. Олинган натижалар махсус хронокартага ёзилади.

1 соатда 100 та урчуққа тўғри келадиган пилик узилишлари қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$H_{100} = \frac{B \cdot 100 \cdot 60}{n \cdot t}$$

бу ерда:  $B$ - машинадаги назорат вақтида узилишлар сони;  $n$ - машинадаги ишлаётган урчуқлар сони;  $t$ - узилиш назорат қилишнинг умумий вақти, мин.

Одатда умумий узилишга нисбатан сабаблар бўйича узилиш қўйидаги фоизларни ташкил этади.

Йигириш машинасида ип узилишини иш вақти ва меҳнат бўлими ходимлари ва лобарантлар текширади. Ип узилишини текшириш ишлаб чиқарилаётган ипнинг чизиқий зичлигига боғлиқ. Юқори номерли ип ишлаб

чиқарилаётган машинанинг ҳар бирида, ўрта ва паст номерли ип ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг 50% да аниқланади. Ип узилиши камида 5 соат давомида узлуксиз текширилади. Агар илмий иш қилинаётган бўлса, найчанинг ипга тўлиш вақти давомида текширилади.

Ип узилиш текширилаётганда лобарант ишчидан олдин юриб, ҳар бир узилишнинг сабабларига қараб хронокартага ёзиб боради. Умумий узилиш 1000 та урчуққа бир соатдаги узилишлар сони билан ўлчанади ва у қуидаги формула билан ҳисобланади:

$$O = \frac{\eta_o \cdot 1000 \cdot 60}{n \cdot t}$$

бу ерда:  $\eta_o$ - умумий узилишлар сони;  $n$ - ишлаётган урчуқлар сони;  $t$ - текшириш ўтказилган вақт,мин;

Агар ипнинг узилишини сабабларга қараб аниқламоқчи бўлинса, унда қайта ҳисоблаш коэффициентини аниқлаш керак,

$$K = \frac{60 \cdot 1000}{n \cdot t}$$

турли сабаб билан узилишлар сонини шу коэффициентга кўпайтириб, 1000 та урчуқда бир соатда узилишлар сонини ҳар бир сабаб бўйича топилади.

## Пневмомеханик йигириш машиналарида ип узилишини аниқлаш

Умумий узилишлар сонини бир ойда бир маротаба иш ҳақи ва меҳнат бўлими ходимлари текширади. Текшириш вақти бир ишли бошқараётган ҳамма мшиналарда бир соатдан кам бўлмаслиги керак. Текширувчи машинага келгач, ишлаётган камералар сонини, текшириш бошланган вақти, ҳаво намлигини аниқлайди ва картага ёзиб қўяди. Узилишни текширган вақтда текширувчи ишчининг кетидан юриб, узилишларни картага туширади. Бу картада 100 камера ёзилган бўлади. Қайси камерада узилиш бўлса, шу белги қўйилади. Бунда узилиш сабаби кўрсатилмайди.

Сұнгра 1000 та камерада бир соатда бұлған умумий узилишлар сони қойидаги формула билан топилади:

$$H_{1000} = \frac{q_n \cdot 1000 \cdot 60}{n \cdot t}$$

Машинада ип узилишини сабаблари билан текшириш лаборатория ходимлари тамонидан илмий ишлар утказилаётганды ва бош мухандис топшириғи билан текшириләди ва хронокарттага ёзилади.

### Таянч иборалар:

Урчук, одий узилиш, мураккаб узилиш, пилик, машина ҳолатининг ёмонлиги, хом ашё ва ярим фабрикатларнинг сифатсизлиги, машинадаги назорат вақтида узилишлар сони, хронокарта.

### Назорат саволлари:

- 1.Пилик узилиши сабаблари нималардан иборат?
- 2.Пилик узилиши қандай аниқланади?
- 3.Ҳалқали йигириш машинасида ипнинг узилишига нималар сабаб бұлади?
- 4.Ҳалқали йигириш машинасида ип узилиши қандай назорат қилинади?
- 5.Пневмомеханик машиналарда ип узилиш сабаблари нималардан иборат ва қандай аниқланади?
- 6.Ип узилишини машина маңсулдорлигига қандай таъсири бор?
- 7.Ип узилиши унинг сифатига қандай таъсир этади?

## 2.15-§. Ярим маҳсулотлар ва иш сифатини текшириш

**Ярим маҳсулотлар** чизиқий зичлиги, нотекислигини аниқлаш ва уларни меъёрий ҳужжатлар билан солиштириш. Ярим маҳсулотларнинг чизиқий зичлигини текшириш йигириш режасини тұгри бажарилаётганинги аниқлаш учун керакдир.

Бу текшириш қуйидаги жадвалда курсатилған тартибда бажарилади.

Йигириш фабрикаларида фақаттана холстнинг ҳар бири текширилади.

| Ярим маҳсулотлар           | Текшириш оралиғи   |
|----------------------------|--|
| Холст                      | Бир ҳафтада бир маротаба чизиқий зичлик бүйіча нотекислик аниқланади. Шунингдек, ҳар бир таъмирашдан сұнг текширилади.   |
| Таралған пилта             | Машина қайта шайланған вақтда, йигириш режаси текширилғанда, ҳар бир таъмирашдан сұнг. Бу билан биргаликта тараған манинасидан ажralған чиқинди миқдори текширилади. |
| Холстча                    | Бир ҳафтада бир марта, машина қайта шайланғанда, йигириш режасини текширилғанда.   |
| Қайта таралған пилта       | Капитал ва урта таъмирашдан сұнг, график асосида иккі ойда бир маротаба, таранди миқдори аниқланғанда.   |
| "I" үтим пилталаған пилта  | Яңғы сараланма киритилғанда ёки йигириш режаси үзгартылғанда.  |
| "II" үтим пилталаған пилта | Сменада камида бир маротаба.   |
| Пилик                      | Ҳар куни.  |

**Ярим маҳсулотларнинг чизиқий зичлигини аниқлаш учун намуна олиш.** Тарап машинасида - битта сараланма ишләётган машиналар сонига бөглиқ. Шунга қараб тослар сони ва ҳар тосдан олинадиган кесмалар сони аниқланади, лекин ҳар ҳафта бир тосдан олинган кесмалар сони 20 тадан кам бўлмаслиги керак. Кесма узунлиги 5 м бўлади.

**Холстча.** Ҳар бир машинадан иккитадан холстча олинади. Ҳар бир холстчадан 1 м. узунликдаги кесмадан тўрттадан олинади.

**Қайта тараш машинасидан олинган пилта -умумий текширишилар сони** 10 тадан кам бўлмаслиги керак. Кесма узунлиги 5 м. бўлади.

**Пилта машинасида** - агар аппаратда 10 тадан ортиқ чиқариш органи бўлса, ҳар биридан биттадан пилта кесмаси олинади. Кесма узунлиги 5 м.

**Пилик машинасидан** -хар бир машинадан иккитадан фалтақдаги пилик олинади. Биринчи ва иккинчи қаторидан биттадан.

Агар фабрикада иккитагина пилик машинаси ишләётган бўлса, 4 та фалтак олинади. Агар машиналар сони 10 тадан ортиқ бўлса, оралатиб олинади. Кесма узунлиги 10 м. ярим маҳсулотлар чизиқий зичлиги бўйича оғиши ипнинг чизиқий зичлиги  $T=18,5$  текс ва ундан юқори бўлса,  $\pm 1$  дан  $-2,0\%$  гача,  $T=18,5$  тексдан кичик бўлса,  $+1$  дан  $-2\%$  гача.

### Тараш машинасидан текшириш учун намуна олиш

| Намуналар сони                          | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 10та<br>дан<br>күп<br>бўлс<br>а |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|----|---------------------------------|
| кўрсаткичлар                            |   |   |   |   |   |   |   |   |   |    |                                 |
| Битта машинадан олинадиган тослар сони. | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1  | 1                               |

|  |    |    |     |    |    |     |     |     |               |    |    |
|--|----|----|-----|----|----|-----|-----|-----|---------------|----|----|
| Битта тосдан олинадиган кесмалар сони. | 10 | 10 | 6-7 | 5  | 4  | 3-4 | 3-2 | 3-2 | $\frac{2}{3}$ | 2  | 2  |
| Умумий синовлар сони.                  | 20 | 20 | 20  | 20 | 20 | 20  | 20  | 20  | 20            | 20 | 20 |

### Қайта тараш машинасидан олинган пилтадан намуна олиш

| Кұрсаткичлар                       | Бир вактда текшириладиган машиналар сони |    |     |     |    |                    |
|------------------------------------|--|----|-----|-----|----|--------------------|
|                                    | 1  | 2  | 3   | 4   | 5  | 6 ва ундан күп     |
| Битта машинадаги тослар сони.      | 2  | 1  | 1   | 1   | 1  | 1                  |
| Битта тосдан олинган кесмалар сони | 5  | 10 | 3-4 | 3-4 | 2  | 2-1                |
| Умумий текширишлар сони            | 10                                       | 10 | 10  | 10  | 10 | 10 та ва ундан күп |

### Пилик машинасидан намуна олиш

| Кұрсаткичлар  | Бир вактда текшириладиган машиналар сони |    |     |    |    |                 |
|---|--|----|-----|----|----|-----------------|
|   | 1  | 2  | 3   | 4  | 5  | 6 ва ундан күп  |
| Битта машинадан олинадиган ғалтаклар сони                           | 4  | 2  | 2   | 2  | 2  | 2               |
| Битта ғалтакдан олинадиган кесмалар:                                | 4  | 4  | 3-2 | 2  | 2  | 2               |
| $T_n=250$ текс ва ундан кичик бұлса, $T_n=250$ тексдан юқори бұлса, | 3  | 3  | 2   | 2  | 2  | 2               |
| Умумий кесмалар сони:   |  |    |     |    |    |                 |
| $T_n=250$ текс ва ундан кичик бұлса, $T_n=250$ тексдан юқори бұлса, | 16                                       | 16 | 16  | 16 | 20 | 24 ва ундан күп |
|   | 12                                       | 12 | 12  | 12 | 20 | 24 ва ундан күп |

## ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ

**Узун кесмалар бүйича ярим маҳсулотларнинг квадратик нотекислиги.** Холст, холстча, пилталарнинг квадратик нотекислиги 1 мли кесмалар билан, пиликнинг квадратик нотекислиги 10 м. узунликдаги кесмалар олинниб, синовдан ўтказилади.

Вариация коэффициенти  $C_v$ -ни аниқлаш учун, пилтанинг -1 м узунликдаги кесмаларидан 100 та, 5 мли кесмалардан эса 50 таси олинади.

Холстнинг вариация коэффициенти  $C_v$ -ни аниқлаш учун 40 та, холстча учун эса 50 та кесма олинади.

Тараш машинасида пилтанинг  $C_v$  ни аниқлаш учун намуна машина тозалангандан сунг, 30 минут ишлагач олинади. Бир хил чизиқий зичликдаги пилталарни ишлаб чиқараётган машиналарни гурӯҳларга булиб олинади. Шу билан бирга холст қай даражада ишлатилганига ҳам эътибор берин керак. Бунда холст  $1/3 - 2/3$  қисмигача ишлатилган булиши керак.

### Тараш машинасидан намуналар олиш

| Кўрсаткичлар                                | Гурӯҳдаги машиналар сони |     |     |     |                       |
|---|--------------------------|-----|-----|-----|-----------------------|
|   | 1                        | 2   | 10  | 20  | 20 ва ундан куп бўлса |
| Гурӯҳдаги машиналардан олинган тослар сони. | 2                        | 2   | 10  | 10  | 20                    |
| Битта тосдан олинадиган намуналар сони.     | 50                       | 50  | 10  | 10  | 5                     |
| Умумий намуналар сони                       | 100                      | 100 | 100 | 100 | 100                   |

Ҳар бир машинадан олинадиган кесмалар сони,  $n = \frac{100}{M}$  формуласи билан аниқланади.

## Пилик машинасидан намуналар олиш

|   |     |     |     |     |                   |
|---|-----|-----|-----|-----|-------------------|
| <b>Машиналар сони</b>                             | 1   | 2   | 5   | 10  | 10 ва ундан ортиқ |
| <b>Курсаткичлар</b>                               |     |     |     |     |                   |
| <b>Галтаклар олинадиган машиналар сони.</b>       | 1   | 2   | 5   | 10  | 10                |
| <b>1 та машинадан оли-надиган галтаклар</b>       |     |     |     |     |                   |
| 1 қатор   | 2   | 1   | 1   | 1   | 1                 |
| 2 қатор   | 2   | 1   | 1   | 1   | 1                 |
| <b>1 та галтакдан оли-надиган кесмалар со-ни.</b> | 25  | 25  | 10  | 10  | 5                 |
| <b>Умумий тажрибалар сони</b>                     | 100 | 100 | 100 | 100 | 100               |

### Таянч иборалар:

Ярим маҳсулотлар чизиқий зичлиги, нотекислигини аниқлаш ва уларни меъёрий ҳужжатлар билан солиштириш, холстча, пилталарнинг квадратик нотекислиги, вариация коэффициенти

### Назорат саволлари:

1. Ярим маҳсулотлар чизиқий зичлиги, нотекислигини аниқлаш ва уларни меъёрий ҳужжатлар билан солиштириш қандай амалга оширилади.

2. Ярим маҳсулотларнинг чизиқий зичлигини аниқлаш учун намуна олиш қандай тартибда олиб борилади.

3. Узун кесмалар бўйича ярим маҳсулотларнинг квадратик нотекислиги қандай аниқланади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Q.Jumaniyozov. G'.G'afurov. To'qimachilik mahsulotlari texnologiyasi. Darslik.-T.:O'zbekiston, 2012 y, 188 bet.
2. Q.G'.G'ofurov, S.L Matismailov. M.Sh. Xoliyarov.Yigiruv korxonalari jihozlari. -T.:Sharq.2007.171 bet.
3. Ш.Р.Марасулов. Пахта ва химиявий толаларни йигириши. 1- қисм. Дарслик,- Т.:Ўқитувчи. 1979.255, бет.
4. Ш.Р.Марасулов. Пахта ва химиявий толаларни йигириши.2- қисм. Дарслик,- Т.:Ўқитувчи. 1985,335 бет.
5. К.И.Бадалов. Лабораторный практикум по прядению хлопка и химических волокон. Учебник.- М., 1988.459 стр.
- 6.Hwanki Lee. Quality Control o f Latest Spinning Process and Prevention o f Textile Defects. Seoul, 2015.
7. Ю.В. Павлов и др. 'Теория процессов, технология и оборудование прядения хлопка и химических волокон". Учебник., Иваново, ИГТА 2000 -392 с.
- 8.R.S.Salomova. D.R.Giyosova. Yigirish maxsus texnologiyasi. Укув қулланма.-Т.: ChoMpon 2006y. 176 бег.
- 9.В.Н. Широкова и др. Справочник по хлопкопрядению. Учебник.-М.Лёгкая и пищевая промышленность. 1985. 472 стр.
- 10.И.Г.Борзунов и др. Прядение хлопка и химических волокон (I часть). Учебник. - М: Лёгкая и пищевая промышленность, 1982. 376 стр.
- 11..И.Г.Борзупов и др. Прядение хлопка и химических волокон (2 часть). Учебник. - М: Легпромбытиздат. 1986. 392 стр.
- 12.Матмусаев У.М ва бошқалар. «Түқимачилик материалшунослиги» I-қисм. «Ўзбекистон», 2005й.
- 13.Ochilov T.A. va boshqalar. «To'qimachilik materiallarini sinash». Toshkent, «O'zbekiston»- 2004 y.
- 14.Аббасова Н.Г. ва бошқалар. «Ёнгил саноат маҳсулотлари материалшунослиги». I-қисм. Дарслик-Т.: Алоқачи, 2005. -283 бет.

- 15.Соловьев А.Н., Кирюхин С.М. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М.: Легкая индустрия, 1984, 238 с.
- 16.Бузов Б.А. и др. Лабораторный практикум по материаловедению швейного производства. М.:Легпромбытиздат, 1991.
- 17.Грачев М.В. и др. Качество продукции стандартизация в текстильной промышленности. М., 1985.
18. РСТ Уз ИСО 8402:1998. Управления качеством и обеспечение качества. Словарь.
19. O'z DST ISO 9001:2002. Системы качества. Модел для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.
20. O'z DST ISO 9002:2002. Системы качества. Модел для обеспечения качества при производстве, монтаже и обслуживании.
21. O'z DST ISO 9003:2002. Системы качества. Модел для обеспечения качества при окончательном контроле и испытаниях.
22. РД Уз 51-062-97 НСС Уз. Порядок подготовки и проведения сертификации. Общие требования.
23. O'z DST 16.10:2007. «Mahsulotni sertifikatlashtirish idoralariga quyiladigan talablar». O'zstandart agentligi, Т.-2007.
- 24.<http://www.ziyonet.uz>
- 25.<http://titli.uz/index.php/uz/axborotresurslari/qollanma.html>
- 26.<http://titli.uz/index.php/ru/axborotresurslari1/Darsliklar.html>
- 27.<http://standart.gov.uz>
- 28.<http://www.manbo.com/apros.shtml>
- 29.<http://docs.ttesi.uz/ed/>.
- 30.[www.Rieter.com](http://www.Rieter.com).
- 31.[www.Trutzshler.com](http://www.Trutzshler.com).
- 32.[www.truetzsehler.com](http://www.truetzsehler.com).
- 33.[www.zinser.saurer.com](http://www.zinser.saurer.com).

## МУНДАРИЖА

|  |    |
|--|----|
| КИРИШ.....   | 3  |
| I БОБ. АТРОФ-МУХИТ ҲАРОРАТИ ВА НАМЛИГИ ҲАМДА НАМУНА ТАНЛАШ УСЛУБЛАРИ.....                              | 5  |
| 1.1-§.Атроф-мухит ҳарорати ва намлигининг синов натижаларига таъсири .....                             | 5  |
| 1.2-§. Назорат ва маҳсулот сифатини баҳолаш турлари.....   | 16 |
| 1.3-§. Синов ишлари учун намуна танлаш .....   | 30 |
| принциплари ва услублари .....   | 30 |
| 1.4-§. Бир босқичли тасодифий танланма .....   | 34 |
| Тасодифий ва тизимли хатоликлар .....  | 37 |
| Үртача сифат кўрсаткичларни меъёрий билан солишириш .....  | 39 |
| Материал сифат кўрсаткичларининг намунавий хатолиги ..   | 40 |
| 1.5-§. Икки босқичли тасодифий танланма.....   | 42 |
| Маҳсулот сифатини бошқаришда бир ва икки босқичли танлов бўйича тадқиқотлар.....                       | 45 |
| 1.6-§. Икки босқичли тасодифий танлов қиймати .....  | 48 |
| 1.7-§. Уч, тўрт ва кўп босқичли тасодифий.....   | 52 |
| намуна танлаш .....  | 52 |
| Тўқимачилик материаллар сифатини хоссаларнинг нотекислик сифат кўрсаткичлар бўйича баҳолаш.....        | 57 |
| II БОБ. ЙИГИРИШ КОРХОНАСИДА ТЕХНИК .....   | 61 |
| НАЗОРАТ БЎЛИМИ .....   | 61 |
| 2.1-§.Техник назорат бўлими .....  | 61 |
| 2.2-§. Ип йигириш корхоналарида техникавий назорат, ишлаб чиқариш лабораторияларининг вазифалари ..... | 66 |
| 2.3-§.Техник назорат бўлимининг умумий.....  | 83 |

|  |     |
|--|-----|
| масалалари .....   | 83  |
| 2.4-§. Хом ашёни сақланиши ва толани сифатини назорат<br>қилиш .....                                       | 87  |
| 2.5-§. Титиш саваш бўлимида технологик жараённи назорат<br>қилиш .....                                     | 94  |
| 2.6-§.Холстни чизиқий зичлиги ва нотекислигини аниқлаш<br>.....  | 105 |
| 2.7-§.Тараш цехидаги техникавий назорат турлари.....   | 108 |
| 2.8-§.Йигириш корхонасида нотекисликни назорат қилиш<br>.....  | 111 |
| 2.9-§.Қайта тараш цехидаги техникавий назорат.....   | 119 |
| 2.10-§.Пилик цехида техникавий назорат .....   | 122 |
| 2.11-§.Йигириш цехидаги технологик жараён ва.....<br>ипни сифатини назорат қилиш.....                      | 129 |
| 2.12-§.Йигириш корхонасида маҳсулотнинг чизиқий зичлиги<br>бўйича нотекислигининг ўзгариши .....           | 135 |
| 2.13-§.Найчага уралган ип массаси ва ўралиш зичлигини<br>аниқлаш. Момик сургични ишини назорат қилиш ..... | 141 |
| 2.14-§.Утимлар бўйича ярим маҳсулот ва ип .....  | 144 |
| узилишини аниқлаш .....  | 144 |
| 2.15-§.Ярим маҳсулотлар ва ип сифатини текшириш .....  | 148 |
| АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....  | 153 |

*Қайдлар үчүн*

Р.Х.НУРБОЕВ, Ф.Ф.ҚАЗОҚОВ, Х.К.РАХИМОВ,  
М.Р.ХУДАЙБЕРДИЕВ

# ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ТЕХНИК НАЗОРАТИ

*Мусаҳҳих:*

*Саҳифалови:*

*М.Рахимов*

*М.Арслонов*



Оригинал – макетдан босишига рухсат этилди: 15.03.2021.

Бичими 60x84. Кегли 16 shponli. « Palatino Linotype» гарн.

Офсет босма усулида. Офсет босма қоғозида. Босма табоги 10.

Адади 100.Буюртма № 17.



«Шарқ – Бухоро» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Бухоро шаҳар Ўзбекистон Мустақиллиги кучаси, 70/2 уй.

Тел: 0(365) 222-46-46



Нурбоев Рашит Худайбердиевич-техника фанлари номзоди, доцент. 1966 йилда Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида ўқитувчи оиласида туғилган. 1973-1983 йилларда ўрта мактабда, 1983-1991 йилларда Тошкент Тўқимачилик ва Енгил саноат институтининг механика факултетида ўқиган. 1991 йилдан хозирга қадар Бухоро Муҳандислик-технология институтидаги ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, декан муовини, факултет декани лавозимларида фаолият юритиб келган. Тўқимачилик ва енгил саноатига тегишли 250 тадан ортиқ илмий мақолалар ҳамда 8 та дарслик, 1 та ихтиро патенти, 4 та гувохнома, 5 та монография 3 та ўқув қўлланма муаллифидир. 2010 -2015 “Чарм-мўйна ва тўқимачилик саноати технологияси” кафедраси мудири, 2015-2017 йилларда “Енгил саноат технологияси ва жиҳозлари” кафедраси мудири, 2017 йил 7 августдан хозирги кунга қадар “Тўқимачилик технологияси ва дизайнни” кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.



Қазоқов Фарҳот Фармонович-техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент. 1982 йил 23 ноябрда Бухоро вилояти Ромитан туманида ишчи оиласида таваллуд топган 2003 йили Бухоро өзиқ-овқат ва енгил саноат институти “Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси” йўналиши бўйича бакалавриатни, 2005 йили “Йигирув технологияси” магистратура мутахассислигини имтиёзли диплом билан тамомлаган. 2008 йилдан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти “Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси” кафедраси мустақил изланувчиси сифатида, 2019 йил Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошида ташкил этилган кенгашда техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини муваффақиятли химоя қилган. Тўқимачилик ва енгил саноатига тегишли 70 тадан ортиқ илмий мақолалар ҳамда 1 та ихтиро патенти, 5та гувохнома, 2та монография 1та ўқув қўлланма муаллифидир. 2018 йилдан хозирги кунга қадар “Тўқимачилик технологияси ва дизайнни” кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда.



Рахимов Ҳакимбой Каримович - асистент. 1965 йилда Хоразм вилоятининг Шовот туманида ишчи оиласида туғилган. 1972-1982 йилларда ўрта мактабда, 1987-1992 йилларда Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг “Енгил саноат” факултетида ўқиган. 2000 йилдан хозирга қадар Бухоро Муҳандислик-технология институтидаги лаборатория мудири. лаборант, асистент лавозимларида фаолият юритиб келмоқда. Тўқимачилик ва енгил саноатига тегишли 50 тадан ортиқ илмий мақолалар ҳамда 1 та монография 1 та ўқув қўлланмалар муаллифидир.



Худойбердиев Мирқосим Рашиджон ўғли-Бухоро муҳандислик-технология институти мустақил изланувчиси. 1994 йилда Бухоро шаҳрида ўқитувчи оиласида туғилган. 2001-2009 йилларда Бухоро шаҳар 30 сон умумтаълим мактаби ўқувчиси, 2009-2012 йилларда Бухоро шаҳар “Автомобил йўллари” касб-хунар коллежи талабаси. 2012-2016 йилларда Бухоро муҳандислик-технология институти “Енгил саноат” факултети талабаси, 2016-2018 йилларда Бухоро муҳандислик-технология институти “Нефт ва газ саноати машиналари ва жиҳозлари” ихтисослиги бўйича магистратура мутахассислигини тутагтган. Ўзбекистон Республикаси талabalар учун таъсис этилган Беруний номли давлат стипендияси совриндори.